

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИ ТҮПЛАМИ

15-сон  
(255)  
2007 й.  
апрель

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари түплами беш бўлимдан иборат:*

*тўпламнинг биринчи бўлимида Ўзбекистон Республикаси қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари эълон қилинади;*

*иккинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон, қарор ва фармойишлари эълон қилинади;*

*учинчи бўлимда Вазирлар Маҳкамасининг қарор ва фармойишлари эълон қилинади;*

*тўртинчи бўлимда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий судининг қарорлари эълон қилинади;*

*тўпламнинг бешинчи бўлимида вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари эълон қилинади.*

+

-

## МУНДАРИЖА

### *Биринчи бўлим*

150. «Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига ўзгартиш киритиш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 9 апрелдаги ЎРҚ-87-сон Конуни
151. «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 11 апрелдаги ЎРҚ-88-сон Конституциявий Конуни
152. «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг моддаларига тузатишлар киритиш тўғрисида (89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи кисмига)» Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 11 апрелдаги ЎРҚ-89-сон Конуни
153. «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»-ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Конуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш хақида» Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 11 апрелдаги ЎРҚ-90-сон Конуни

154. «Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 241<sup>1</sup>-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 44-модда-сига ўзгартишлар киритиш ҳақида» Ўзбекистон Республикасининг 2007 йил 13 апрелдаги ЎРҚ-91-сон Конуни

*Иккинчи бўлим*

155. «Аудиторлик ташкилотлари фаолиятини янада такомиллаштириш ҳамда улар кўрсатаётган хизматлар сифати учун жавобгарликни ошириш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 4 апрелдаги ПҚ-615-сон қарори
156. «Ахоли бандлигини ошириш ҳамда меҳнат ва ахолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 6 апрелдаги ПҚ-616-сон қарори
157. «Ўзбекнефтгаз» МХК корхоналарини бургулаш қурилмалари ва ЗД сейсмик қидирув комплекслари билан жиҳозлаш» инвестиция лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 6 апрелдаги ПҚ-617-сон қарори
158. «Суғурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 10 апрелдаги ПҚ-618-сон қарори

+

*Бешинчи бўлим*

159. «Ўзбекистон Республикасига олиб кириладиган бензин ва дизель моторлари билан жиҳозланган «M2», «M3» ва «N2» тоифаларидаги янги автотранспорт воситаларини «Евро-2» экологик даражадан кам бўлмаган талабларга мувофиқлиги бўйича экологик сертификатлаштириш тартиби тўғрисидаги Вақтингчалик йўриқномани тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг 2007 йил 28 февралдаги 1-п, 80-ТК-сон қарори. (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 7 апрелда 1670-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди)
160. «Кимматли қофозлар бозори иштирокчилари томонидан ошкор этилиши шарт бўлган ахборотларни «Биржা» газетасида марказлаштирилган тарзда нашр этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси хузуридаги Кимматли қофозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази Бош директорининг 2007 йил 1 марта даги 2007-02-сон бўйруғи. (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 7 апрелда 1671-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди)

161. «Умумий мол-мулкни, ер участкасини ва хусусий уй-жой мулқдорлари ширкатининг мол-мулкини сақлаш бўйича жой мулқорларининг мажбурий бадалларини шакллантиришда харажатлар таркибини аниқлаш ҳамда уй-жой фондига хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш бўйича пудрат ташкилотларининг хизматлари учун рентабелликнинг чекланган даражасини жорий этиш бўйича низомни тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Ўзбекистон «Ўзкоммунхизмат» агентлигининг 2006 йил 25 декабрдаги 104, 17, 01-1371-сон карори. (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 10 апрелда 1672-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди)
162. «Ўзбекистон Республикаси аудиторлик фаолиятининг миллий стандарти (12-сон АФМС) «Аудиторлик текширувлари жараёнида бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимини баҳолаш»ни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2006 йил 29 декабрдаги 108-сон буйруфи. (Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил 12 апрелда 1673-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди)

Вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг умумий мажбурий тусдаги норматив хужжатларини давлат рўйхатидан ўтказиш холати тўғрисида 2007 йил 7 апрелдан 13 апрелгача бўлган маълумот

+

-

## БИРИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНинг ҚОNUНИ

### **150 Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига ўзгариш кириши тўғрисида\***

Қонунчилик палатаси томонидан  
2007 йил 26 январда қабул қилинган

Сенат томонидан 2007 йил 29 марта  
маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 29 августда қабул қилинган 463-I-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Кадрлар тайёрлаш миллий дастури** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 11-12, 295-модда) **4.4-бандининг иккинчи хатбоисидаги «Маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази» деган сўзлар «Республика Маънавият тарбибот маркази, Миллий ғоя ва мафкура илмий-амалий маркази» деган сўзлар билан алмаштирилсин.**

**2-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2007 йил 9 апрель,  
ЎРҚ-87-сон

---

\* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2007 йил 10 апрелда эълон қилинган.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ КОНСТИТУЦИЯВИЙ ҚОНУНИ

# 151

**Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида\***

Қонунчилик палатаси томонидан  
2007 йил 28 февралда қабул қилинган

Сенат томонидан 2007 йил 29 мартда  
маъқулланган

## 1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтиришдан иборат.

Ушбу Қонун Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига тегишли тузатишлар, шунингдек амалдаги қонун хужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш учун асосдир.

## 2-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракциялари

Сиёсий партия фракцияси сиёсий партиядан кўрсатилган депутатлар томонидан партия манфаатларини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида ифодалаш мақсадида тузиладиган ва белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказилган депутатлар бирлашмасидир.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида кўпчилик ўринни эгаллаган сиёсий партия фракцияси парламентдаги кўпчиликни ташкил этади.

Ўз дастурий мақсадли вазифаларининг яқинлигидан ёки мослигидан келиб чиқкан холда блок тузадиган бир нечта сиёсий партиялар фракциялари ва сайловчилар ташаббускор гурухларидан сайланган депутатлар хам парламентдаги кўпчиликни ташкил этиши мумкин.

Янгитдан шакллантирилган ҳукуматнинг тутган йўли ва дастурига ёки унинг айрим йўналишларига қўшилмайдиган сиёсий партиялар фракциялари, шунингдек сайловчилар ташаббускор гурухларидан сайланган депутатлар ўзларини муҳолифат деб эълон қилиши мумкин.

Сиёсий партиялар фракцияларининг блокка бирлашиши қонунда назарда тутилган ҳуқукларни амалга оширишда уларнинг мустақиллигини чеклаб қўймайди.

Ўзини парламентдаги муҳолифат деб эълон қилган сиёсий партия фракцияси қонунда фракциялар учун назарда тутилган ваколатлар билан бир қаторда кўйидаги ҳуқукларга эга:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси масъул қўмишининг тегишли масала бўйича маърузаси билан бир вақтда қонун лойиҳасининг муқобил таҳририни киритиш;

\* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2007 йил 12 апрелда эълон қилинган.

муҳокама этилаётган масалалар юзасидан ўзининг алоҳида фикрини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг ялпи мажлиси баённомасига киритиш;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати томонидан рад этилган конун бўйича келишув комиссиясида ўз вакилларининг кафолатли иштирок этиши.

Парламентдаги муҳолифатнинг қонун билан кафолатланган хукуклари парламентдаги кўпчилик томонидан камситилиши мумкин эмас.

Сиёсий партиядан кўрсатилган ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасига сайланган депутат факат шу партия фракциясининг аъзоси бўлиши мумкин.

### **3-модда. Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринbosарларини сайлаш тартиби**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ўз таркибидан Қонунчилик палатасининг Спикери ва унинг ўринbosарларини сайлайди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринbosарлари яширин овоз бериш орқали депутатлар умумий сонининг кўпчилик овози билан Қонунчилик палатасининг ваколати муддатига сайланади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида тузилган сиёсий партия фракцияси ўз вакили Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринbosари лавозимларидан бирини эгаллашида кафолатли хукуққа эга.

— +  
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринbosарини сайлаш учун сиёсий партия фракцияси, қоида тарикасида, ўз фракцияси раҳбарининг номзодини киритади.

Сиёсий партия фракциясидан тақдим этилган номзод Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринbosари лавозимига сайланмаган тақдирда, сиёсий партия фракцияси ўз фракцияси аъзолари орасидан бошқа номзодни тақдим этиш хукуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринbosари Қонунчилик палатаси қўмиталаридан бирининг таркибига сайланиши мумкин.

### **4-модда. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини тайинлаш тартиби**

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзоди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг мансабдор шахслари сайланганидан ва органлари шакллантирилганидан кейин бир ой ичida Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракцияларининг ҳар бири билан ҳамда сайловчилар ташаббускор гурухларидан сайланган депутатлар билан маслаҳатлашувлар ўтказилганидан сўнг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати кўриб чиқиши ҳамда тасдиқлаши учун тақдим этилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари умумий сонининг кўпчилик овозини олган Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзоди тасдиқланган ҳисобланади.

Агар овоз бериш вақтида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзоди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ёки Сенатида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари ёки

Сенати аъзолари умумий сонининг кўпчилик овозини ололмаса, Ўзбекистон Республикаси Президенти сиёсий партиялар фракциялари ва сайловчилар ташаббускор гурухларидан сайланган депутатлар билан қўшимча маслаҳатлашувлар ўтказганидан сўнг Ўзбекистон Республикаси Бош вазири лавозимида номзодларни яна икки марта тақдим этиш хукуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Конунчилик палатаси ёки Сенати тақдим этилган Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзодини уч марта рад этган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ўзбекистон Республикаси Бош вазири вазифасини бажарувчини тайинлади, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисини ёки унинг палаталаридан бирини тарқатиб юборади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Конунчилик палатаси, Сенати тарқатиб юборилган тақдирда, янги сайлов тарқатиб юбориш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч ой ичидаги ўтказилади.

#### **5-модда. Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини лавозимидан озод этиш тартиби**

Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан кўйидаги ҳолларда лавозимидан озод этилади:

- а) Бош вазирнинг истеъфога чиқиши тўғрисидаги аризасига биноан;
- б) Бош вазир ўз ваколатларини бажариши мумкин бўлмай қолган тақдирда;
- в) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамаси таркибида унинг нормал фаолиятига таҳдид солувчи ҳал қилиб бўлмайдиган ихтилофлар юз бергандаги, шунингдек Вазирлар Махкамаси бир неча марта Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, конунларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига зид қарорлар қабул қиласидаги тақдирда;
- г) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Конунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракцияларининг Ўзбекистон Республикаси Президенти кўриб чиқиши учун тақдим этган ташабbusiga биноан. Агар зарур асосларга эга бўлган бундай ташабbusни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Конунчилик палатасидаги сиёсий партиялар етакчи фракциялари кўллаб-қувватласа ҳамда мазкур ташабbus Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Конунчилик палатаси ва Сенатида овозга қўйилганда тегишинча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Конунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари умумий сони учдан икки кисмидан кўпроғининг овозини олса, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини лавозимидан озод этиш тўғрисида қарор қабул қиласидаги тақдирда.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг лавозимидан озод этилиши бир вақтнинг ўзида Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг истеъфога чиқишига сабаб бўлади.

#### **6-модда. Вилоят, Тошкент шаҳар ҳокимини тайинлаш ва тасдиқлаш тартиби**

Вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокими номзодлари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тегишли ҳалқ депутатлари Кенгашларидаги партия гурухларининг ҳар бири билан маслаҳатлашувлар ўтказилганидан сўнг ҳалқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар Кенгашига тасдиқлаш учун тақдим этилади.

Тегишли ҳалқ депутатлари Кенгаши депутатлари умумий сонининг кўпчилик овозини олган вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокими номзоди тасдиқланган хисобланади.

Агар овоз бериш вақтида вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокими номзодлари тегишли халқ депутатлари Кенгаши депутатлари умумий сонининг кўпчилик овозини ололмаса, Ўзбекистон Республикаси Президенти мазкур лавозимларга номзодларни партия гурухлари билан қўшимча маслаҳатлашувлар ўтказганидан сўнг бир ой ичida яна икки марта тақдим этиш хуқуқига эга.

Тегишли халқ депутатлари Кенгаши тақдим этилган вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокими номзодларини уч марта рад этган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Президенти вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокими вазифасини бажарувчини тайинлаш, тегишли халқ депутатлари Кенгашини тарқатиб юбориш хуқуқига эга. Бунда халқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар Кенгашларига сайлов тарқатиб юбориш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч ой ичida ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти халқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг қарорига мувофиқ ҳоким номзоди бўйича фармон қабул қиласди.

**7-модда.   Халқ депутатлари вилоятлар ва Тошкент шаҳар Кенгашлари депутатларининг вилоят ҳамда Тошкент шаҳар ҳокими фаолияти назорат қилиш вазифалари**

Назорат қилиш вазифалари самарадорлигини ошириш мақсадида халқ депутатлари вилоятлар, Тошкент шаҳар Кенгашларидаги партия гурухларига вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокими лавозимига тасдиқланган шахсларнинг қоникарсиз фаолияти тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентига асосланган хulosалар тақдим этиш ташабbusи хуқуқи берилади. Бундай ташабbus етакчи партия гурухлари томонидан қўллаб-қувватланган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Президенти бу ташабbusнинг халқ депутатлари Кенгашидаги муҳокамасини тайинлайди ва муҳокама натижаларига мувофиқ қарор қабул қиласди.

**8-модда.   Ушбу Конституциявий Қонуннинг кучга кириши**

Ушбу Конституциявий Қонун 2008 йил 1 январдан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2007 йил 11 апрель,  
ЎРҚ-88-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ ҚОНУНИ

**152 Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг моддаларига тузатишлар киритиш тўғрисида (89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмига)\***

Қонунчилик палатаси томонидан  
2007 йил 28 февралда қабул қилинган

Сенат томонидан 2007 йил 29 мартда  
маъқулланган

Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига ушбу тузатишлар давлат бошқарувини янада демократлаштириш, хокимиятнинг қонун чиқарувчи, ижро этувчи тармоқлари, ҳукумат ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари зиммасига Конституция билан юклатилган ваколатларни амалга оширишдаги роли ва масъулиятини ошириш, мамлакат Президенти вазифаларини аник-равshan белгилаш ҳамда ҳуқуқий меъёрлар доирасида чеклаш, шунингдек юқорида кўрсатиб ўтилган ислоҳотларни амалга оширишда, мамлакатни янгилаш ва модернизация қилишда сиёсий партияларнинг роли ҳамда таъсирини кучайтириш мақсадида киритилмоқда.

+

**1-модда.** 1992 йил 8 декабрда ўн иккинчи чақирик Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ўн биринчи сессиясида қабул қилинган **Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 1, 4-модда; 1994 йил, № 1, 5-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 3-4, 27-модда) кўйидаги тузатишлар киритилсан:

1) **89-модда** кўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«**89-модда.** Ўзбекистон Республикасининг Президенти давлат бошлиғидир ва давлат ҳокимияти органларининг келишилган ҳолда фаолият юритишини ҳамда ҳамкорлигини таъминлайди»;

2) **93-модданинг 15-банди** кўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«(15) вилоятлар ҳокимларини ҳамда Тошкент шаҳар ҳокимини қонунга мувофиқ тайинлайди ҳамда лавозимидан озод этади. Конституцияни, қонунларни бузган ёки ўз шаъни ва қадр-қимматига дод туширадиган хатти-ҳаракат содир этган туман ва шаҳар ҳокимларини Президент ўз қарори билан лавозимидан озод этишга ҳақли»;

3) **102-модданинг иккинчи қисми** кўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокими Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қонунга мувофиқ тайинланади ҳамда лавозимидан озод этилади».

-

\* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2007 йил 12 апрелда эълон қилинган.

**2-модда.** Ушбу Конун 2008 йил 1 январдан эътиборан кучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти

**И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2007 йил 11 апрель,  
ЎРҚ-89-сон

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ ҚОНУНИ

**153** «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги  
Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонуни қабул қилинганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида\*

— Конунчилик палатаси томонидан  
2007 йил 28 февралда қабул қилинган

+ Сенат томонидан 2007 йил 29 марта  
маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасиниг 1993 йил 6 майда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси **Вазирлар Маҳкамаси тўғрисида**»ги 818-XII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикасиниг 2003 йил 29 августда қабул қилинган 524-II-сонли Қонуни билан тасдиқланган таҳририда) (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 9-10, 138-модда) куйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсан:

1) **4-модданинг матни** куйидаги таҳрирда баён этилсан:

«Вазирлар Маҳкамаси таркибига Ўзбекистон Республикаси Баш вазири (бундан буён матнда Баш вазир деб юритилади), унинг ўринбосарлари, вазирлар, давлат қўмиталарининг раислари киради. Қорақалпогистон Республикаси Ҳукуматининг бошлиги ўз лавозими бўйича Вазирлар Маҳкамаси таркиби киради.

Вазирлар Маҳкамасининг таркиби Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан шакллантирилади. Баш вазир номзоди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг мансабдор шахслари сайланганидан ва органлари шакллантирилганидан кейин бир ой ичida Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Конунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракцияларининг ҳар бири билан ҳамда сайловчилар ташаббус-

---

\* Ушбу Конун «Халқ сўзи» газетасида 2007 йил 12 апрелда эълон қилинган.

кор гурухларидан сайланган депутатлар билан маслаҳатлашувлар ўтказилганидан сўнг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ва Сенати кўриб чикиши ҳамда тасдиқлаши учун тақдим этилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари умумий сонининг кўпчилик овозини олган Баш вазир номзоди тасдиқланган ҳисобланади.

Агар овоз бериш вақтида Баш вазир номзоди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ёки Сенатида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси депутатлари ёки Сенати аъзолари умумий сонининг кўпчилик овозини ололмаса, Ўзбекистон Республикаси Президенти сиёсий партиялар фракциялари ва сайловчилар ташаббускор гурухларидан сайланган депутатлар билан қўшимча маслаҳатлашувлар ўтказганидан сўнг Баш вазир лавозимида номзодларни яна иккى марта тақдим этиш ҳуқуқига эга.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ёки Сенати тақдим этилган Баш вазир номзодини уч марта рад этган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Президенти Баш вазир вазифасини бажарувчини тайинлайди, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисини ёки унинг палаталаридан бирини тарқатиб юборади.

Вазирлар Маҳкамасининг аъзолари Баш вазир тақдимига биноан Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тасдиқланади ва лавозимидан озод этилади.

Вазирлар Маҳкамаси янги сайланган Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисинг олдидаги ўз ваколатларини зиммасидан сокит қиласиди;

2) қўйидаги мазмундаги **4<sup>1</sup>-модда** билан тўлдирилсин:

#### **«4<sup>1</sup>-модда. Баш вазирни лавозимидан озод этиш**

Баш вазир Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан қўйидаги холларда лавозимидан озод этилади:

а) Баш вазирнинг истеъфога чиқиши тўғрисидаги аризасига биноан;

б) Баш вазир ўз ваколатларини бажариши мумкин бўлмай қолган тақдирда;

в) Вазирлар Маҳкамаси таркибида унинг нормал фаолиятига таҳдид солувчи ҳал қилиб бўлмайдиган ихтилофлар юз берганда, шунингдек Вазирлар Маҳкамаси бир неча марта Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, конунларига, Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармонлари, қарорлари ва фармойишларига зид қарорлар қабул қиласидан тақдирда;

г) Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисинг Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар фракцияларининг Ўзбекистон Республикаси Президенти кўриб чикиши учун тақдим этган ташаббусига биноан. Агар зарур асосларга эга бўлган бундай ташаббусни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисинг Қонунчилик палатасидаги сиёсий партиялар етакчи фракциялари қўллаб-куватласа ҳамда мазкур ташаббус Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисинг Қонунчилик палатаси ва Сенатида овозга қўйилганда тегишинча Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисинг Қонунчилик палатаси депутатлари ва Сенати аъзолари умумий сони учдан иккى қисмидан кўпроғининг овозини олса, Ўзбекистон Республикаси Президенти Баш вазирни лавозимидан озод этиш тўғрисида қарор қабул қиласидан тақдирда;

Баш вазирнинг лавозимидан озод этилиши бир вақтнинг ўзида Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг истеъфога чиқишига сабаб бўлади».

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрда қабул қилин-

ган «**Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида**»ги 913–ХII-сонли Конуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 9, 320-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 9, 241-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 12, 418-модда) **2-моддасининг матни** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокими Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тайинланади ҳамда лавозимидан озод этилади.

Вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокими номзодлари Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан тегишли ҳалқ депутатлари Кенгашларидаги партия гурухларининг ҳар бири билан маслаҳатлашувлар ўтказилганидан сўнг ҳалқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар Кенгашига тасдиқлаш учун тақдим этилади.

Тегишли ҳалқ депутатлари Кенгаши депутатлари умумий сонининг кўпчилик овозини олган вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокими номзоди тасдиқланган хисобланади.

Агар овоз бериш вақтида вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокими номзодлари тегишли ҳалқ депутатлари Кенгаши депутатлари умумий сонининг кўпчилик овозини ололмаса, Ўзбекистон Республикаси Президенти мазкур лавозимларга номзодларни партия гурухлари билан қўшимча маслаҳатлашувлар ўтказганидан сўнг бир ой ичida яна икки марта тақдим этиш ҳуқуқига эга.

Тегишли ҳалқ депутатлари Кенгаши тақдим этилган вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокими номзодларини уч марта рад этган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Президенти вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокими вазифасини бажарувчини тайинлаш, тегишли ҳалқ депутатлари Кенгашини тарқатиб юбориш ҳуқуқига эга. Бунда ҳалқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар Кенгашларига сайлов тарқатиб юбориш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч ой ичida ўтказилади.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳалқ депутатлари вилоят ва Тошкент шаҳар Кенгашларининг қарорига мувофиқ ҳоким номзоди бўйича фармон қабул қиласи.

Туман, шаҳар ҳокимлари вилоят ҳокими томонидан тайинланади ва лавозимидан озод этилади ҳамда тегишли ҳалқ депутатлари Кенгаши томонидан тасдиқланади.

Вилоят, туман, шаҳар ҳокимлари тегишли ҳалқ депутатлари Кенгаши депутатлари орасидан тайинланади ва тасдиқланади.

Шаҳардаги туман, туманга бўйсунувчи шаҳар ҳокимлари тегишинча шаҳар, туман ҳокими томонидан тайинланади ва лавозимидан озод этилади ҳамда ҳалқ депутатлари шаҳар, туман Кенгаши томонидан тасдиқланади.

Вилоят ҳокими Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда шаҳар ҳокимини туман (шаҳар таркибига кирувчи туманлар бундан мустасно) ҳокимига бўйсундириш ва ягона бошқарув органларини тузиш ваколатига эга бўлиб, бу хусусдаги қарор кейинчалик ҳалқ депутатлари вилоят Кенгаши томонидан тасдиқланади.

Ҳалқ депутатлари Кенгаши ва ҳокимларнинг ваколат муддати — беш йил».

**3-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 декабрда қабул қилинган «**Сиёсий партиялар тўғрисида**»ги 337-I-сонли Конунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, № 2, 36-модда; 1999 йил, № 2, 229-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда) қўйидаги қўшимчалар киритилсин:

1) **13-модданинг иккинчи қисми:**

қўйидаги мазмундаги **учинчи ҳатбоши** билан тўлдирилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Бош вазирини лавозимидан озод этиш тўғрисидаги ташабbus билан Ўзбекистон Республикаси Президентига мурожаат қилиш»;

**учинчи — еттинчи ҳатбошилари** тегишинча **тўртинчи — сакказинчи ҳатбошилар** деб ҳисоблансан;

**олтинчи ҳатбошиси** «палатасининг» деган сўздан кейин «Спикер ўринbosарлигига» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

2) қўйидаги мазмундаги **13<sup>1</sup>-модда** билан тўлдирилсин:

**«13<sup>1</sup>-модда. Парламентдаги кўпчилик ва парламентдаги муҳолифат. Сиёсий партиялар фракцияларининг блокка бирлашиши**

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатасида кўпчилик ўринни эгаллаган сиёсий партия фракцияси парламентдаги кўпчиликни ташкил этади.

Ўз дастурий мақсадли вазифаларининг яқинлигидан ёки мослигидан келиб чиқкан холда блок тузадиган бир нечта сиёсий партиялар фракциялари ва сайловчилар ташабbusкор гурухларидан сайланган депутатлар хам парламентдаги кўпчиликни ташкил этиши мумкин.

Янгитдан шакллантирилган ҳукуматнинг тутган йўли ва дастурига ёки унинг айрим ўналишларига қўшилмайдиган сиёсий партиялар фракциялари, шунингдек сайловчилар ташабbusкор гурухларидан сайланган депутатлар ўзларини муҳолифат деб эълон қилиши мумкин.

+ Сиёсий партиялар фракцияларининг блокка бирлашиши қонунда назарда тутилган ҳуқуқларни амалга оширишда уларнинг мустақиллигини чеклаб қўймайди.

- Ўзини парламентдаги муҳолифат деб эълон қилган сиёсий партия фракцияси қонунда фракциялар учун назарда тутилган ваколатлар билан бир қаторда қўйидаги ҳуқуқларга эга:

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси масъул қўмистасининг тегишли масала бўйича маъruzasi билан бир вақтда қонун лойиҳасининг муқобил таҳририни киритиш;

муҳокама этилаётган масалалар юзасидан ўзининг алоҳида фикрини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг ялпи мажлиси баённомасига киритиш;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати томонидан рад этилган қонун бўйича келишув комиссиясида ўз вакилларининг кафолатли иштирок этиши.

Парламентдаги муҳолифатнинг қонун билан кафолатланган ҳуқуқлари парламентдаги кўпчилик томонидан камситилиши мумкин эмас»;

3) **14-модданинг иккинчи қисми:**

қўйидаги мазмундаги **еттинчи ҳатбоши** билан тўлдирилсин:

«вилоят ва Тошкент шаҳар ҳокими лавозимига тасдиқланган шахсларнинг қоникарсиз фаолияти тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Президентига асосланган хulosалар тақдим этиш ташабbusи»;

**еттинчи ҳатбошиси сакказинчи ҳатбоши** деб ҳисоблансан.

**4-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 12 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги 434-II-сонли Конституциявий Қонунига (Ўзбекистон Республикаси

Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 12, 215-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда) қўйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсан:

**1) 15-модданинг матни** қўйидаги таҳрирда баён этилсан:

«Конунчилик палатаси Спикерининг ўринбосарлари Конунчилик палатаси депутатлари орасидан яширин овоз бериш орқали депутатлар умумий сонининг кўпчилик овози билан Конунчилик палатасининг ваколати муддатига сайланади. Конунчилик палатаси Спикерининг ўринбосарлигига номзодлар кўрсатиш ва сайлаш тартиби конунда ҳамда Конунчилик палатаси Регламентида белгиланади.

Конунчилик палатасида тузилган фракция ўз вакили Конунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари лавозимларидан бирини эгаллашида кафолатли хукуқга эга.

Конунчилик палатаси Спикерининг ўринбосарини сайлаш учун фракция, қоида тариқасида, ўз фракцияси раҳбарининг номзодини киритади.

Конунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари Конунчилик палатаси қўмиталаридан бирининг таркибига сайланиши мумкин.

Конунчилик палатаси Спикерининг ўринбосарлари Конунчилик палатаси Спикерининг топшириғига биноан унинг айrim вазифаларини бажаради ва Конунчилик палатаси Спикери йўқлигига ёки ўз вазифаларини амалга ошириши мумкин бўлмаган холларда унинг вазифасини бажариб туради»;

**2) 23-модданинг олтинчи қисмидаги** «ёки ҳеч бир фракция ёхуд депутатлар гурухига кирмасликка ҳақли» деган сўзлар чиқариб ташлансан;

3) қўйидаги мазмундаги **25<sup>1</sup>-модда** билан тўлдирилсан:

**«25<sup>1</sup>-модда. Парламентдаги кўпчилик ва парламентдаги муҳолифат.  
Фракцияларнинг блокка бирлашиши**

Конунчилик палатасида кўпчилик ўринни эгаллаган фракция парламентдаги кўпчиликни ташкил этади.

Ўз дастурий мақсадли вазифаларининг яқинлигидан ёки мослигидан келиб чиқсан ҳолда блок тузадиган бир нечта фракциялар ва сайловчилар ташаббускор гурухларидан сайланган депутатлар ҳам парламентдаги кўпчиликни ташкил этиши мумкин.

Янгитдан шакллантирилган хукуматнинг тутган йўли ва дастурига ёки унинг айrim йўналишларига кўшилмайдиган фракциялар, шунингдек сайловчилар ташаббускор гурухларидан сайланган депутатлар ўзларини муҳолифат деб эълон қилиши мумкин.

Фракцияларнинг блокка бирлашиши қонунда назарда тутилган хукуқларни амалга оширишда уларнинг мустақиллигини чеклаб қўймайди.

Ўзини парламентдаги муҳолифат деб эълон қилган фракция конунда фракциялар учун назарда тутилган ваколатлар билан бир қаторда қўйидаги хукуқларга эга:

Конунчилик палатаси масъул қўмитасининг тегишли масала бўйича маъruzаси билан бир вақтда қонун лойиҳасининг муқобил таҳририни киритиш;

муҳокама этилаётган масалалар юзасидан ўзининг алоҳида фикрини Конунчилик палатасининг ялпи мажлиси баённомасига киритиш;

Сенат томонидан рад этилган қонун бўйича келишув комиссиясида ўз вакилларининг кафолатли иштирок этиши.

Парламентдаги муҳолифатнинг қонун билан кафолатланган хукуқлари парламентдаги кўпчилик томонидан камситилиши мумкин эмас».

**5-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 29 августда қабул қилин-

ган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида»ги 522-II-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 9-10, 136-модда) куйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсан:

**1) 4-модданинг матни** куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қонунчилик палатасининг биринчи мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери ни сайлашдан бошланади.

Қонунчилик палатаси Спикери ва унинг ўринбосарларини сайлаш учун депутатлар орасидан кўпи билан ўн беш кишидан иборат Оқсоқоллар кенгаши тузилади, мазкур кенгаш ваколатлари Қонунчилик палатаси Спикери ва унинг ўринбосарлари сайлангач тугайди.

Оқсоқоллар кенгашининг таркиби тўғрисидаги таклифни Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг Раиси киритади.

Оқсоқоллар кенгаши таркибига: Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг Раиси; депутатлик фаолиятида катта тажрибага эга бўлган, ёши энг улуг депутатлар; номзодлари Қонунчилик палатасига сайланган сиёсий партиялар депутатларининг вакиллари; Қонунчилик палатасига сайловчилар ташаббускор гурухларидан сайланган депутатларнинг вакиллари киритилади.

Оқсоқоллар кенгашининг таркиби тўғрисидаги қарор Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

Оқсоқоллар кенгаши Қонунчилик палатаси Спикери ва унинг ўринбосарлари лавозимларига номзодларни сиёсий партиялар ёки сайловчилар ташаббускор гурухларидан сайланган депутатлар орасидан кўрсатади.

Номзод, агар у яширин овоз бериш натижасида Қонунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг ярмидан кўп овозини олган бўлса, Қонунчилик палатаси Спикери этиб сайланган ҳисобланади.

Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосарларининг сони Оқсоқоллар кенгашининг тавсияси бўйича Қонунчилик палатаси томонидан белгиланади. Бунда, Қонунчилик палатасида тузилган фракция ўз вакили Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари лавозимларидан бирини эгаллашида кафолатли ҳукуқка эга эканлиги инобатга олинади.

Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосарлари яширин овоз бериш орқали депутатлар умумий сонининг кўпчилик овози билан Қонунчилик палатасининг ваколати муддатига сайланади.

Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосарини сайлаш учун фракция, қоида тарикасида, ўз фракцияси раҳбарининг номзодини киритади.

Фракциядан тақдим этилган номзод Қонунчилик палатаси Спикерининг ўринбосари лавозимига сайланмаган тақдирда, фракция ўз фракцияси аъзолари орасидан бошка номзодни тақдим этиш ҳукукига эга.

Қонунчилик палатаси Спикери ва унинг ўринбосарлари сайланганилиги тўғрисида қарорлар қабул қилинади, қарорларни палата мажлисида раислик қилувчи имзолайди;

**2) 7-модданинг иккинчи қисми** куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қонунчилик палатаси Спикери Қонунчилик палатаси қўмиталарининг таркибига сайланиши мумкин эмас»;

**3) 9-модданинг:**

**бешинчи қисмидаги** «ёки ҳеч бир фракция ёхуд депутатлар гурухига кирмасликка ҳақли» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

**олтинчи қисми** куйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Конунчилик палатаси Спикери ўз вазифаларини бажариш даврида сиёсий партияга аъзоликни тўхтатиб туради ва фракция ёки депутатлар гурухи таркибига кириши мумкин эмас»;

4) қўйидаги мазмундаги **9<sup>1</sup>-модда** билан тўлдирилсин:

**«9<sup>1</sup>-модда. Парламентдаги кўпчилик ва парламентдаги мухолифат. Фракцияларнинг блокка бирлашиши**

Конунчилик палатасида кўпчилик ўринни эгаллаган фракция парламентдаги кўпчиликни ташкил этади.

Ўз дастурий мақсадли вазифаларининг яқинлигидан ёки мослигидан келиб чиқсан ҳолда блок тузадиган бир нечта фракциялар ва сайловчилар ташаббускор гурухларидан сайланган депутатлар ҳам парламентдаги кўпчиликни ташкил этиши мумкин.

Янгитдан шакллантирилган хукуматнинг тутган йўли ва дастурига ёки унинг айрим йўналишларига кўшилмайдиган фракциялар, шунингдек сайловчилар ташаббускор гурухларидан сайланган депутатлар ўзларини мухолифат деб эълон қилиши мумкин.

Фракцияларнинг блокка бирлашиши қонунда назарда тутилган хукукларни амалга оширишда уларнинг мустақиллигини чеклаб қўймайди.

Ўзини парламентдаги мухолифат деб эълон қилган фракция қонунда фракциялар учун назарда тутилган ваколатлар билан бир каторда қўйидаги хукукларга эга:

Конунчилик палатаси масъул қўмитасининг тегишли масала бўйича маъруzasи билан бир вактда қонун лойиҳасининг муқобил таҳририни киритиш;

муҳокама этилаётган масалалар юзасидан ўзининг алоҳида фикрини Конунчилик палатасининг ялпи мажлиси баённомасига киритиш;

Сенат томонидан рад этилган қонун бўйича келишув комиссиясида ўз вакиларининг кафолатли иштирок этиши.

Парламентдаги мухолифатнинг қонун билан кафолатланган хукуклари парламентдаги кўпчилик томонидан камситилиши мумкин эмас»;

5) **22-модданинг матни** қўйидаги таҳrirда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзоди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг мансабдор шахслари сайланганидан ва органлари шакллантирилганидан кейин бир ой ичida Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан Конунчилик палатасидаги фракцияларнинг ҳар бири билан ҳамда сайловчилар ташаббускор гурухларидан сайланган депутатлар билан маслаҳатлашувлар ўтказилганидан сўнг Конунчилик палатаси ва Сенат кўриб чиқиши ҳамда тасдиқлаши учун тақдим этилади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзодини тасдиқлаш тўғрисидаги тақдимномаси мазкур тақдимнома киритилган кундан эътиборан етти кун ичida Конунчилик палатаси томонидан кўриб чиқилади.

Конунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг кўпчилик овозини олган Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзоди Конунчилик палатаси томонидан тасдиқланган хисобланади.

Агар овоз бериш вақтида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзоди Конунчилик палатасида Конунчилик палатаси депутатлари умумий сонининг кўпчилик овозини ололмаса, Ўзбекистон Республикаси Президенти фракциялар ва сайловчилар ташаббускор гурухларидан сайланган депутатлар билан қўшимча маслаҳатлашувлар ўтказилганидан сўнг Ўзбекистон Республикаси Бош вазири лавозимига номзодларни яна икки марта тақдим этиш хукуқига эга.

Қонунчилик палатасининг Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзодини тасдиқлаш масаласи юзасидан қарор мазкур қабул қилинган кундан эътиборан уч кун ичida Ўзбекистон Республикаси Президентига юборилади.

Қонунчилик палатаси тақдим этилган Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзодини уч марта рад этган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ўзбекистон Республикаси Бош вазири вазифасини бажарувчини тайинлайди, Қонунчилик палатасини тарқатиб юборади ва янги сайлов тайинлайди.

Қонунчилик палатаси тарқатиб юборилган тақдирда, янги сайлов тарқатиб юбориш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч ой ичida ўтказилади».

**6-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 29 августда қабул қилинган «**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Регламенти тўғрисида**»ги 523-II-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 9-10,137-модда) **18-моддасининг матни** қўйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзодини тасдиқлаш тўғрисидаги тақдимномаси Сенат томонидан унинг яқин орадаги мажлисида кўриб чиқилади.

Сенат аъзолари умумий сонининг кўпчилик овозини олган Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзоди Сенат томонидан тасдиқланган ҳисобланади.

Сенатнинг Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзодини тасдиқлаш масаласи юзасидан қарор мазкур қабул қилинган кундан эътиборан уч кун ичida Ўзбекистон Республикаси Президентига юборилади.

Сенат тақдим этилган Ўзбекистон Республикаси Бош вазири номзодини уч марта рад этган тақдирда, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ўзбекистон Республикаси Бош вазири вазифасини бажарувчини тайинлайди, Сенатни тарқатиб юборади ва янги сайлов тайинлайди.

Сенат тарқатиб юборилган тақдирда, янги сайлов тарқатиб юбориш тўғрисида қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч ой ичida ўтказилади».

**7-модда.** Ушбу Қонун 2008 йил 1 январдан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2007 йил 11 апрель,  
ЎРК-90-сон

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИННИГ ҚОНУНИ

**154 Ўзбекистон Республикаси Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексининг 241<sup>1</sup>-моддасига ва Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 44-моддасига ўзгартишлар киритиш ҳақида\***

Қонунчилик палатаси томонидан  
2007 йил 22 ноябрда қабул қилинган

Сенат томонидан 2007 йил 29 мартда  
маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–ХII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5-6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4-5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда, № 7-8, 217-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар) **241<sup>1</sup>-моддасининг биринчи қисми диспозицияси** қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

«Қонуний тадбиркорлик фаолиятига тўсқинлик қилиш, яъни тадбиркорлик фаолияти субъектини давлат рўйхатидан ўтказишнинг қонун хужжатларида белгиланган тартибини бузиш, тадбиркорлик фаолияти субъектини рўйхатдан ўтказиши файриконуний рад этиш ёки рўйхатдан ўтказишдан бўйин товлаш, муайян фаолиятни амалга ошириш учун маҳсус руҳсатнома (лицензия) беришни файриконуний рад этиш ёки уни беришдан бўйин товлаш, хўжалик юритувчи субъектларнинг молияхўжалик фаолиятини текшириш ва тафтиш қилишнинг белгиланган тартибини бузиш, тадбиркорлик фаолияти субъектининг хуқуклари ва қонуний манфаатларини чеклаш, қонун хужжатларида назарда тутилмаган статистика ҳисоботини ва бошқа хужжатларни талаб қилиб олиш ёхуд назарда тутилган ҳисоботни такцим этишининг белгиланган муддатларига хилоф равишда талаб қилиб олиш, худди шунингдек унинг мустақиллигини бошқача тарзда чеклаш ёки унинг фаолиятига бошқача тарзда файриконуний аралашиш».

**2-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1995 йил 21 декабрда қабул қилинган 163-I-сонли ва 1996 йил 29 августда қабул қилинган 256-I-сонли қонунлари билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодекси** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, 2-сонга ило-

\* Ушбу Қонун «Халқ сўзи» газетасида 2007 йил 14 апрелда эълон қилинган.

ва, № 11-12; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 5-6, 102-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 9, 229-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 9-10, 182-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 154-модда, № 9, 494, 498-моддалар) **44-моддасининг иккинчи қисми** қуидаги таҳрирда баён этилсин:

«Юридик шахсни ташкил этишнинг қонунда белгилаб қўйилган тартибини бузиш ёки унинг таъсис хужжатлари қонунга мос келмаслиги юридик шахсни давлат рўйхатидан ўтказишнинг рад этилишига сабаб бўлади. Давлат рўйхатидан ўтказишнинг хабардор қилиш тартиби белгиланган юридик шахсларни рўйхатдан ўтказишни рад этиш қонун хужжатларига мувофиқ амалга оширилади. Юридик шахсни ташкил этиш мақсадга мувофиқ эмас деган важ билан уни рўйхатдан ўтказишни рад этишга йўл қўйилмайди».

**3-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2007 йил 13 апрель,  
ЎРҚ-91-сон

+

-

## ИККИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

### **155 Аудиторлик ташкилотлари фаолиятини янада тако- миллаштириш ҳамда улар кўрсатаётган хизматлар сифати учун жавобгарликни ошириш тўғрисида**

Республикада аудиторлик фаолиятини амалга ошириш учун зарур қонуний-хукукий база шакллантирилгани, уни фаол ривожлантириш учун амалий иқтисодий рафбатлар ва солик имтиёзлари ҳамда преференциялар яратилгани, лицензиялар бериш тизими сезиларли даражада соддалаштирилгани ва либераллаштирилгани қайд этиб ўтилсин.

Шу билан бирга аудиторлик ташкилотлари фаолиятини ташкил этиш бўйича амалий чора-тадбирлар суст ва баъзи ҳолларда сифатсиз татбиқ этилмоқда, аудит тизимидағи ишлар ҳолати ошган талабларга жавоб бермайди, аудит ҳали бизнес самарадорлигини реал баҳолашнинг амалий воситаси бўйлиб қолгани йўқ. Аудиторлик текширувлари кўп ҳолларда юзаки ва паст профессионал даражада ўтказилади, аудит тизимининг ўзи молия бозорида ҳали етарлича ишонч қозонган эмас.

Ўзбекистон Республикасининг «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ ҳамда мустақил аудит тизимини янада ривожлантириш, аудиторлик хизматлари сифатини ошириш, аудиторлик ташкилотлари фаолиятини самарали бошқариш усуулларини қўллаш, аудиторлик текширувларининг натижалари ва холислиги учун уларнинг жавобгарлигини кучайтириш, шу орқали тадбиркорлик тузилмалари томонидан уларга нисбатан ишончни ошириш мақсадида:

1. Вазирлар Махкамасининг 2000 йил 22 сентябрдаги 365-сонли қарори билан Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги зиммасига аудиторлик фаолиятини лицензиялаш бўйича махсус ваколатли давлат органи сифатида юклатилган вазифаларини бажариши қониқарсиз деб хисоблансан.

2. Аудиторлик ташкилотлари тўғрисидаги Низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Фаолият юритаётган аудиторлик ташкилотлари 2008 йилнинг 1 январигача мазкур қарорда тасдиқланган аудиторлик ташкилотлари тўғрисидаги Низомда белгиланган устав капитали миқдорларига етказиш ва фаолиятни ташкил этиш ҳамда лицензия шартлари бўйича мажбурий талабларни бажаришни таъминласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ва Молия вазирлиги 2008 йилнинг 1 январигача:

аудиторлик ташкилотлари тўғрисидаги Низом талаблари ва шартларига тўлиқ жавоб берадиган фаолият кўрсатаётган аудиторлик ташкилотларини белгиланган тартибда қайта рўйхатдан ўтказсин ва аудиторлик фаолиятини амалга ошириш учун лицензия берсинг;

Давлат солик қўмитаси билан биргаликда аудиторлик ташкилотлари тўғрисидаги Низом талабларига жавоб бермайдиган аудиторлик ташкилотларининг фаолиятини белгиланган тартибда тўхтатиш ва лицензиясини бекор қилиш бўйича чора-тадбирлар кўрсинг.

4. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги бир ой муддатда мамлакатнинг иқтисодиёт олий ўкув юртларида ихтинослаштирилган гурухларни тузиш, контингентни кенгайтириш ва юкори малакали аудитор мутахассисларни тайёрлаш сифатини ошириш, уларнинг малакасини мунтазам равишда ошириб бориш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Молия вазирлиги, бошқа вазирликлар ва идоралар билан биргаликда икки ой муддатда хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳисоботи ва бошқа молиявий ахборот ҳақида нотўғри маълумот баён этилган аудиторлик хулосасини тайёрлаши оқибатида зиён келтиргани учун аудиторлар ва аудиторлик ташкилотларининг аудиторлик текшируви буюртмачилари, хўжалик юритувчи субъектлар ва бошқа молиявий ҳисоботлардан фойдаланувчилар олдиаги жавобгарлигини ошириш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги манфаатдор тузилмалар билан биргаликда бир ой муддатда аудиторлик ташкилотлари раҳбарларини аттестациядан ўтказиш тўғрисидаги низомни ишлаб чиқсан ва тасдиқласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой муддатда:

конун хужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин;

вазирликлар ва идораларнинг меъёрий хужжатларини мазкур қарор талабларига мос равишда мувофиқлаштирилишини таъминласин.

+

8. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.

-

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2007 йил 4 апрель,  
ПҚ-615-сон

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2007 йил 4 апрелдаги  
ПҚ-615-сон қарорига  
ИЛОВА

### **Аудиторлик ташкилотлари тўғрисида НИЗОМ**

#### **I. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунига мувофиқ ишлаб чиқилган ва аудиторлик ташкилотларининг мақоми, вазифаси, мажбуриятлари, хуқуқ ва жавобгарлигини белгилаб беради.

2. Аудиторлик ташкилотлари ўз фаолиятида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Ўзбекистон Республикаси қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг қарорлари ва бошқа хужжатларига, Ўзбекистон Республикаси

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й.*

ликаси Президентининг фармонлари, қарорлари ҳамда фармойишларига, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари ва фармойишлари, бошқа норматив хужжатлар, шунингдек мазкур Низомга амал қиладилар.

3. Аудиторлик фаолияти қўйидаги тамоилилар асосида амалга оширилади:

аудиторлик текшируви ўтказиладиган шахслардан, шунингдек ҳар қандай учинчи шахслардан мустакиллик;

аудиторлик текширувларини ўтказишда холислик;

аудиторлик текширувини ўтказаётган аудиторлик ташкилотлари мустакил рашида ишлаш усуллари ва методларини танлаши;

аудиторлик текширувини амалга ошираётган шахсларнинг профессионал компетентлиги;

аудиторлик текширувини амалга оширишда олинган ахборотларнинг маҳфийлиги.

4. Аудиторлик ташкилоти, аудиторлик фаолиятини амалга ошириш лицензияси, ўзининг номига эга муҳри, мустакил баланси, банкларда ҳисоб ракамларига эга бўлган юридик шахс ҳисобланади.

## **II. Аудиторлик ташкилотларининг асосий вазифалари**

Қўйидагилар аудиторлик ташкилотларининг асосий вазифалари ҳисобланади:  
хўжалик юритувчи субъектлар молиявий ҳисоботларининг таҳлили ва ишончлилигини тасдиқлаш;

хўжалик фаолияти самарадорлигини реал ва ҳаққоний баҳолаш;

мулкдорлар, акциядорлар, инвесторлар, кредиторлар ва бошқа молиявий ҳисоботдан фойдаланувчилар ҳуқукларини ҳимоя қилиш;

хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича амалий таклифларни ишлаб чиқиши.

6. Аудиторлик ташкилотлари уларнинг зиммасига юклатилган вазифаларга мувофиқ молиявий ҳисоботлар ҳамда у билан боғлик бўлган молиявий ахборотларнинг қонунчиликка мувофиқлиги ва ишончлилигини аудиторлик текширувалидан ўтказади, шунингдек профессионал хизматлар кўрсатади.

Хўжалик юритувчи субъектлар фаолияти самарадорлигини таҳлил қилиш ва баҳолашда аудиторлик ташкилотлари, авваламбор даромадлилик (рентабеллик), капиталдан фойдаланиш даражаси, молиявий барқарорлиги, тўлов қобилияти ва ўзини-ўзи молиялаш даражаси, ишдаги фаоллик мезонларидан келиб чиқади.

## **III. Аудиторлик ташкилотларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

7. Аудиторлик ташкилотлари:

аудиторлик текширувини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилиш учун хўжалик юритувчи субъектнинг таъсис ҳужжатлари ва бухгалтерия ҳисоби ҳамда молиявий ҳисоботлари билан олдиндан танишиб чиқиши;

аудиторлик текширувини олиб бориш шакллари ва услубларини мустакил рашида белгилаш;

аудиторлик текширувини ўтказишда хўжалик юритувчи субъектнинг молияхўжалик фаолиятини амалга ошириш билан боғлик ҳужжатлари билан тўлиқ танишиб чиқиши, шунингдек ушбу ҳужжатда ҳисобга олинган ҳар қандай мулкнинг аниқ мавжудлиги ёки ҳар қандай мажбуриятларнинг аниқ ҳолатини текшириш;

аудиторлик текшируви давомида юзага келган саволлар бўйича хўжалик юри-

түвчи субъектнинг моддий жавобгар шахсларидан оғзаки ва ёзма тушунтиришлар ҳамда аудиторлик текшируви учун зарур бўлган кўшимча маълумотларни олиш;

хўжалик юритувчи субъектдан учинчи шахслар ахборотининг ёзма тасдиқномасини олиш;

хўжалик юритувчи субъект ишончли аудиторлик хулосасини тайёрлаш учун барча зарур бўлган ахборотни бермаган тақдирда аудиторлик текширувини ўтказишдан бош тортиш;

аудиторлик текширувини ўтказишда аудиторлар ва бошқа мутахассисларни иштирок этишга белгиланган тартибда жалб этиш;

аудиторлик текширувини олиб бориш даврида хўжалик юритувчи субъектга бухгалтерия ҳисобини йўлга қўйиш, тиклаш, олиб бориш ҳамда молиявий ҳисоботни тайёрлашдан ташқари профессионал ҳизматлар кўрсатиш;

республика аудиторлар жамоат бирлашмасига аъзо бўлиш ҳуқуқига эгадир.

Аудиторлик ташкилотлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлишлари мумкин.

#### 8. Аудиторлик ташкилотлари:

аудиторлик фаолиятини амалга оширишда қонун ҳужжатларидаги белгиланган лицензия талаблари ва шартларига амал қилиши;

аудиторлик текширувини ўтказиш бўйича шартнома тузишдан аввал буюртмачининг талабига кўра аудиторлик фаолиятини амалга оширишга тегишли лицензия, аудитор (аудиторлар)нинг малака сертификатини кўрсатиши;

хўжалик юритувчи субъектнинг талабига кўра аудиторлик текширувини ўтказиш бўйича қонун ҳужжатларидаги талаблар, аудиторнинг фикр-мулоҳазалари асосланадиган ҳуқуқий нормалар тўғрисида ахборот тақдим этиши;

аудиторлик текширувини амалга оширишда олинган ахборотларни сир саклаши;

аудиторлик ҳисботида молия-хўжалик операцияларининг қонунийлигини бузиш ҳолатлари ва уларни бартараф этиш бўйича таклифларни акс эттириши;

ўтказилган аудиторлик текширувлари натижалари бўйича аудиторлик хулосалари ва аудиторлик ҳисботларининг нусхалари аудиторлик ташкилотида бўлиши ҳамда уларнинг қонун ҳужжатларидаги белгиланган тартибда сақланишини таъминлаши;

хўжалик юритувчи субъектнинг мансабдор шахслари ва бошқа ходимлари мазкур субъектга зарар келтирсанлигига яққол гувоҳлик берувчи ҳолатларни аниқлаган тақдирда бу тўғрида раҳбарият (мулкдор)ни хабардор қилиши ҳамда аудиторлик хулосасида тегишли равишда кайд этиши шарт. Зарур ҳолларда аудиторлик текширувининг натижаларини акциядорларга етказиш учун уларнинг қонун ҳужжатларидаги белгиланган тартибда умумий мажлисини чакиришни талаб қилиши;

аудиторларнинг ҳар йили малака ошириш курсларидан ўтишларини таъминлаши;

республика аудиторлар жамоат бирлашмаларининг талабига кўра аудиторлик ташкилотларини мажбурий рейтинг баҳолаш учун ахборот тақдим этиши шарт.

Аудиторлик ташкилотлари қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятларга ҳам эга бўлишлари мумкин.

9. Аудиторлар назорат ёки ҳуқуқни муҳофаза қилиш органларининг топшириклигига биноан фақат аудиторлик ташкилоти билан назорат ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ўртасида тузиленган шартнома асосида турли текширувларни ўтказишда мутахассислар сифатида иштирок этишлари мумкин.

#### **IV. Аудиторлик ташкилотлари фаолиятини ташкил этиш**

10. Аудиторлик ташкилотлари очиқ акциядорлик жамияти шаклидан ташқари барча ташкилий-хуқуқий шаклда ташкил этилиши ва фаолият юритиши мумкин, бунда устав капиталининг 51 фоиздан кам бўлмаган миқдори мазкур аудиторлик ташкилотининг бир ёки бир нечта штатдаги аудиторларига тегишли бўлиши шарт. Аудитор (аудиторлар) факат битта аудиторлик ташкилотининг таъсисчиси бўлиши мумкин.

11. Аудиторлик ташкилотини аудитор малака сертификатига эга бўлган раҳбар бошаради.

Аттестациядан ўтмаган раҳбар икки йил мобайнида аудиторлик ташкилоти раҳбари сифатида фаолият юритиш хукуқига эга эмас.

12. Кўйидагилар:

факат ташаббускорлик асосида аудиторлик текширувни амалга оширувчи аудиторлик ташкилотлари энг кам ойлик иш ҳақининг 1500 баробари миқдоридан кам бўлмаган устав капиталига ва штатида камида 2 нафар аудиторга эга бўлиши;

устав капитали 500 млн. сўмдан кўпроқни ташкил этган очиқ акциядорлик жамиятлари, банклар ва суурта ташкилотларидан ташқари хўжалик юритувчи субъектларда ташаббускорлик асосида ва мажбурий аудиторлик текширувларини амалга оширувчи аудиторлик ташкилотлари энг кам ойлик иш ҳақининг 3000 баробари миқдоридан кам бўлмаган устав капиталига ва штатида камида 4 нафар аудиторга, уларнинг биттаси халқаро бухгалтер сертификатига эга бўлиши;

барча хўжалик юритувчи субъектларда аудиторлик текширувни ўтказувчи аудиторлик ташкилотлари энг кам ойлик иш ҳақининг 5000 баробари миқдоридан кам бўлмаган устав капиталига ва штатида камида 6 нафар аудиторга, уларнинг иккитаси халқаро бухгалтер сертификатига эга бўлиши шарт.

13. Хусусий корхона шаклидаги аудиторлик ташкилотлари Ўзбекистон Республикасининг «Хусусий корхоналар тўғрисида», «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги конунлари ҳамда мазкур Низом талабларига мувофиқ ташкил этилади.

14. Масъулияти чекланган жамият шаклидаги аудиторлик ташкилотлари Ўзбекистон Республикасининг «Масъулияти чекланган ва қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида», «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги конунлари ҳамда мазкур Низом талабларига мувофиқ ташкил этилади.

15. Ёпик акциядорлик жамияти шаклидаги аудиторлик ташкилотлари Ўзбекистон Республикасининг «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар хукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида», «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги конунлари ҳамда мазкур Низом талабларига мувофиқ ташкил этилади.

16. Аудиторлик ташкилотлари Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилиши лозим.

17. Аудиторлик ташкилотлари аудиторлик хизматини кўрсатиш тўғрисида тузиленган шартнома асосида ўз фуқаролик масъулиятини суурта қилиш полисига эга бўлган тақдирда аудиторлик фаолиятини амалга оширади.

18. Аудиторлик ташкилотлари битта хўжалик юритувчи субъектнинг аудиторлик текширувни уч йилдан ортиқ кетма-кет ўтказиш хукуқига эга эмас.

19. Аудиторлик ташкилотлари аудиторлик текширувни ўтказиш учун штатдаги аудиторлар ёки аудиторлик ташкилоти билан фуқаролик-хуқуқий характердаги шартнома тузган аудиторларни жалб этади.

Аудитор сифатсиз аудиторлик текшируви ўтказиши натижасида келтирган зарари, тижорат сирларини ошкор этганлиги ва аудиторлик ташкилотига зарар кел-

тирган бошқа хатти-ҳаракатлари учун аудиторлик ташкилоти олдида қонун хужжатларига мувофиқ равишда жавобгар бўлади.

Қоидабузарликка йўл қўйилгани учун малака сертификати бекор қилинган ёки амал қилиши тўхтатилган аудиторлар бекор қилинган ёки тўхтатилган вақтдан бошлаб уч йил давомида аудиторнинг малака сертификатини такрор олиш учун малака имтиҳонлари топширишга қўйилмайди.

20. Коидабузарликка йўл қўйилгани учун аудиторлик ташкилоти лицензиясининг амал қилишини тўхтатиш ҳолларида мазкур аудиторлик ташкилоти раҳбари-нинг малака сертификатининг амал қилиши ҳам лицензиянинг амал қилишини тўхтатиш тўғрисидаги қарор қабул қилинган санадан бошлаб тўхтатилади. Аудиторлик ташкилоти лицензиясининг амал қилишини тўхтатишга олиб келган қоидабузарликларга йўл қўйган ўша аудиторнинг малака сертификатининг амал қилиши ҳам тўхтатилади.

#### **V. Аудиторлик ташкилотига нисбатан қўйиладиган лицензия талаблари ва шартлари**

21. Қўйидагилар аудиторлик фаолиятини амалга оширишда лицензия талаблари ва шартлари хисобланади:

«Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг Қонунига, Аудиторлик фаолиятининг миллий стандартлари, шунингдек, бошқа қонун хужжатлари талабларига риоя қилиш;

лицензия олинаётганда мазкур Низомда назарда тутилган микдорларда тўлиқ шакллантирилган устав капиталига эга бўлиш;

фақат аудиторлик фаолиятини амалга ошириш;

фуқаролик масъулиятини суурита қилиш полисига эга бўлиш;

аудитор томонидан аудиторлик фаолиятини фақат битта аудиторлик ташкилотида амалга ошириш;

штатда аудиторлар сони мазкур Низомда назарда тутилган микдорда бўлиши;

лицензия турига мувофиқ штатдаги аудиторларда халқаро бухгалтер сертификатининг бўлиши;

аудиторлик текшируви ўтказиш чоғида олинган ахборотнинг сир сақланишини таъминлаш;

аудиторлик текширувлари ўтказиш бўйича шартнома мажбуриятларини ўз вақтида ва сифатли бажариш;

аудиторлик ташкилоти раҳбари лавозимига фақат аудиторни тайинлаш;

аудиторлик ташкилоти раҳбарининг уч йилда бир маротаба Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигида аттестациядан ўтиши;

аудиторлик фаолиятини амалга ошириш чоғида мустақилликни таъминлаш;

ишончли аудиторлик хисоботи тузиш ва аудиторлик хulosаси бериш;

аудиторлик ташкилотларида аудиторлар иш сифатининг ички стандартлари мавжудлиги;

ўз почта манзили ўзгаргани тўғрисида 10 кун муддатда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигини хабардор қилиш;

аудиторлик фаолияти тўғрисидаги маълумотларни яrim йилда бир марта белгиланган шаклда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тақдим этиш, шунингдек, аудиторлик фаолияти билан боғлиқ бошқа ахборотларни Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги талаби бўйича тақдим этиш.

22. Аудиторлик ташкилоти лицензиясининг амал қилишини тўхтатиш учун асос

бўладиган лицензия талабларини бир марта қўпол равишда бузишга қўйидагилар киради:

аудиторлик фаолияти билан боғлиқ бўлмаган бошқа фаолият турларини амалга ошириш;

аудиторлик фаолиятини амалга оширишда мустақилликни таъминламаслик; ишончсиз ёхуд шак-шубҳасиз ёлғон аудиторлик хulosаси тузиш;

аудиторлик текшируви ўтказиш чоғида олинган маҳфий ахборотни аудиторлик текшируви буюртмачисининг рухсатисиз ошкор қилиш, қонун хужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;

аудиторлик текширувларини ўтказишда қонун хужжатларида назарда тутилган чекланишларга риоя қилинмаслик;

аудиторлик фаолиятини амалга оширишда фуқаролик масъулияти суғурта полисининг йўқлиги;

лицензия талаблари ва шартларига риоя этилишини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг текширувларидан бўйин товлаш.

23. Аудиторнинг малака сертификати амал қилишини тўхтатиш учун асос бўладиган аудиторлик фаолиятини амалга оширишда қонун хужжатлари талабларини қўпол равишда бир маротаба бузишга қўйидагилар киради:

аудиторлик текширувни амалга оширишда мустақилликни таъминламаслик; ишончсиз ёхуд шак-шубҳасиз ёлғон аудиторлик хulosаси тузиш;

аудиторлик текшируви ўтказиш чоғида олинган маҳфий ахборотни аудиторлик текшируви буюртмачисининг рухсатисиз ошкор қилиш, қонун хужжатларида назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно;

аудиторлик текшируви ўтказишда аниқланган хўжалик юритувчи субъектнинг бухгалтерия ҳисоб-китоби юритиш, молия ҳисоботини тузиш бўйича белгиланган талабларни бузганлиги фактларининг аудитор томонидан яширилиши;

аудиторнинг малака сертификатини ўз номидан аудиторлик фаолиятида қатнашиш учун ушбу хужжатдан фойдаланиш мақсадида, бошқа шахсга берилиши факти аниқланганда;

аудиторлик ташкилотининг штатида турган аудиторнинг мазкур ташкилотнинг тегишли рухсати (бўйруғи)сиз назорат ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар топшириғи бўйича турли текширувларни ўтказиш учун мутахассис сифатида қатнашиши.

24. Аудиторнинг ҳар йилги малака ошириш талабларини мунтазам равиша бузиши аудиторлик малака сертификатининг амал қилишини тўхтатиш учун асос бўлади.

## **VI. Аудиторлик ташкилотларининг жавобгарлиги**

25. Аудиторлик ташкилотлари, аудиторлик текширувни буюртмаси, хўжалик юритувчи субъектлар ва молиявий ҳисбот бошқа фойдаланувчилар, шу жумладан тижорат банклари, молия тузилмалари ҳамда инвесторлар олдида хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий ҳисботи ва бошқа молиявий ахбороти ҳақида нотўғри аудиторлик хulosаларини тузиши оқибатида уларга келтирилган зарар учун қонун хужжатларида назарда тутилган жавобгарликка тортилади.

26. Сифатсиз ёки батафсил бўлмаган аудиторлик текшируви натижасида хўжалик юритувчи субъект ва (ёки) аудиторлик текшируви буюртмачисига келтирилган зарар, шу жумладан бой берилган фойда қонун хужжатларида белгиланган тартибда қопланади.

**VII. Ҳисоб, ҳисобот ва аудиторлик ташкилотларининг лицензия талаблари ва шартларига риоя қилиши устидан назорат**

27. Аудиторлик ташкилотлари қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботларини олиб боради.

28. Аудиторлик ташкилотлари лицензия талаблари ва шартларига риоя қилишини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳар уч йилда камидан бир маротаба текшириб туради.

29. Аудиторлик ташкилотларини қайта ташкил этиш ва тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

**156 Аҳоли бандлигини ошириш ҳамда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида**

Аҳоли даромадлари ва фаровонлиги даражасини ўстиришнинг фоят мухим омили сифатида унинг бандлигини ошириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, меҳнат бозори инфратузилмасини янада ривожлантириш, одамларни ижтимоий химоя қилиш тизимини мустаҳкамлаш, ушбу масалаларни ҳал этишда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органларининг ролини фаоллаштириш ҳамда жавобгарлигини кучайтириш, шунингдек улар фаолиятини ташкил қилишни такомиллаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 12 январдаги Ф-2654-сонли Фармойишига мувофиқ ташкил этилган Ишчи гурухи томонидан Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Молия вазирлиги, Қорақалпогистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда ишлаб чиқилган Аҳоли бандлигини ошириш ҳамда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари дастури 1-иловага мувофиқ маъқуллансин.

Ишчи гурухи Дастур топшириклари бажарилиши устидан қатъий мониторинг ўрнатсан ва унинг ижроси тўғрисида ҳар чоракда Вазирлар Маҳкамасига ахборот берабор борсин.

2. Республика шароитида аҳоли бандлиги ва даромадларини оширишнинг самарали шаклларидан бири сифатида аҳолини хўжалик юритувчи субъектлар билан кооперациялашган ҳолда касаначилик меҳнатига кенг жалб этишни рағбатлантириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Йирик саноат корхоналари билан касаначиликни ривожлантириш асосидаги ишлаб чиқариш ва хизматлар ўртасида кооперацияни кенгайтиришни рағбатлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2006 йил 5 январдаги ПФ-3706-сонли Фармонининг амал қилиши иқтисодиётнинг бошқа тармоқлари, биринчи галда транспорт, алоқа, курилиш ва қурилиш

индустрясининг йирик корхоналарига, шунингдек тайёр маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашган кичик саноат корхоналарига нисбатан ҳам жорий этилсин.

3. Қуидагилар Ўзбекистон Республикаси Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг энг муҳим вазифалари деб хисоблансан:

минтақалар бўйича меҳнат бозорини шакллантиришда самарали сиёсатни амалга ошириш, демографик омилларни, иқтисодиёт тармоқларини ривожлантириш ва таркибий қайта ташкил этишнинг истиқболли йўналишларини эътиборга олган ҳолда бандликнинг янги шаклларини кенг татбиқ этиш хисобига аҳоли бандлигининг ўсишини таъминлаш;

демографик ўзгаришлар ва кадрларнинг касбий тайёргарлиги билан боғлиқ ўзгариб бораётган талабларни хисобга олган ҳолда меҳнат, иш билан бандлик ва аҳолини ижтимоий қўллаб-куватлаш соҳасидаги қонун хужжатларини ишлаб чиқиши ва янада такомиллаштириш бўйича таклифлар киритиш;

ишга жойлашишга мухтоҷ, иш билан банд бўлмаган аҳолига касбий қайта тайёрлаш ва ишга жойлаштириш бўйича сифатли хизматлар кўрсатиш;

аҳолининг эҳтиёжманд тоифаларини ижтимоий ҳимоя қилиш бўйича амалий чора-тадбирларнинг амалга оширилишини таъминлаш, камхарж оиласлар, ногиронлар ва ёлғиз кексаларга ёрдам кўрсатишда табакалаштирилган тарзда ва аниқ ёндoshувни кучайтириш;

меҳнат, бандлик ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш соҳасидаги қонун хужжатлари талабларига риоя этилиши устидан қаттиқ назоратни амалга ошириш, меҳнат муносабатларини моддий рағбатлантириш ва меҳнатни муҳофаза қилиш механизмларини такомиллаштириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиши.

4. Ўзбекистон Республикаси Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги Иқтисодиёт вазирлиги, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги билан биргаликда, меҳнат бозорида вужудга келаётган тенденцияларни ва муайян ихтиноссиликлар бўйича кадрларга нисбатан талаб-эҳтиёжни хисобга олган ҳолда кадрларни касбий тайёрлаш ва қайта тайёрлаш бўйича йўналишлардаги ўзгаришларга оид таклифларни тизимли асосда Вазирлар Мажкамасига киритсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлигининг туман (шахар) меҳнат, бандлик ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўйимлари негизида йирик қишлоқ фуқаролар йиғинлари (маҳаллалар)да меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўйича муқим пунктлари бўлган Бандликка кўмаклашувчи туман (шахар) марказларини ташкил этиши тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

Куидагилар Бандликка кўмаклашувчи марказларнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

иш билан банд бўлмаган аҳоли хисоби методикасига мувофиқ, ишсизлар тизимли равишда хисобга олиб борилишини, ишга жойлашишга мухтоҷлар, шунингдек мавжуд бўш иш жойлари тўғрисида маълумотлар банки шакллантирилишини таъминлаш;

ишсизлар, биринчи навбатда ёшлар, хотин-кизлар ва аҳолининг бошқа ижтимоий эҳтиёжманд тоифаларини ишга жойлаштиришга кўмаклашиш;

аҳоли бандлигининг самарали шаклларини ривожлантириш, жумладан касаначилик меҳнатини жорий этиш, мустақил иш билан бандлик, шу жумладан шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларида корамол боқиши ҳамда бошқа турдаги иш билан бандликни рағбатлантириш;

ишсизларни касбга ўқитиш ва қайта ўқитишни ташкил қилиш, уларни ижтимоий қўллаб-куватлаш бўйича қонун хужжатларида назарда тутилган чора-тадбирларни амалга ошириш, ҳак тўланадиган жамоат ишларини кенгайтириш;

иш берувчилар томонидан меҳнатга оид қонун ҳужжатларига, шунингдек меҳнатни муҳофаза қилиш соҳасидаги норматив-хукукий ҳужжатларга риоя этилишини назорат қилиш;

эҳтиёжманд оиласларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш чора-тадбирларини амалга оширишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига амалий ёрдам кўрсатиш, камхарж оиласларга нафакалар ҳамда моддий ёрдам тайинлаш ва тўлашда ўрнатилган тартибга риоя этилиши мониторингини амалга ошириш.

#### 6. Қуидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва ахолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг ташкилий тузилмаси 2-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва ахолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг ходимлар умумий чекланган сони 89 киши, шулардан бошқарув ходимлари сони 61 кишидан иборат бўлган марказий аппарати тузилмаси 3-иловага мувофиқ;

Қорақалпоғистон Республикаси Меҳнат ва ахолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги тузилмаси ҳамда вилоятлар ва Тошкент шаҳар меҳнат ва ахолини ижтимоий муҳофаза қилиш ҳудудий бош бошқармаларининг намунавий тузилмаси 4 ва 4a-иловаларга мувофиқ;

туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлими ҳамда Бандликка кўмаклашувчи туман (шаҳар) марказининг намунавий тузилмалари 5 ва 6-иловаларга мувофиқ тасдиқлансан.

Меҳнат ва ахолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги Вазирлик марказий аппаратининг тасдиқланган тузилмасига белгиланган ходимлар сони ва меҳнат ҳақи фонди доирасида ўзгартиришлар киритиш хукуки берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддатда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва ахолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги тўғрисидаги низомни тасдиқласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва ахолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги марказий аппарати бўлинмалари раҳбарларини, ҳудудий бош бошқармалар, шунингдек вазирликка бўйсунувчи ташкилотлар раҳбарларини аттестациядан ўтказиш бўйича Республика комиссияси 7-иловага\* мувофиқ таркибда тузилсин.

Республика комиссияси икки ой муддатда мазкур тоифалардаги ходимларни уларнинг малака ва касб даражаларига нисбатан талабларни эътиборга олган ҳолда аттестациядан ўтказсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва ахолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги 2007 йилнинг 1 июляга қадар:

ҳудудий бош бошқармалар таркиби бўлинмалари, шунингдек Бандликка кўмаклашувчи туман (шаҳар) марказлари ва туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлинмалари раҳбарларини уларнинг малака ва касбий савия-даражасига нисбатан қаттиқ талаблар қўйган ҳолда аттестациядан ўтказсин;

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги билан биргаликда ишсизлар касбга тайёрланадиган, қайта тайёрланадиган ва малакаси ошириладиган базавий касб-хунар коллежларини худудлар бўйича белгиласин, шунингдек иш берувчилар ва меҳнат бозорининг малакали кадрларга бўлган талаб-эҳтиёжларини ҳисобга оладиган тегишли таълим дастурларини ишлаб чиксин.

9. Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва ахолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Давлат статистика қўмитаси бир ой муддатда Халқаро меҳнат бозорининг малакали кадрларга бўлган талаб-эҳтиёжларини ҳисобга оладиган тегишли таълим дастурларини ишлаб чиксин.

\* 7-илова берилмайди.

хусусиятларини ҳисобга олиб белгиланган нормалардан келиб чиқсан ҳолда, худудлар бўйича Ишга жойлашишга муҳтоҷ, иш билан банд бўлмаган аҳоли ҳисоби методикасини ишлаб чиқсан ҳамда тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари ходимларининг меҳнатини рағбатлантириш ҳамда моддий-техника базасини мустаҳкамлаш жамғармасини ташкил этиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин.

Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари ходимларининг меҳнатини рағбатлантириш ҳамда моддий-техника базасини мустаҳкамлаш жамғармаси тўғрисидаги низом 8-иловага мувофиқ тасдиқлансан.

11. Адлия вазирлиги бир ой муддатда қонун ҳужжатларига мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартиш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсан.

12. Ушбу қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2007 йил 6 апрель,  
ПҚ-616-сон

+

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2007 йил 6 апрелдаги  
ПҚ-616-сон қарорига  
1-ИЛОВА

**Аҳолининг иш билан бандлигини кенгайтириш ҳамда меҳнат ва аҳолини ижтимоий мухофаза қилиш органлари фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари дастури**

Т/п	Тадбирлар номи	Бажариш муддати	Бажариш учун масъуллар	Тадбирларни амалга ошириш шакллари	Кутилаётган натижа
<b>I. Аҳолининг иш билан бандлигини ошириш</b>					
1.	Хар йили камида 550 минг янги иш ўринларини, шу жумладан: кичик корхоналар ва микрофирмаларни ривожлантириш ҳисобига — 320 минг иш ўринлари; барча йўналишдаги касаначиликни, жумладан оиласавий тадбиркорликни кенгайтириш ҳисобига — 160 минг иш ўринлари; фаолият юритаётган корхоналарни реконструкция қилиш ва молиявий-иктисодий согломлаштириш, янги йирик ишлаб чиқариш обьектларини ишга тушириш, ижтимоий ва бозор инфраузилмасини ривожлантириш ҳисобига — 70 минг иш ўринларини ташкил этиш.	Хар йили	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий мухофаза қилиш вазирлиги	Бандликнинг ҳудудий дастурлари	Туманлар, шаҳарлар, вилоятлар ва умуман республикада иш ўринлари ҳамда аҳолининг бандлиги ўсишини ташкил этиш.
2.	2007 йилда, асосан қишлоқ жойларда хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасида иш ўринларининг маҳаллалар бўйича жойлашувини белгилаб ва ушбу мақсадларга Бандликнка кўмаклашиш жамгармасидан ҳар йили камида 3 млрд. сўм ажратилишини назарда туттган ҳолда 100 минг янги иш ўринлари ташкил этилишини таъминлаш.	2007 йил давомида	Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари, Иктисолёт вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий мухофаза қилиш вазирлиги	Бандликнинг ҳудудий дастурлари	Аҳолининг иш билан бандлиги, шу жумладан хизмат кўрсатиш ва сервис соҳасидаги бандлигининг ўсиши.
3.	Оиласавий бизнесни ташкил этишга имтиёзли кредитларни жалб этган ҳолда ҳар йили кам таъминланган оиласардан, айниқса қишлоқ жойларда камида 15 минг кишини ишга жойлаштириши.	Хар йили	Меҳнат ва аҳолини ижтимоий мухофаза қилиш вазирлиги, туманлар ҳокимликлари	Микрокредитларга бўлган талаблар тўғрисидаги ахборот, Бажарувчиларнинг кўшма тадбирлари	Кам таъминланган оиласардаги, энг аввало қишлоқ жойларда яшовчи ишламайдиган аҳолининг бандлигини таъминлаш.
4.	Корамол етиштирувчиларни иш билан банд шахслар сифатида ҳисобга олиш, ушбу фаолият тури билан шугулланувчи камида 270 минг кишига меҳнат дафтарчаси бериш ва юритиши, шунингдек корамол сотиб олиш учун Бандликка	2007 йил давомида	Меҳнат ва аҳолини ижтимоий мухофаза қилиш вазирлиги, қишлоқ туманлари ҳокимликлари	Корамол етиштириш чора-тадбирлари параметрлари	Ишламайдиган қишлоқ аҳолисининг бандлиги ва ижтимоий мухофазасини таъминлаш.

Т/р	Тадбидлар номи	Бажарин муддати	Бажарин учун масъуллар	Тадбидларни амалга ошириш шаклари	Куттиягетган наизка
5.	Иш билан банд ва ишга жойлашинга мутхок шахсларнинг хакиқий сонини аниқлашга учун меҳнат бозоридаги вазиятга бахо бериш кўрасатчичари тизимини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаши.	2007 йил II чорак	Меҳнат ва ахолини ижтимоий муҳофаза килиш вазирлиги, давлат статистика кўмитаси, Иктисолдёт вазирлиги	Кўрасатчичар тизимини тасдиқлаш	Меҳнат бозоридаги вазиятни ва ишга муҳутоjalар сонини янда түлиқ ва сифатли баҳолаш.
6.	Тасдиқланган кўрасатчичар тизими бўйича меҳнат бозори ва бандлик устидан мониторинг ташкили этиши.	Хар чоракда	Меҳнат ва ахолини ижтимоий муҳофаза килиш вазирлиги, давлат статистика кўмитаси, Иктисолдёт вазирлиги	Хар чоракта чекидтан «Меҳнат бозори ва ахоли бандлиги мониторинг» болисетнини чоп этиш	Минтиқалар бўйича меҳнат бозоридаги вазиятни текор равишда баҳолаш тизимини шакллантириши.
7.	Гўпти-сўт ва мева-саబзавот маҳсулотлари, болика турдига маҳаллий хом ашёни, кангла ишланиш, терира ишлов бериши, халқ иstemolи молларни ишлаб чиқариш бўйича кичик корхоналарни ташкил этиш инновация лойхадарини рағбаглантириш меканизми ишлаб чинчанини таъминланган хамда узарни Тадбиркорликни кўллааб-куватлаш ва корхоналарни таркибий кайга куриш жамғармаси маблангарилан грантлар ва кредитлар азратиш йўли билан мөлодлаштириши.	Ишлаб чиқишни — 2007 йил, монижаш — 2008 йилдан бошлаб	Монополиядан чиқарishi, рагобат ва тадбидоринни кўллааб-кувягтиш давлат кўмитаси, Иктисолдёт вазirлити	Кичик инновацияларни рағбаглантириши тўгрисидати низом	Кичик корхоналарда мұким иш ўриниларни ташкил этиши.
8.	Хар бир йиртик кишилек фуқаролари йитини худудида ахолни ишга жойлаштириши ва ижтимоий муҳофаза килиш мұким түнгіларни ташкил этиши.	2007 йил II чорак	Меҳнат ва ахолини ижтимоий муҳофazaga килиш вазирлиги, кишилек туманилари хокимликлари	Меҳнат ва ахолини ижтимоий муҳофazaga килиш вазирлиги, бўйручи, бозорувчиларниң кўшма карорлари	Туман марказларидан узокда яшайтинган кишилек ахолининг худудий меҳнат орғандарни хизматидан фойдаланишини яхшилаш, узарнинг доирасини банд бўлмаган ахолининг бевосита яшаш жойини кентайтириш.
9.	Ахборот хизмати турдари доирасини кентайтириши учун барча хўжалик юртбуви субъектлар томонидан узларидаги ишчилар сони ва узарнинг макомидан каттий назар, буш иш ўринлари тўгрисидати маълумотларни меҳнат органларига ўз вактида ва тулиқ тақдим этишининг янги тартибини тасдиқлаши.	2007 йил II чорак	Меҳнат ва ахолини ижтимоий муҳофazaga килиш вазирлиги, Иктисолдёт вазирлиги	Меҳнат органларига бўй иш ўринилари ва лавозимлари ҳақидаги маълумотларни тақдим этиш тартиби бўрисида низом	Ишга жойлашши имкониятларини опшириш ва сонини кўлайтириши.

**II. Меҳнат органлари иш билан банд бўлмаган фуқароларга кўрасатдаги хизмат, шу жумладан уларни кайта тайёрлаш ва ишга жойлаштириши**

**Бўйича кўрасатидаги хизмат турни ва сифатини кентайтириши**

8.	Хар бир йиртик кишилек фуқаролари йитини худудида ахолни ишга жойлаштириши ва ижтимоий муҳофazaga килиш мұким түнгіларни ташкил этиши.	2007 йил II чорак	Меҳнат ва ахолини ижтимоий муҳофazaga килиш вазирлиги, кишилек туманилари хокимликлари	Меҳнат ва ахолини ижтимоий муҳофazaga килиш вазирлиги, бўйручи, бозорувчиларниң кўшма карорлари	Туман марказларидан узокда яшайтинган кишилек ахолининг худудий меҳнат орғандарни хизматидан фойдаланишини яхшилаш, узарнинг доирасини банд бўлмаган ахолининг бевосита яшаш жойини кентайтириш.
9.	Ахборот хизмати турдари доирасини кентайтириши учун барча хўжалик юртбуви субъектлар томонидан узларидаги ишчилар сони ва узарнинг макомидан каттий назар, буш иш ўринлари тўгрисидати маълумотларни меҳнат органларига ўз вактида ва тулиқ тақдим этишининг янги тартибини тасдиқлаши.	2007 йил II чорак	Меҳнат ва ахолини ижтимоий муҳофazaga килиш вазирлиги, Иктисолдёт вазирлиги	Меҳнат органларига бўй иш ўринилари ва лавозимлари ҳақидаги маълумотларни тақдим этиш тартиби бўрисида низом	Ишга жойлашши имкониятларини опшириш ва сонини кўлайтириши.

**Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й.**

Т/р	Тадбирлар номи	Бажариш муддати	Бажаруш учун масбуллар	Тадбирларни амалга ошириш тақсилари	Куттилаётган нағизка
10.	Иш излайётган фуқароларга көрекиң маълум олиши имконини берадиган мавзулотарнинг мингакавий электрон тармоғини (худудлар, иккисодёй тармоқтары, аник иш ўриннари бўйича) шаслантиришини назарда туғувчи бўши ўриннап ва бўши иш жойлари банкидан ахоли кенорок тўғрисидан даворий ахборот материалари бозори тўғрисидан даворий ахборот материалари (бюллентер) чоп этилишини, ушбу манседларга Бандикка кўмаклашши жамгарласдан 450 мин. сўм ажратилишини назарда тутган ходла тамминлаш.	Ташкил этиши — 2007 йил I-III чораслар, тагбик этиши — 2007 йил IV чорак	Мехнат ва ахолини ижтимоий муҳофаза килиш вазирлиги, туман (шахар) хокимликлари	Мехнат ва ахолини ижтимоий муҳофаза килиши вазирининг бўйруги, бўхарувчиларнинг кўпима тадбирлари, ахборот материалари	Мехнат органлари томонидан банд бўймаган ахолига кўрсатилайтган хизматлар турни кентайтириш.
11.	Ёлғиз кескалар, генсионерлар, ногиронлар, парваринча муҳтоҳ иснончарга уйла ижтимоий хизмат кўрсатишни ташкил этиш оркали, камиди 1000 кинининг иш болан банд бўйинни тъминлаш.	2007 йил давомида	Мехнат ва ахолини ижтимоий муҳофаза килиш вазирлиги	Мехнат ва ахолини ижтимоий муҳофаза килиши вазирининг бўйруги	Махаллий меҳнат органлари томонидан банд бўймаган ахолига кўрсатилайтган хизматлар турни кентайтириш.
12.	Мавжуд касб-кулар коллежлари истизада тайёрланишни манақасини ошириш, кайга кенгайтириши (хар ийни камиди 10 мин. кини) бўйича чора-тадирлар иштаб чиқши амалга ошириш.	2007 йил давомида	Мехнат ва ахолини ижтимоий муҳофаза килиш вазирлиги, Урга маҳсус, касб-хунар таълимни маркази	Бўхарувчиларнинг кўпима тадбирлари	Иш билан банд бўймаганларга касбий қайта тайёрлаш бўйича кўрсатилайтган хизматлар турни кентайтириш.
13.	Бандиккни таъминлаш бўйича маҳсус чора-тадирларга муҳтоҳ тоифадани фуқароларни ишга жойлаштириш учун иш ўринлари захираси яратилдиган (квотагаштириладиган) корхоналар донрасини кентайтириш.	2007 йил II чорак	Мехнат ва ахолини ижтимоий муҳофаза килиш вазирлиги, Аддия вазирини	Ижтимоий муҳофазага муҳтож ва иш изланда кийинчлиқларга йуч келган шахсларни ишга жойлаштириш учун иш ўринларни заҳирасини яратиш тўғрисида янги низом	Касб-хунар таълимни тамомлаб меҳнат бозорига чиқабётган ёшлиарни, нигонлордаги жазодан озои этилган шахсларни ишга жойлаштириши тъминлаш.
14.	Жойларга чиқши оркали меҳнат муносабатларини такомиллаштириш ва меҳнатга оид конуучиникка риоя этиши масалаларда корхоналарга тизимлих хукукӣ сурʼатли кўясатиш.	Йил давомида	Мехнат ва ахолини ижтимоий муҳофаза килиш вазирлиги	Иш бўрувлар билан биргаликдаги тадбирлар	Мехнат, бандик ва ходимларни ижтимоий муҳофаза килиши вазирини кўрсатишни борувчиликда хизмат месалаларидан иш борувчиликда олинини тъминлаш.
<b>III. Халқаро станинглар ва меҳнат бозорининг ўзига хос ҳизматларидан кеслиб чиқуб, ахоли бандиккни ўсига олиш ҳамда баҳолаш механизми ва усулатини тақомиллаштириш</b>					
15.	Бандик ва ишчилик тоифалари мазмун-моҳиятини Халқаро меҳнат ташкилоти стандартларига мувоффиклайтириш.	2007 йил II чорак	Мехнат ва ахолини ижтимоий муҳофаза килиш вазирлиги, Давлат статистика кўмитаси, Аддия вазирини	Услубий ва инструкцияний хужжатларни ишлаб чиқши	Халқаро стандартлар ва Ўзбекистондаги меҳнат бозорининг ўзига хос жижхатларидан келиб чиқуб, бандик кўрсаткичларининг ўсига олинини тъминлаш.

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й.


Т/р	Тадбирлар номи	Бажарыш муддати	Бажариш учун маастулар	Тадбирларни амалга ошириш шакллари	Куттилаётган нағижа
16.	Ханкaro стандарттар ва меҳнат бозорининг ўзига хос милий хуусиятларига мулофлик минтақаларда бўйича ишга жойланшига муҳоббий хисоби методикасини белгиланганд тартибда ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.	2007 йил I чорак	Меҳнат ва ахолини ижтимоий муҳофиза килиш вазирлиги, Иктисолиёт вазирлиги, Давлат статистика кўмитаси	Услубийт	Меҳнат бозоридаги вазифанин баколани сифатини ошириш ва иш ўрнига бўлган талабини аннулан.
17.	Бандлик масалалари бўйича текникум миқдорасида ва ханкaro конданарга мулофлик нормасмий секторлари банд бўлган барча тоғфаларни карраб олган хонда токомилаштириш.	2007 йил IV чорак	Меҳнат ва ахолини ижтимоий муҳофиза килиш вазирлиги, Иктисолиёт вазирлиги, Давлат статистика кўмитаси	Токомилаштирилган сурʼономалар ва текширувни ўтказни	Бандликни хисобга олишни ва усульбиятни токомилаштириш.
18.	Ханкaro стандартларда кабулук килинган мальзумотларини бандлик масалалари бўйича текникум материаллари билан тўдириш асосида бандлик макоми, иктисолиёт секторлари ва тармоқлари ўйнча меҳнат ресурслари балансини ишлаб чиқши.	2008 йил-дан бошлаб	Давлат статистика кўмитаси, Меҳнат ва ахолини ижтимоий муҳофиза килиш вазирлиги	Бажарувчиларни стандартларни хисобга олган хонда бандлик ва инсиззикни сифатни хамда холис баҳолаш.	Халқаро стандартларни хисобга олган хонда бандлик ва инсиззикни сифатни хамда холис баҳолаш.
19.	Ташки мөхнат миграциясинын хисобга олиш шакл ва усусларини ишлаб чиқши хамда миграция сийасатини амалга оширишга маастул идоралар томонидан вакилик текширувларини ўтказни.	2007 йил IV чорак	Ташки мөхнат миграцияси масалалари агентлиги, Давлат статистика кўмитаси	Ташки мөхнат миграциясини хисобга олишни тасдиқланган шакллари ва воситалари	Аҳолининг меҳнат миграциясини янада тўлиқ ва сифатли хисобга олишни таъминлан.
<b>IV. Меҳнат ва ахолини ижтимоий муҳофиза килиш органлари болшкарувининг ташкиласини макбуллаштириши,</b>					
20.	Туман (шахар) меҳнат, бандлик ва ахолini ижтимоий муҳофиза килиш вазирлиги, туман, шахар ҳокимликлари	2007 йил I-II чораскари	Меҳнат ва ахолини ижтимоий муҳофиза килиш вазирлиги, туман, шахар ҳокимликлари	Ташкилларни тадбирлар	Туман ва шахарлардаги меҳнат органлари фюзилиятни самарадорлигини ошириш.
21.	Фаолият кўргатгачтан Вактина бир марталик иш билан таъминланган марказларни сифатида Вактиналик ишшарни ташкил этиш берорлари вазият муникул бўлган минтақалер хисобига узарини тармоқларини кенгайтириш.	2007 йил I-II чораскари	Меҳнат ва ахолини ижтимоий муҳофиза килиш вазирлиги, туман, шахар ҳокимликлари	Бажарувчиларни қарорлари	Вактиналик ишшарни ташкил этиши самарадорлигини ошириш.
22.	Меҳнат ва ахолини ижтимоий муҳофиза килиш вазирлигининг таржибий, худудий ва иловий мансуб бўйинмалари тўғрисидаги низомларни кайта ташкил этиш хамда меҳнат бозорлари вазият муникул бўлган минтақалер тасдиқлаш.	2007 йил II чорак	Меҳнат ва ахолини ижтимоий муҳофиза килиш вазирлиги	Бажарувчиларнинг қарорлари	Меҳнат ва ахолини ижтимоий муҳофиза килиш органлари фюзилиятни самарадорлигини ошириш.
23.	Ногирология килиш масалалари инспекцияси бошкарувининг ташкиласини кайта кўриб чиқши ва Инспекция, ТМЭКлар, минтака-	2007 йил-нинг II ярим йилиги	Мехнат ва ахолини ижтимоий муҳофиза килиш вазирлиги, Молия вазирини	Вазирлар	Жараёнларни бошкаривининг ташкилай тузумласини макбуллаштириш ва нотиронликни экспертиздан ўқзиш

Г/р	Тадбирлар номи	Бажариш муддати	Бажарыш учун масульлар	Тадбирларни амалга ошириш шаҳслари	Кутлаётган патника
<b>Хамда реабилитация марказлари тўғрисидаги янти низомни тасдиқлаш.</b>					
24.	Мехнатни меъфралитарни ва муҳофаза килиш Маркази ҳамда Мехнат, бандик ва ахолни ижтимоий муҳофаза килиш муаммаларини ўрганиш Республика марказини Бандик, меҳнатни муҳофаза килиш ва ахолни ижтимоий химоя қилиш Республика илмий маркази сифатидаги кайта ташкил этиши ҳанда унинг Низомини тасдиқлаш.	2007 йил I-II чораклари	Мехнат ва ахолни ижтимоий муҳофаза килиш вазирлиги	Мехнат ва ахолни ижтимоий муҳофаза килиш вазирлиги, бирорликдаги бўйруғи	Бандик, меҳнатни муҳофаза килиш ва ахолни ижтимоий муҳофаза жараёларини бошқаришнинг ташкилий тузилимасини макбулаштириш.
25.	Ўкув юртлари ва алоҳида қасб-хунар коллежларидаги Мехнат, бандик ва ахолни ижтимоий муҳофаза килиш соҳасида кадрлар, шу жумладан «Мехнат икисодигёт» ва «Ижтимоий иш» мутахассисликлар бўйича кадрларни аниқ максадга йўналтиришган ҳолда тайёрлаш тадбирларини иштаб чикиш ва амалга ошириш.	2007 йил I-II III чораклари	Мехнат ва ахолни ижтимоий муҳофаза килиш вазирлиги, Олий ва ўрта маҳсус таблим вазирлиги	Божарувчиларнинг бирорликдаги қарори	Мехнат ва ахолни ижтимоий муҳофаза килиш органларини мадлакали кадрлар билан таъминлаш.
<b>V. Ахолни ижтимоий химоя килиш ва меҳнатни муҳофаза килиш соҳасида конуничлик базасини ривожлантириш, шу соҳада девлат назорати механизмиларини кучайтириш</b>					
26.	«Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ходисалар ва касб касалликларидан давлат ижтимоий сугуртаси тўғрисидарига конун лойиҳасини ишлаб чикиш.	2007 йил III чорак	Мехнат ва ахолни ижтимоий муҳофаза килиш вазирлиги, Молия вазирлиги, Иктисолидёт вазирлиги, Соғиқлини сақлаш вазирлиги, Адлия вазирлиги, Касаба уочидлари Федерацияси	Конун лойиҳаси	Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ходисалар ва касб касалликларидаги шигулларга килиш масалаларида ишчилар ва иш берувчилар ўртасидаги ўзаро муносабатлар тарбибини белгилаш.
27.	«Ўзбекистон Республикасида нотиронларни ўзgartirish ёки тўғрисидарига конунга бўйича таснифлар тайёрлан.	2007 йил III чорак	Мехнат ва ахолни ижтимоий муҳофаза килиш вазирлиги, Молия вазирлиги, Соғиқлини сақлаш вазирлиги, Адлия вазирлиги, Ўзбекистон нодавлат нотикорат ташкилотлари миллӣ училими, «Макхалия», «Ўзбекистон маданиятини ва санъатни Форуми», «Мехр нури» жамғармалари, «Ҳайёт» подеват нонижори ташкилоти, Ижтимоий ташаббусларни ўйлаб-кувватли жамғармаси, Республика болалар ижтимоий мослашувни марказни	Айрим конун ўзгартиши хужжатларига ўзгартиши ва қўнимчалар киритиш түбрисидаги конун лойиҳаси	Нотиронларни ижтимоий муҳофаза килиш шарт-шароитларини, упарининг тақомиллаштириши, упарининг хуқуқларини кенгайтириш ҳамда иш берувчиларининг нотиронларини иш берлан таъминланадан манфаатдорлигини ошириш.
28.	Ўзбекистон Республикасининг «Ахолни иш билан таъминланган тўғрисидаги Конуни ҳамда Мехнат кодексига ўзgartirish ва кўшишмачлар киритиш бўйича таснифлар тайёрлан.	2007 йил II чорак	Мехнат ва ахолни ижтимоий муҳофаза килиш вазирлиги, Адлия вазирлиги	Айрим конун ўзгартиши хужжатларига ўзгартиши ва қўнимчалар киритиш түбрисидаги конун лойиҳаси	Бандикнинг ҳамда ишлизсанан муҳофаза килишини ҳуқуқий кафолатларини кунайтириш.

Т/Р	Тадбирлар номи	Бажарыш муддати	Бажарыш учун масбуллар	Тадбирларни амалга ошириш шаҳсарлар	Куттилаётган нағизка
29.	Молия-хўжалик фононини амалга оширмайдиган ва ўз устав фонdlарини қонун хўжагларидан белгиланган муддатга шакловнинг маган корхоналарин тугатиш тартиби тўғрисидаги низомга (Вазирлар Махкамасининг 1999 йил 3 июндан 327-сонлий карори билан тасдиқланган) тутагилган корхоналардаги бандикни ва шиуриниарни хисобга олган ҳолда ўзгартиш ва кўнимималар киритиш.	2007 йил III чорак	Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни кўлааб-кувватлаш давлат кўмитаси, Иктисолидёт вазирлариги, Адния вазирлариги	Норматив-хукукий хўжкат лойиҳаси	Ишловчилар ҳаракати ва иш ўриннари, шу жумладан уларнинг чиқиб кетинини янада тўлиқ хисобга олини.
30.	Мекнат шароитларини давлат экспертиза-сидан ўтказилиши механизмини кучайтириш бўйича таксифлар ишлаб чиқиш.	2007 йил III чорак	Мекнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза кўлиш вазирлариги, Адния вазирлариги	Вазирлар Махкамасининг 1993 йил 29 июл-дати 5/8-сонлии карорига ўзгартиш ва кўшишмачаар	Ишлаб чиқаришда хавфсиз мекнат шароитларини яратнида давлат назоратини таъминланти.

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2007 йил 6 апрелдаги  
ПҚ-616-сон қарорига  
2-ИЛОВА

**Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва ахолини ижтимоий муҳофаза қилиш  
вазирлигининг ташкилий тузилмаси**



Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2007 йил 6 апрелдаги  
ПҚ-616-сон қарорига  
3-ИЛОВА


### Ўзбекистон Республикаси Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги марказий аппаратининг ташкилий тузилмаси



Жами — 89 киши., улардан бошқарув ходимлари — 61 киши.

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2007 йил 6 апрелдаги  
ПҚ-616-сон қарорига  
4-ИЛОВА

**Қорақалпоғистон Республикаси Мөхнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг тузилмаси**



Ходимларнинг чекланган умумий сони — 43 киши, шу жумладан бошқарув ходимлари — 31 киши

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2007 йил 6 апрелдаги  
ПҚ-616-сон қарорига  
4а-ИЛОВА

**Вилоятлар ва Тошкент шаҳар Меҳнат ва аҳолини ижтимоий мухофаза  
қилиш бош бошқармаларининг намунавий тузилмаси**



Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2007 йил 6 апрелдаги  
ПҚ-616-сон қарорига  
5-ИЛОВА

### Туман (шахар) ижтимоий таъминот бўлимиининг намунавий тузилмаси



Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2007 йил 6 апрелдаги  
ПҚ-616-сон қарорига  
6-ИЛОВА

### Бандликка кўмаклашувчи туман (шаҳар) марказининг намунавий тузилмаси



Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2007 йил 6 апрелдаги  
ПҚ-616-сон қарорига  
8-ИЛОВА

**Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари  
ходимларининг меҳнатини рағбатлантириш ҳамда моддий-  
техника базасини мустаҳкамлаш жамғармаси тўғрисида  
НИЗОМ**

**I. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари ходимларининг меҳнатини рағбатлантириш ҳамда моддий-техника базасини мустаҳкамлаш жамғармаси (бундан кейин матнда — Жамғарма)ни ташкил этиш ва унинг маблағларидан фойдаланиш тартибини белгилаб беради.

2. Жамғарма маблағларидан ходимларнинг бажарилётган иш самарадорлиги ва сифатини оширишдан моддий манфаатдорлигини кучайтириш, шунингдек меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш учун фойдаланилади.

**II. Жамғарма маблағларини шакллантириш манбалари**

+ 3. Қўйидагилар Жамғарма маблағларини шакллантириш манбалари хисобланади:

- Бандликка қўмаклашувчи жамғарма тушумлари маблағларининг 5 фоизи;
- меҳнатда майиб бўлганлиги ёки касб касаллигидан ногиронлик бўйича Ўзбекистон Республикасининг «Фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуни 15-моддасига мувофиқ тайинланган пенсияларни тўлаш харажатларини қоплаш учун иш берувчилар томонидан регрессив талаблар (даъволар) ундириладиган, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари хисоб рақамларига келиб тушадиган маблағларнинг 15 фоизи.

4. Жамғарма маблағлари Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳри меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш худудий бош бошқармаларининг бюджетдан ташқари маҳсус хисоб рақамларидан жамланади ҳамда меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари ўртасида Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги томонидан ўрнатилган тартибда тақсимланади.

**III. Жамғарма даромадлари ва харажатлари сметасини тузиш,  
тасдиқлаш ҳамда рўйхатга олиш тартиби**

5. Жамғарманинг келгуси йилги даромадлари миқдорларини белгилашда Жамғарманинг аввалги йил охиридаги маблағлари колдиги ҳамда кейинги икки йил ичидаги қонун ҳужжатларидаги ўзгаришларни эътиборга олиб, тушумлар динамикасини назарда тутган ҳолда хисоблаб чиқилган прогноз тушумлари ҳажми иnobатга олинади.

6. Сметанинг харажатлар қисми Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан тасдиқланган давлат бюджети харажатлари таснифига мувофиқ харажатларни моддалар бўйича аниқ кўрсатган ҳолда харажат гурӯҳлари бўйича тузилади.

7. Жамғарманинг даромад ва харажатлари сметаси тегишли равишида:  
Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва ахолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири;

Қорақалпоғистон Республикаси меҳнат ва ахолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири, вилоятлар ва Тошкент шаҳри меҳнат ва ахолини ижтимоий муҳофаза қилиш худудий бош бошқармаларининг бошликлари томонидан туман (шаҳар) бўлинмалири харажатлар сметаларини илова қилган ҳолда тасдиқланади.

8. Жамғарма даромадлари ва харажатлари сметасини рўйхатга олиш бюджет ташкилотларининг харажатлар сметалари ва штат жадвалларини Молия вазирлиги ва молия органларида ҳисобга олишнинг Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан 1999 йил 9 декабрда 93-сон (1999 йил 13 декабрдаги 849-рўйхат рақами) тасдиқланган Тартиб билан белгиланган тартиб ва муддатларда амалга оширилади.

9. Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва ахолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири, Қорақалпоғистон Республикаси меҳнат ва ахолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири, вилоятлар ва Тошкент шаҳри меҳнат ва ахолини ижтимоий муҳофаза қилиш худудий бош бошқармаларининг бошликлари Жамғарма тушумларининг ҳажмларидан келиб чиқиб, белгиланган тартибда рўйхатга олган ҳолда Жамғарманинг даромад ва харажатлари сметасига ҳар чорақда ўзгартиш киритишлари мумкин.

#### **IV. Жамғарма маблағларини йўналтириш ва фойдаланиш тартиби**

— 10. Жамғарма маблағларини сарфлаш Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва ахолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Меҳнат ва ахолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, вилоятлар ва Тошкент шаҳри меҳнат ва ахолини ижтимоий муҳофаза қилиш худудий бош бошқармаларининг, Бандликка қўмаклашувчи туман (шаҳар) марказлари ҳамда туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлимларининг бюджетдан ташқари маҳсус ҳисоб рақамларидан, тасдиқланган даромадлар ва харажатлар сметаларига мувофиқ амалга оширилади.

+ Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва ахолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири, Қорақалпоғистон Республикаси меҳнат ва ахолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири, вилоятлар ва Тошкент шаҳри меҳнат ва ахолини ижтимоий муҳофаза қилиш худудий бош бошқармаларининг бошликлари, Бандликка қўмаклашувчи туман (шаҳар) марказларининг директорлари ҳамда туман (шаҳар) ижтимоий таъминот бўлимларининг бошликлари, улар бўлмаган ҳолларда эса — уларнинг ўрнини босадиган шахслар тегишли равишида Жамғарма маблағларини тасарруф этувчилар ҳисобланади.

11. Жамғарма маблағлари қўйидаги мақсадларга йўналтирилади:

- Жамғарма маблағларининг камидаги 50 фоизи миқдорида — меҳнат ва ахолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари ходимларини моддий рағбатлантиришга;
- Жамғарма маблағларининг 50 фоизигача миқдорда — меҳнат ва ахолини ижтимоий муҳофаза қилиш органларининг моддий-техника базасини мустахкамлашга, шунингдек кадрлар тайёрлаш ва ходимларнинг малакасини ошириш бўйича сарф харажатларга, шу жумладан:

вазирлик, унинг худудий бошқармалари ҳамда туман (шаҳар) бўлимлари ва Марказлари бинолари ҳамда хоналарини қуриш, сотиб олиш, таъмирлаш ва жиҳозлар;

автотранспорт, алоқа воситалари, ҳисоблаш, компьютер ва ташкилий техникаларни сотиб олиш, таъмирлаш, техник хизмат кўрсатиш, инвентар ва хўжалик жиҳозларини сақлаш ҳамда эксплуатация қилиш, дастурий таъминот воситаларини харид қилиш;

даврий матбуот нашрларини, маҳсус адабиётлар, китоб маҳсулоти, идоравий ашёларни сотиб олиш;

кадрлар тайёрлаш ва ходимлар малакасини ошириш бўйича харажатлар; меҳнат ва ахолини ижтимоий муҳофаза қилиш органлари фаолиятини яхшилашга қаратилган бошқа тадбирлар.

Жамғарманинг жорий йилда фойдаланилмаган маблағлари қолдиги навбатдаги молия йилига ўтади ва олиб кўйилмайди.

12. Ходимларга юқори касбий малакаси учун ҳар ойлик шахсий устама ҳақ, ишдаги муваффақиятлари ва муҳим топшириқларни бажаргани учун айрим ходимларни мукофотлаш, юбилей саналари муносабати билан бир маротабалик пул мукофотлари бериш, Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларида белгиланган байрам кунлари муносабати билан мукофотлар тўлаш, мансаб маошларига ҳар ойлик қўшимча ҳақ белгилаш (овқат ва бошқа мақсадларга), моддий ёрдам кўрсатиш Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва ахолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири томонидан тасдиқланадиган Ходимларни моддий рағбатлантириш ва ижтимоий муҳофаза қилиш тўғрисидаги низомга мувофиқ ҳамда ушбу Низомнинг 10-бандида кўрсатилган Жамғарма маблағларини тасарруф этувчиларнинг буйруқлари асосида, тегишли Жамғармаларнинг маблағлари хисобидан амалга оширилади.

13. Жамғармадан ходимларга устама ҳақ, мукофотлар белгилаш ва моддий ёрдам кўрсатиш тўғрисидаги қарор ҳар бир меҳнат ва ахолини ижтимоий муҳофаза қилиш органида ташкил этиладиган маҳсус комиссия томонидан қабул қилинади.

14. Ўзбекистон Республикаси меҳнат ва ахолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири, Қорақалпоғистон Республикаси меҳнат ва ахолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири, вилоятлар ва Тошкент шаҳри меҳнат ва ахолини ижтимоий муҳофаза қилиш худудий бош бошқармаларининг бошликлари зарур ҳолларда Жамғарма маблағларини Жамғарманинг даромад ва харажатлар сметасига белгиланган тартибда тегишли ўзгартишларни киритган ҳолда меҳнат ва ахолини ижтимоий ҳимоя қилиш куий органларига қайтадан таксимлашлари мумкин.

15. Жамғарма маблағлари хисобидан қўшимча ходимларни сақлаш ман этилади.

## V. Ҳисоб, ҳисобот ва назорат

16. Жамғарма маблағларининг тушуми ва харажатлари ҳисоби бюджетдан ташқари бошқа маблағлардан, шу жумладан бюджет ташкилотларини ривожлантириш жамғармасидан алоҳида юритилади.

17. Жамғарма маблағлари тушуми ва харажатлари тўғрисидаги бюджет маблағлари учун белгиланган тартиб ва муддатларда Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигига тақдим этилади.

18. Жамғарма маблағларининг мақсадли сарфланиши ҳамда ушбу маблағларни шакллантириш ва улардан фойдаланиш тўғрисида тақдим этиладиган маълумотларнинг ҳаққонийлиги учун меҳнат ва ахолини ижтимоий муҳофаза қилиш органларининг раҳбарлари шахсан жавобгар бўладилар.

Жамғарма маблағларидан мақсадга номувофиқ фойдаланиш фактлари аниқланган ҳолларда мақсадга номувофиқ фойдаланилган сумманинг ҳаммаси айбдор шахс-

ларга нисбатан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тегишли жавобгарлик чоралари қўлланган ҳолда давлат бюджети даромадига олиб қўйилади.

19. Жамғарма маблағларидан тўғри ва мақсадли фойдаланилиши устидан назорат Ўзбекистон Республикаси Мехнат ва ахолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ва Молия вазирлигининг Назорат-тафтиш бош бошқармаси ҳамда унинг худудий органлари томонидан амалга оширилади.

### ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

## **157 «Ўзбекнефтгаз» МХК корхоналарини бурғулаш қурилмалари ва 3Д сейсмик қидирув комплекслари билан жиҳозлаш» инвестиция лойиҳасини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 29 сентябрдаги ПҚ-478м-сонли қарорига мувофиқ ҳамда геология-қидирув ишларини ўтказиш ва чуқур ҳамда кия-горизонтал қудуқларни бурғулаб углеводородлар қазиб олишнинг зарур дараҷасига эришишни таъминлаш мақсадида:

1. «Ўзбекнефтгаз» Миллий холдинг компаниясининг Хитой Халқ Республикаси (ХХР) Ҳукуматининг экспорт кредитларидан фойдаланган ҳолда «Ўзбекнефтгаз» МХК корхоналарини бурғулаш қурилмалари ва 3Д сейсмик қидирув комплекслари билан жиҳозлаш» лойиҳасини амалга ошириш ҳақидаги таклифига розилик берилсин.

2. Қуйидагилар маълумот учун қабул қилинсин:

«Ўзгеобурнефтгаз» акциядорлик компанияси томонидан конкурс танлови якунлари бўйича Хитой компаниялари билан умумий миқдори 209,1 млн. долларлик, шу жумладан «China Petroleum Technology & Development Corporation, CPTDC» билан қиймати 203,0 млн. долларлик бурғулаш қурилмалари ва маҳсус техника етказиб бериш, «China National Machinery Industry Corporation, SINOMACH» билан қиймати 6,1 млн. долларлик цементлаштирувчи агрегатларни етказиб бериш тўғрисида 1-иловага\* мувофиқ шартномалар тузилди;

сейсмик қидирув учун ускуналарни ҳарид қилиш, 2-иловага\* мувофиқ, «Ўзбекнефтгаз» МХКнинг шахсий маблағлари ҳисобидан, белгиланган тартибда амалга оширилади.

3. Белгилансинки, 1-иловага мувофиқ, умумий қиймати 209,1 млн. доллар бўлган бурғулаш ускуналари, шунингдек, маҳсус техникини етказиб бериш шартномаларини молиялаштириш қуйидагича амалга оширилади:

умумий қийматнинг 85 фоизи Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллый банки кредити ҳисобидан — ХХР Эксимбанкининг 15 йил муддатга, шу жумладан 5 йил имтиёзли давр билан бериладиган 177,6 млн. доллар миқдордаги кредит маблағларини қайта молиялаштириш йўли билан;

\* 1-2-иловалар берилмайди.

31,5 млн. доллар миқдоридаги 15 фоизи — «Ўзбекнефтгаз» МХКнинг шахсий маблағлари хисобидан.

4. Қуйидагилар:

«Ўзбекнефтгаз» МХК корхоналарини бургулаш қурилмалари ва ЗД сейсмик қидирув комплекслари билан жиҳозлаш» лойихаси техник-иқтисодий ҳисоб-китобларининг асосий техник-иқтисодий параметрлари 3-иловага\* мувофиқ;

«Ўзбекнефтгаз» МХК корхоналарини бургулаш қурилмалари ва ЗД сейсмик қидирув комплекслари билан жиҳозлаш» лойихаси бўйича ХХР Эксимбанки кредитини тўлаш прогноз жадвали 4-иловага\* мувофиқ тасдиқлансан.

5. Белгилансинки:

«Ўзбекнефтгаз» МХК кредит маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш, шунингдек қабул қилинган техник-иқтисодий ҳисоб-китоб кўрсаткичлари бўйича лойиханинг ўз вақтида амалга оширилиши учун жавобгар бўлган ижро этувчи орган хисобланади;

ХХР Эксимбанки кредитига хизмат кўрсатиш бўйича асосий қарзни узиш, фоизлар, комиссиялар ва бошқа харажатларни тўлаш «Ўзбекнефтгаз» МХКнинг шахсий маблағлари хисобидан амалга оширилади.

6. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки мазкур лойихани молиялаштириш учун:

ХХР Эксимбанки билан якка тартибдаги қарз битимини тузсин;

ХХР Эксимбанкининг қарз маблағларини қайта молиялаштириш бўйича «Ўзбекнефтгаз» МХК билан кредит шартномалари тузсин.

7. Ўзбекистон Республикаси молия вазири ХХР Эксимбанкига якка тартибдаги қарз битими бўйича тасдиқнома-хатни белгилангандар тартибда беришга вакил этиб тайинлансан.

8. ХХР Эксимбанки, мазкур қарорда кўрсатиб ўтилган Хитой суфурта агентликлари ва компаниялари мазкур Лойихани амалга ошириш доирасида Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тўлов манбаидан олинадиган даромад (фойда) солиги тўлашдан озод этилсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги «Ўзбекнефтгаз» МХКнинг талабномаларига кўра Лойихани амалга оширишда иштирок этаётган хорижий мутахассисларнинг кириш визалари консуллик йиғими ва бошқа йиғимлар ундириб олинмасдан белгилангандар тартибда расмийлаштирилишини таъминласин.

10. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги «Ўзбекнефтгаз» МХКнинг талабномаларига кўра Лойихани амалга оширишда иштирок этаётган хорижий мутахассисларга кўп марталик визалар бериш ва уларнинг муддатини узайтириш, шунингдек вақтинча рўйхатда туриш ва унинг муддатини узайтиришни таъминласин ҳамда улар давлат божи тўлашдан озод қилинсан.

11. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М. Мирзиёев зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2007 йил 6 апрель,  
ПҚ-617-сон

\* 3-4-иловалар берилемайди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

## **158 Суғурта хизматлари бозорини янада ислоҳ қилиш ва ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида**

Суғурта хизматларининг ракобат бозорини янада шакллантириш, суғурта фаолиятининг замонавий турларини ривожлантириш ва сифатини ошириш, суғурталовчиларнинг капиталлашув даражасини кўпайтириш ва молиявий барқарорлигини таъминлаш, уларнинг минтақавий тармоқларини кенгайтириш, шунингдек суғурталаши тартибга солиш усусларини такомиллаштириш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан суғурта ташкилотлари билан биргаликда ишлаб чиқилган 2007 — 2010 йилларда Ўзбекистон Республикаси суғурта бозорини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш дастури 1-иловага мувофиқ маъқуллансин, унда қўйидаги чора-тадбирлар назарда тутилган:

суғурталаш, суғурта фаолияти ва суғурта назоратининг қонунчилик ва норматив-хуқуқий базасини халқаро амалиётга мувофиқ янада такомиллаштириш;

кўрсатилаётган суғурта хизматлари, айниқса тадбиркорлик фаолиятини, импорт-экспорт операцияларини суғурталаш, ҳаётни узок муддатга суғурталаш, шу жумладан суғуртанинг жамғарма турлари соҳасида суғурта хизматлари ҳажмини, кўламини кенгайтириш ва сифатини ошириш;

республика суғурта бозорини халқаро суғурта бозорларига интеграциялаш;

суғурталаш соҳаси ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги вазирликлар, идоралар ва бажа-рувчилар — суғурта ташкилотлари билан биргаликда Дастурда назарда тутилган тадбирларнинг белгиланган муддатларда сўзсиз ва сифатли бажарилишини таъминласин.

2. Суғурта бозорининг профессионал қатнашчилари тўғрисидаги низом 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Фаолият кўрсатаётган суғурта компаниялари (суғурталовчилар) 2008 йил 1 январгача бўлган муддатда устав капитали миқдорининг мазкур қарор билан тасдиқланган Суғурта бозорининг профессионал қатнашчилари тўғрисидаги низомда белгиланган талабларга мувофиқлаштирилишини таъминласин.

3. Ўзбекистон Республикаси Аддия вазирлиги ва Молия вазирлиги Давлат солик кўмитаси билан биргаликда тасдиқланган Суғурта бозорининг профессионал қатнашчилари тўғрисидаги низом талабларига жавоб бермайдиган суғурта ташкилотлари фаолиятини 2008 йил 1 январгача белгиланган тартибда тўхтатиш ва лицензияларини бекор қилиш чора-тадбирларини кўрсинг.

4. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги мамлакат иқтисодиёт олий таълим муассасаларида ихтисослаштирилган гурухлар ташкил этиш, суғурта бозори профессионал қатнашчиларининг юқори малакали мутахассислари тайёрлаш контингентини кенгайтириш ва сифатини ошириш, уларнинг малакасини мунтазам равишда ошириш бўйича бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва республика суғурта компанияларининг қўйидагилар фаолиятининг асосий ўйналишлари бўлган Ўзбекистон суғурта бозори профессионал қатнашчилари уюшмасини ташкил этиш тўғрисидаги таклифига розилик берилсин:

суғурта бозори конъюнктурасини ўрганиш, унинг юқори даражада очик-ойдин-

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й.*

лигини таъминлаш, рақобатни ривожлантириш, суфурта хизматлари ҳажмларини кўпайтириш, кўламини кенгайтириш ва сифатини ошириш бўйича таклифлар ишлаб чиқиши;

потенциал хорижий инвесторларга маблағларни Ўзбекистон Республикаси суфурта соҳасига инвестициялашда кўумаклашиш;

республика ахолиси ўртасида суфурталаш масалалари бўйича фаол тушунтириш ишларини олиб бориш;

суфурталаш учун кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштириш, суфурта бозори профессионал қатнашчилари учун профессионал этика нормаларини ишлаб чиқиши.

6. Суфурта бозорини ривожлантириш хамда юридик ва жисмоний шахсларнинг суфурталашда кенг қатнашишини рағбатлантириш учун белгилаб қўйилсинки, молмulkни ва ҳётни узок муддатга суфурталаш бўйича суфурта мукофотлари солиққа тортилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги юкорида кўрсатилган солиқ имтиёзларини бериш тартиби тўғрисидаги низомни бир ой муддатда ишлаб чиқсин ва Адлия вазирлиги билан келишган ҳолда тасдиқласин.

7. Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Молия вазирлиги, бошка манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда қонун хужжатларига ушбу қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида бир ой муддатда Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин.

8. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Узбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Р.С. Азимов зиммасига юклансин.



**Ўзбекистон Республикаси  
Президенти**

**И. КАРИМОВ**

Тошкент ш.,  
2007 йил 10 апрель,  
ПҚ-618-сон



Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2007 йил 10 апрелдаги  
ПҚ-618-сон қарорига  
1-ИЛОВА

**2007 — 2010 йилларда Ўзбекистон Республикаси сұғурта бозорини ислоҳ қилиш  
ва ривожлантириш дастури**

T/P	Тадбирлар	Амалга ошириш шакли	Бажариш муддатлари	Масъул бажарувчилар
<b>I. Сұғурталаш, сұғурта фаолияти ва сұғурта назоратининг қонунчилик ва норматив-хуқуқий базасини янада тақомиллаштириш</b>				
<b>1.1. Янги қонунлар қабул қилиши</b>				
1.	«Транспорт воситалари эгаларининг жавобгарлигини мажбuriй сұғурталаш түгристіда»ғи Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиши.	Қонун лойиҳаси	2007 йил II чорак	Молия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон транспорт ва транспорт коммуникациялари уюшмаси, бошқа манбаатдор вазирликлар ва идоралар, сұғурта компаниялари
2.	«Иш беруvinининг жавобгарлигини мажбuriй сұғурталаш түгристіда»ғи Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиши.	Қонун лойиҳаси	2007 йил IV чорак	Молия вазирлиги, Мәжнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги, бошқа манбаатдор вазирликлар ва идоралар, сұғурта компаниялари
3.	«Тиббий сұғурта түгристіда»ғи Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиши.	Қонун лойиҳаси	2007 йил IV чорак	Соглиқни сақлаш вазирлиги, Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, бошқа манбаатдор вазирликлар ва идоралар, сұғурта компаниялари
<b>1.2. Амалдаги қонунларға ўзgartериш ва қўшимчалар киритиши</b>				
4.	«Сұғурта фаолияти түгристіда»ғи Ўзбекистон Республикаси Конунига ўзgartериш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ғи Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиши, унда сұғурта бозорининг профессионал қатнашчилари таркибини аниқлаштириш ва кенгайтириш, уларнинг хукуқ ва мажбуриятларини, фаолиятни амалга ошириш тартибини белгилаш.	Қонун лойиҳаси	2007 йил II чорак	Молия вазирлиги, бошқа манбаатдор вазирликлар ва идоралар, сұғурта компаниялари
5.	«Маъмурий жавобгарлик түгристидаги Ўзбекистон Республикаси Кодексига ўзgartериши ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ғи Ўзбекистон Республикаси қонуни лойиҳасини ишлаб чиқиши, унда сұғурта қилинмаган транспорт воситаларини бошқараётган хайдовчилар жавобгарлигини белгилаш.	Қонун лойиҳаси	2007 йил II чорак	Молия вазирлиги, Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон транспорт ва транспорт коммуникациялари уюшмаси, бошқа манбаатдор вазирликлар ва идоралар, сұғурта компаниялари

Т/Р	Тадбирлар	Амалга ошириш шакли	Бажариш муддатлари	Масъул бажарувчилар
<b>1.3. Идоравий норматив-хукуқий ҳужжатларни қабул қилиш</b>				
6.	Сугурталовчилар молиявий-хўжалик фаолияти бухгалтерия ҳисобининг ҳисоб рақамлари режасини ва уни қўллаш бўйича йўриқномани ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.	Ҳисоб рақамлари режаси ва уни қўллаш бўйича йўриқнома	2007 йил III чорак	Молия вазирлиги
7.	Сугурталовчилар молиявий ҳисоботи шакллари ва уларни тўлдириш қоидаларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.	Молиявий ҳисобот шакллари ва уларни тўлдириш қоидалари	2007 йил III чорак	Молия вазирлиги
8.	Умумий сугурта ва ҳаётни сугурталаш соҳасида сугурта тарифларини ҳисоблаб чиқариш бўйича методик кўрсатмаларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.	Методик кўрсатмалар	2007 йил III чорак	Молия вазирлиги, сугурта ташкилотлари
9.	Сугурта компанияларини рейтинг жиҳатдан баҳолаш бўйича методик тавсияларни тайёрлаш.	Методик тавсиялар	2007 йил III чорак	Молия вазирлиги, сугурта компаниялари
10.	Актуар малака сертификатини бериш тартиби тўғрисидаги низомни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.	Низом	2007 йил III чорак	Молия вазирлиги
11.	Аджастер, актуар, сюрвейер ва ассистанс хизматлари кўрсатиш фаолиятини ташкил этиш бўйича методик тавсияларни ишлаб чиқиш.	Методик тавсиялар	2007 йил III чорак	Молия вазирлиги, сугурта ташкилотлари
12.	Сугурталовчилар ва қайта сугурталовчиларнинг тўловга қодирлиги тўғрисидаги низомни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.	Низом	2007 йил IV чорак	Молия вазирлиги
13.	Сугурта компанияларини аудиторлар томонидан текшириш бўйича методик тавсияларни ишлаб чиқиш.	Методик тавсиялар	2007 йил IV чорак	Молия вазирлиги
14.	Сугурта фаолияти ва сугурта назоратини тартибга солувчи халқаро стандартлар айрим нормаларини қайта кўриб чиқиш ва норматив-хукуқий базага жорий этиш.	Норматив-хукуқий базага ўзгартириш ва кўшимчалар	2007-2008 йиллар	Молия вазирлиги
15.	Тадбиркорлик таваккалчиларини (фойдани бой беришдан, лойихалашдаги католиклардан, банкротликдан сугурталаш ва ҳ. к.) сугурталашнинг намунавий қоидаларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.	Намунавий қоидалар	2008 йил I чорак	Молия вазирлиги, сугурта компаниялари
16.	Бизнес соҳаси учун сугурта хизматлари кўрсатишнинг ягона талаблари ва стандартларини белгилаш.	Низом	2008 йил I чорак	Молия вазирлиги, сугурта компаниялари
17.	Сугурталовчиларнинг сугурта воситачилари билан ўзаро муносабатларини тартибга солувчи намунавий қоидаларини ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.	Намунавий қоидалар	2008 йил I чорак	Молия вазирлиги, сугурта компаниялари
18.	Қайта сугурталаш хизматлари кўрсатишнинг ягона талаблари ва стандартларини белгилаш.	Низом	2008 йил I чорак	Молия вазирлиги, сугурта компаниялари
19.	Даъво ишларининг ягона технологиясини жорий этиш.	Методик тавсиялар	2008 йил III чорак	Молия вазирлиги, сугурта компаниялари

T/P	Тадбирлар	Амалга ошириш шакли	Бажариш муддатлари	Масъул бажарувчилар
20.	Сугурталовчи ва қайта сугурталовчининг инвестиция фаолияти тўгрисидаги низомни ишлаб чиқиш ва тасдиқлаш.	Низом	2009 йил I чорак	Молия вазирлиги
<b>II. Кўрсатилаётган сугурта хизматлари ҳажмини, кўламини кенгайтириш ва сифатини ошириш</b>				
21.	2007 — 2010 йилларда сугурта хизматлари ҳажмини 3 баравар, сугурталовчилар сугурта захирасини 2,5 баравардан ортиқ, сугурта компаниялари япли капиталини 2 баравардан ортиқ кўпайтириш.	Чора-тадбирлар комплекси	Ишлаб чиқиш — 2007 йил II чорак Амалга ошириш — 2007—2010 йиллар	Молия вазирлиги, сугурта ташкилотлари
22.	Аҳоли ва юридик шахсларни, айнича бизнесни сугурталаш соҳасида, шунингдек қишлоқ жойларда сугурталовчи алоҳида бўлинмалар ва сугурта агентлари сонини кўпайтириш ҳисобига сугурта хизматлари билан қамраб олиш даражасини ошириш.	2006—2010 йилларда хизмат кўрсатиш соҳаси ва сервисни ривожлантириш дастурига мувоффиқ чора-тадбирлар комплекси	2007—2010 йиллар	Молия вазирлиги, сугурта ташкилотлари
23.	Экспорт кредитлар ва экспорт-импорт операцияларининг самарали сугурта ҳимоясини таъминловчи экспортни сугурталаш бўйича янги комплекс сугурта хизматлари турларини, шу жумладан сиёсий ва тижорат таваккалчиларидан сугурталаш, тўлов муддатини кечириши шартларини сугурталаш, «етказиб берувчи кредити» типи бўйича сугурталаш, «харидорга кредит» типи бўйича сугурталаш, экспорт-импорт контрактларини бажариш ва инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш билан боғлиқ таваккалчиларни сугурталаш, экспорт-импорт юкларини ташишни сугурталаш, хорижий шерикнинг иқтисодий начорлигидан (банкротлигидан) сугурталаш ва бошқа сугурта хизматлари турларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш.	Чора-тадбирлар комплекси	Ишлаб чиқиш — 2007 йил II чорак амалга ошириш — 2007—2010 йиллар	Молия вазирлиги, сугурта ташкилотлари
24.	Ҳаётни узоқ муддатли сугурталашни, шу жумладан сугуртанинг жамғарма турларини (ҳаётни аралаш сугурталаш, никоҳдан ўтишни сугурталаш, аннуитетларни сугурталаш, қўшимча пенсияни сугурталаш, таълим олини харажатларини сугурталаш, даволанишни, шу жумладан чет элда даволанишни сугурталаш, балогат ёшига етганликни сугурталаш ва бошқалар) кенгайтириш.	Чора-тадбирлар комплекси	Ишлаб чиқиш — 2007 йил IV чорак Амалга ошириш — 2008—2010 йиллар	Молия вазирлиги, сугурта ташкилотлари
25.	Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини сугурталашни жадал ривожлантириш, бизнесни сугурталаш соҳасида (банкротликдан, фойдани бой беришдан, кўзда тутилмаган харажатлардан, суд харажатларидан, професионал жавобгарлиқдан ва шу кабилардан сугурталаш) сугуртанинг	Чора-тадбирлар комплекси	Ишлаб чиқиш — 2008 йил I чорак Амалга ошириш — 2008—2010 йиллар	Молия вазирлиги, сугурта ташкилотлари

T/P	Тадбирлар	Амалга ошириш шакли	Бажариш муддатлари	Масъул бажарувчилар
	яиги турларини жорий этиш, уларнинг аниқ манзиллилиги, табақалаштирилганлиги, сифати ва самарадорлигини ошириш.			
26.	Сугурта хизматларига талабни баҳолаш бўйича маркетинг тадқиқотларини, сугурта бозорини ривожлантириш бўйича таҳлилий ишланималарни ташкил этиш.	Маркетинг ва бошқа таҳлилий тадқиқотлар	2007 йил III чоракдан бошлаб доимо	Сугурта бозорининг професионал қатнашчилари уюшмаси
27.	Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузуридаги Сугурта назорати давлат инспекциясида маълумотларни йигиши ва қайта ишлашнинг автоматлаштирилган тизимини ишлаб чиқиш ва жорий этиши.	Автоматлаштирилган тизим	2008 йил II чорак	Молия вазирлиги
28.	Таваккалчиларнинг барвақт олдини олиш бўйича тест ўтказишнинг таваккалчиларни баҳолаш тизимига асосланган механизмини ишлаб чиқиш ва жорий этиши.	Чора-тадбирлар комплекси	2008 йил IV чоракдан бошлаб	Молия вазирлиги
29.	Ўзбекистоннинг Сугурта назорати органлари халқаро уюшмасига кириши бўйича чора-тадбирлар комплексини амалга ошириш.	Чора-тадбирлар комплекси	2008 йил мобайнида	Молия вазирлиги
30.	Сугурта бозорининг професионал қатнашчилари ва уларнинг бирлашмалари билан биргаликда ахоли ўртасида сугурта маданийтини ошириш бўйича маърифий ва тушунтириши ишларини амалга ошириш.	Семинарлар, радио ва телевидениеда эшиттиришлар, кўрсатувлар ва реклама компаниялари, оммавий аҳборот воситаларида материаллар эълон қилиш	доимо	Молия вазирлиги, сугурта компаниялари
31.	Аҳолини сугурта бозоридаги, шу жумладан сугурта агентларининг ноқонуний ёхуд қонунга хилоф фаолияти тўғрисида хабардор қилиши.	Оммавий аҳборот воситаларида аҳборотлар бериш	доимо	Молия вазирлиги, сугурта компаниялари
<b>III. Мамлакат сугурта бозорининг очиқ-ойдинлигини ва ишончилигини таъминлаш, сугурталовчиларнинг капиталлашув даражасини ошириш, уларнинг молиявий барқарорлигини ва тўловга қодирлигини мустаҳкамлаш</b>				
32.	Фаолият кўрсатадётган сугурта компанияларининг устав капиталларини сугурта фаолиятининг амалга оширилаётган турларидан келиб чиқсан ҳолда белгиланган энг кам миқдорларгача кўпайтириш.	Чора-тадбирлар комплекси	2008 йил 1 январгача	Молия вазирлиги, сугурта компаниялари
33.	Устав капиталининг энг кам миқдорини белгиланган муддатларда шакллантиришни таъминлаш имкониятига эга бўлмаган сугурталовчиларни аниклаш чора-тадбирлари комплексини амалга ошириш, уларга сугурта фаолияти соҳасини ўзгартиришда ва қайта ташкил этишда (қўшилиш, бирлашишда) кўмаклашиш.	Чора-тадбирлар комплекси	2007 йил II чорак	Молия вазирлиги

Т/Р	Тадбирлар	Амалга ошириш шакли	Бажариш муддатлари	Масъул бажарувчилар
34.	«Ўзагросугурта», «Кафолат» давлат-акциядорлик сугурта компаниялари ва акциядорлик компаниясига айлантирилаётган «Ўзбекинвест» компанияси устав фондларидағи давлат улушларини сотиш.	Тадбирлар	Хукуматнинг тегишли қарорларида белгиланган муддатларда	Давлат мулки кўмитаси, Молия вазирлиги, «Ўзагросугурта», «Кафолат» давлат-акциядорлик сугурта компаниялари, «Ўзбекинвест» компанияси
35.	Хорижий капитал иштирокида сугурта компаниялари ташкил этишини рагбатлантириш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш.	Чора-тадбирлар комплекси	2007 йил II чорак	Молия вазирлиги, сугурта компаниялари
<b>IV. Сугурта соҳаси ходимларини тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини такомиллаштириш</b>				
36.	Банк-молия академияси хузурида сугурта бозорининг профессионал қатнашчилари ходимлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш бўйича доимий фаолият кўрсатадиган ихтисослаштирилган курслар ташкил этиш.	Ихтисослаштирилган ўқув курслари	2007 йил III чорак	Сугурта бозорининг профессионал қатнашчилари уюшмаси, Банк-молия академияси
37.	Сугурта бозорининг профессионал қатнашчилари ходимлари учун сугурталаш ва сугурта фаолиятининг долзарб масалалари бўйича ўқув-амалий конференциялар ва семинарлар ташкил этиш.	Конференциялар ва семинарлар	мунтазам равиша	Сугурта бозорининг профессионал қатнашчилари уюшмаси, сугурта компаниялари, сугурта бозорининг бошқа профессионал қатнашчилари
38.	Кўрсатиб ўтилган тузилмаларнинг қўшадиган улуси ҳисобига сугурта бозорининг профессионал қатнашчилари ходимлари малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлаш ўқув марказини ташкил этиш.	Чора-тадбирлар комплекси	2008 йил I чорак	Сугурта бозорининг профессионал қатнашчилари уюшмаси, сугурта компаниялари, сугурта бозорининг бошқа профессионал қатнашчилари
39.	Сугурта бозорининг профессионал қатнашчилари учун профессионал этика нормаларини ишлаб чиқиш.	Профессионал этика нормалари	2008 йил II чорак	Сугурта бозорининг профессионал қатнашчилари уюшмаси, сугурта компаниялари, сугурта бозорининг бошқа профессионал қатнашчилари

Ўзбекистон Республикаси  
Президентининг 2007 йил 10 апрелдаги  
ПҚ-618-сон қарорига  
2-ИЛОВА

## **Суфурта бозорининг профессионал қатнашчилари тўғрисида НИЗОМ**

### **I. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Низом «Суфурта фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига, бошқа қонун хужжатларига мувофиқ ишлаб чиқилган ва суфурта бозорининг профессионал қатнашчилари фаолияти хусусиятларини белгилайди.

Мазкур Низомнинг амал қилиши давлат ижтимоий суфуртасига татбиқ этилмайди.

2. Суфурталовчилар, суфурта воситачилари (суфурта брокери, қайта суфурталовчи брокер, суфурта агенти), актуар, аджастер, сюрвейер хизматлари, шунингдек асистанс хизматлари кўрсатадиган юридик ва жисмоний шахслар суфурта бозорининг профессионал қатнашчилари хисобланади.

3. Суфурталовчилар ва суфурта брокерларини давлат рўйхатига олиш Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан, суфурта бозорининг бошқа профессионал қатнашчиларини давлат рўйхатига олиш эса — қонун хужжатларида белгиланган тартибда туманлар ва шаҳарлар хокимлклари хузуридаги тадбиркорлик субъектларини рўйхатга олиш инспекциялари томонидан амалга оширилади.

4. Суфурталовчилар ва суфурта брокерларининг фаолияти Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан бериладиган махсус руҳсатномалар (лицензиялар) асосида амалга оширилади.

Суфурталовчилар ва суфурта брокерлари фаолиятини амалга ошириш хукуки учун лицензиялар бериш, уларнинг амал қилишини тўхтатиш ва бекор қилиш тартиби Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланади.

5. Актуар, аджастер, сюрвейер хизматлари ҳамда асистанс хизматлари кўрсатадиган юридик ва жисмоний шахслар:

суфурталовчи сифатида суфурталаш ва қайта суфурталаш операцияларини ўтказиш;

суфурталаш бўйича воситачилик фаолиятини амалга ошириш;

суфурталовчиларнинг устав фондларида қатнашиш хукуқига эга эмас.

6. Суфурта бозорининг профессионал қатнашчилари ўз фаолиятини мувофиқлаштириш, умумий манфаатларни химоя қилиш ва ифодалаш ҳамда умумий вазифаларни хал этиш учун қонун хужжатларида белгиланган тартибда нотижорат ташкилотлар хисобланган ўз уюшмалари ва иттифоқларини тузишга ҳақлидир.

Суфурта бозорининг профессионал қатнашчилари уюшмалари ва иттифоқларидан суфурта бозорини монополия қилишга йўналтирилган битимларга эришиш учун фойдаланилиши мумкин эмас.

### **II. Суфурталовчилар**

7. Суфурталовчи — бу тижорат ташкилоти хисобланадиган, тегишли турдаги суфурталашни амалга ошириш учун лицензияга эга бўлган ва суфурта шартномасига мувофиқ суфурта тўлови (суфурта пули) тўлаш мажбуриятини ўз зиммасига оладиган юридик шахс.

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й.*

8. Суфурталовчилар қонун ҳужжатларида назарда тутилган ташкилий-хукукий шаклларда ташкил этилади.

Давлат суфурта ташкилотлари Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Ўзбекистон Республикаси Хукуматининг қарорлари асосида ташкил этилади.

9. Суфурталовчи устав капиталининг камидаги тўқсон фоизи муассислар (катнашчилар)нинг пул маблағларидан шакллантирилади.

Суфурталовчининг устав капиталини шакллантириш учун кредитга олинган, гаровга қўйилган маблағлардан ва жалб этилган бошқа маблағлардан фойдаланишга йўл қўйилмайди.

Суфурталовчининг бошлангич устав капитали лицензия олиниши пайтида катнашчилар томонидан шакллантирилиши ва мазкур Низомда белгиланган устав капиталининг энг кам миқдоридан кам бўлиши мумкин эмас.

#### 10. Устав капиталининг энг кам миқдорлари:

умумий суфурталаш тармоғида фаолиятни амалга оширадиган суфурталовчилар учун — 500 минг АҚШ долларига тенг бўлган суммани;

ҳаётни суфурталаш тармоғида фаолиятни амалга оширадиган суфурталовчилар учун — 750 минг АҚШ долларига тенг бўлган суммани;

мажбурий суфурталаш бўйича фаолиятни амалга оширадиган суфурталовчилар учун — 1000 минг АҚШ долларига тенг бўлган суммани;

факат қайта суфурталаш бўйича фаолиятни амалга оширадиган суфурталовчилар учун — 3000 минг АҚШ долларига тенг бўлган суммани ташкил этади.

11. Ҳаётни суфурталаш тармоғида суфурта фаолиятини амалга ошираётган суфурталовчи умумий суфурталаш тармоғида суфурта фаолиятини амалга оширишга ҳақли эмас, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган умумий суфурталаш тармоғининг айрим турлари (даражалари) бундан мустасно. Умумий суфурталаш тармоғида суфурта фаолиятини амалга ошираётган суфурталовчи ҳаётни суфурталаш тармоғида суфурта фаолиятини амалга оширишга ҳақли эмас.

Лицензияда суфурталовчи амалга оширишни мўлжаллаётган суфурта турлари (даражалари) кўрсатилади.

#### 12. Суфурталовчи қўйидаги хукуқларга эга:

қонун ҳужжатларида белгиланадиган тартибда ва шартларда суфурталаш (қайта суфурталаш) шартномаларини тузиш ва бажариш;

ўз мажбуриятларини белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикасидан ташқарида қайта суфурталаш;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланадиган тартибда ва шартларда инвестиция фаолиятини амалга ошириш;

суфурталаш (қайта суфурталаш) соҳасида мутахассисларнинг малакасини ошириш, шунингдек суфурта агенти сифатида суфурта воситачилиги билан боғлик бўлган фаолиятни амалга ошириш;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланадиган тартибда ва шартларда суфурта ҳодисалари юз беришининг олдини олиш ва огохлантириш чора-тадбирларини молиялаштириш;

қонун ҳужжатларига мувофиқ суфурталовчи томонидан амалга оширилаётган суфурта турлари бўйича қоидалар (шартлар)ни белгилаш;

хукуқни муҳофаза қилиш органлари, судлар, тибиёт, сейсмология, ветеринария, гидрометеорология ташкилотларидан ва бошқа ташкилотлардан суфурта товоғни миқдорини белгилаш учун зарур бўлган тегишли ахборот ва ҳужжатларни белгиланган тартибда сўраш ва олиш;

суурталаш ва қайта суурталаш брокерлари, суурталаш бозорининг бошқа профессионал катнашчилари билан тегишли шартномалар тузиш;

қонун хужжатларида ва ёки суурталаш (қайта суурталаш) шартномасида белгиланган холларда ва тартибда суурталаш товонини тиклашни рад этиш, суурталаш шартномасини муддатидан олдин бекор қилиш;

суурталаш (қайта суурталаш) шартномасида назарда тутилган тартибда суурталаувчи томонидан маълум қилинган ахборотни текшириш, суурталаувчи томонидан суурталаш шартномаси талаблари ва шартлари бажарилишини назорат қилиш;

хорижий суурталовчиларга сюрвейер ва аджастер хизматлари кўрсатиш;

илгари суурталовчи томонидан ўз эҳтиёжлари учун олинган ёки суурталаш шартномасини амалга ошириш натижасида унинг ихтиёрига берилган мол-мулкни сотиш ёки ижарага бериш;

Ўзбекистон Республикасининг рейтинг ташкилотлари ва хорижий рейтинг ташкилотлари рейтингини олиш;

ўзининг алоҳида бўлинмаларини ташкил этиш.

Суурталовчи қонун хужжатларида ва ўзи тузган шартномаларга мувофиқ бошқа хукуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

13. Суурталовчи қўйидагиларга мажбур:

суурталаш тартибидаги қонун хужжатларида реестрини юритиш;

қонун хужжатлари талабларига мувофиқ суурталаш тартибидаги олинган ахборотнинг махфийлигини таъминлаш;

ўзи ваколат берган суурталаш агентлари реестрини юритиш;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг талаби бўйича қонун хужжатларида белгиланган ахборотни тақдим этиш;

суурталаш ҳодисаси юз берганда қонун хужжатларида ёки суурталаш (қайта суурталаш) шартномасида назарда тутилган муддатларда барча зарур ҳисоб-китобларни амалга ошириш ва суурталаш тартибидаги олинган ахборотнинг махфийлигини таъминлаш;

фирманинг номи, ташкилий-хукукий шакли ёки жойлашган жойи ўзгарган тақдирда бу ҳақдаги ахборотни оммавий ахборот воситалари орқали суурталаувчилар эътиборига етказиш, ўзи бажараётган бир йилдан ортиқ муддатли суурталаш (қайта суурталаш) шартномаси бўйича эса — ёзма шаклда етказиш;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланадиган тартибда ва шартларда суурталаш тартибидаги олинган ахборотнинг махфийлигини таъминлаш;

қонун хужжатларида белгиланган тартибда ҳар йили мажбурий аудиторлик текширувидан ўтиш;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланган тартибда бир йилда камида бир марта актуар текширувдан ўтиш;

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланган шакллар бўйича, тартибда ва муддатларда йиллик молиявий ҳисоботни эълон қилиш;

қонун хужжатларида белгилантан тартибда бухгалтерия ҳисобини юритиш, молиявий, статистик, солик ахборотини ва бошқа ахборотни тузиш.

Суурталовчи қонун хужжатларида ва ўзи тузган шартномаларга мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам олиши мумкин.

14. Суурталовчилар сууртани амалга ошириш билан бевосита боғлиқ бўлмаган тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланишлари мумкин эмас, қонун хужжатларида ва мазкур Низомда назарда тутилган ҳоллар бундан мустасно.

+

-

### III. Суфурталаш ва қайта суфурталаш брокерлари

15. Суфурталаш брокери — суфурталанувчининг номидан ва унинг топшириғи бўйича суфурта шартномаси тузиш ва уни бажаришни ташкил этиш фаолиятини амалга оширадиган юридик шахс. Суфурталаш брокери фаолияти суфурта соҳасидаги фаолиятнинг бошқа турлари билан кўшиб олиб борилиши мумкин эмас, қайта суфурталаш брокерининг фаолияти бундан мустасно.

Қайта суфурталаш брокери — ўз номидан ва суфурталовчининг топшириғи бўйича қайта суфурталаш шартномасини тузиш ва бажаришни ташкил этиш фаолиятини амалга оширадиган, қайта суфурталаш шартномаси бўйича суфурталанувчи сифатида иш кўрадиган юридик шахс.

Суфурталаш ва қайта суфурталаш брокерлари суфурталовчиларнинг устав капиталларида қатнашишга ҳақли эмас.

16. Суфурталаш ва қайта суфурталаш брокерлари қуидаги ҳукуқларга эга:

ўз ваколатлари доирасида суфурталаш (қайта суфурталаш)нинг ҳар қандай тури бўйича воситачилик фаолиятини амалга ошириш;

суфурталовчидан лицензия мавжудлиги, устав фонди микдорлари, суфурта захиралари ва қабул қилинган мажбуриятлар тўғрисидаги маълумотларни, шунингдек унинг тўловга қодирлиги ва молиявий барқарорлигининг бошқа кўрсаткичларни олиш;

эксперт ва маслаҳат хизматлари кўрсатиш;

конун ҳужжатларида ва шартномада белгиланган бошқа ҳукуклар.

17. Суфурталаш ва қайта суфурталаш брокерлари қуидагиларга мажбур:

суфурта фаолияти тўғрисидаги конун ҳужжатларига риоя қилиш;

мижозларнинг сўровлари бўйича суфурта шартномаси тузиш ва бажариш бўйича тўлиқ, ишончли ва холисона ахборотни тақдим этиш;

мижознинг тижорат сири ва бошқа сирини ташкил этадиган маълумотларни ошкор қилмаслик;

суфурта битимлари ва операцияларини тузишда мустақиллик ва бетарафликка риоя қилиш;

конун ҳужжатларида ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни бажариш.

18. Суфурталаш (қайта суфурталаш) брокери ўзи билан суфурталанувчи ўртасида тузилган шартнома асосида хизматлар кўрсатади.

Суфурталаш (қайта суфурталаш) брокерлари хизматларига ҳақ тўлаш воситачилик тақдирлаш пули шаклида амалга оширилади, унинг микдори шартномада белгиланади.

19. Суфурталаш ва қайта суфурталаш брокерлари суфурта турлари бўйича тушунириш ишлари олиб борадилар, суфурталовчилар томонидан таклиф этилган дастурлар ва суфурталаш (қайта суфурталаш) шартларини уларнинг самарадорлиги юзасидан текширадилар ва улардан энг мақбул вариантни танлаб оладилар.

### IV. Суфурта агентлари

20. Суфурта агенти — суфурталовчининг номидан ва унинг топшириғи бўйича суфурта шартномаси тузиш ва уни бажаришни ташкил этиш фаолиятини амалга оширадиган юридик ёки жисмоний шахс.

Суфурталовчининг бошқарув органлари раҳбарлари суфурта агенти бўлиши мумкин эмас.

21. Суфурта агенти қўйидаги ҳуқуқларга эга:

суфурталовчи томонидан берилган ваколатлар доирасида, шу жумладан суфуртанинг мажбурий турлари бўйича суфуртанинг ҳар қандай тури бўйича воситачилик фаолиятини амалга ошириш;

суфуртага қабул қилинаётган суфурта таваккалчилигини баҳолашда, суфурта ходисаси юз берганда суфурта тўловини тўлашда ва шунингдек суфурталанувчи томонидан суфурта мукофоти тўлиқ ҳажмда ва суфурта шартномасида белгиланган муддатларда тўланишида зарур ёрдам бериш;

суфурталовчидан лицензия мавжудлиги, устав фонди микдорлари, суфурта захиралари ва қабул қилинган мажбуриятлар тўғрисидаги маълумотларни, шунингдек унинг тўловга қодирлиги ва молиявий барқарорлигининг бошқа кўрсаткичларни олиш;

суфурта шартномасини тузиш учун зарур хужжатларни (суфурта полисини) тайёрлаш ва расмийлаштириш;

суфурталанувчидан қабул қилиб олинаётган таваккалчиликлар тўғрисида суфурталовчига тўлиқроқ ахборот бериш мақсадида суфурталанувчининг шахсий ҳаётига халақит қилмасдан умумий маълум бўлган манбалардан таваккалчилик ва суфурталанувчи тўғрисидаги маълумотларни тўплаш;

қонун хужжатларида ва шартномада белгиланган бошқа ҳуқуқлар.

22. Суфурта агенти қўйидагиларга мажбур:

суфурта шартномаси тузишида ва суфурта товонини тўлашда хужжатларни, шунингдек суфуртага оид бошқа хужжатларни тўғри ва ўз вақтида расмийлаштиришга кўмаклашишга;

+                          -  
суфурта тарифлари, суфурталовчилар томонидан таклиф этилаётган суфурталаш шартлари, лицензия мавжудлиги, устав фонди микдорлари, суфурта захиралари ва қабул қилинган мажбуриятлар тўғрисидаги маълумотларни, шунингдек унинг тўловга кодирлиги ва молиявий барқарорлигининг бошқа кўрсаткичлари тўғрисидаги ахборотга эга бўлиш;

суфурта шартномасини расмийлаштиришда суфурталанувчи тўғрисидаги имкони бўлган ахборотларга эга бўлиш, унга суфурта таваккалчилигини пайсайтиришга ва суфурта ҳодисаси юз бериши эҳтимолини камайтиришга йўналтирилган аниқ чоратадбирларни амалга оширишни таклиф этиш;

ишида қонун хужжатлари, шу жумладан мазкур Низом талабларига қатъий амал қилиш;

суфурталанувчиларга уларнинг сўровлари бўйича суфурталашнинг амалдаги шартлари тўғрисида батафсил ва тўғри ахборот бериш;

суфурта хужжатларида назарда тутилган реквизитларни ўчириб ёзишга, тозалашга ва тузатишларга йўл қўймасдан тартибли ва аниқ тўлдирган холда суфурта шартномаларини янги муддатга тўғри тузиш ва ўз вақтида қайта расмийлаштириш;

белгиланган шакллар бўйича тузилган суфурта шартномалари ва олинган суфурта мукофоти суммалари хисобини юритиш;

суфурта хужжатларининг сакланишини таъминлаш;

мижознинг тижорат сирини ёки бошқа сирини ташкил этган ҳолатларга нисбатан махфийликни саклаш;

суфурталовчи томонидан суфурта шартномаси мобайнода таваккалчилик шартшароитлари жиддий равишда ўзгаришига тегишли ҳар қандай ахборот ўз вақтида олинишини, шунингдек суфурта эътиrozлари пайдо бўлганда ва уларни тартибга солиш жараённада суфурталовчи ва суфурталанувчи ўртасида ахборотларнинг ўз вақтида ва сифатли айирбошланишини таъминлаш;

тегишли битим мавжуд бўлган тақдирда суфурталовчининг топшириғи бўйича ва унинг ҳисобидан суфурта тўловлари тўланишини ташкил этиш;

конун хужжатларида ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни ба-жариш.

23. Суфурта агентлари ўз фаолиятини суфурталовчилар билан тузилган топши-рик шартномалари (агент битимлари) асосида амалга оширадилар.

Суфурта агенти ўз фаолиятини факат ўзи шартнома (агент битими) тузган суфурталовчининг реестрига киритилгандан кейин амалга ошириши мумкин.

Суфурта агентлари хизматларига ҳақ тўлаш суфурта агенти билан тузилган суфурта шартномаси бўйича суфурта мукофотлари (тўловлар)дан воситачилик та-диirlash пули шаклида амалга оширилади.

24. Қўйидагиларга:

суфурта агентлари томонидан тегишли лицензияларни олмаган суфурталовчи-лар номидан суфурта шартномалари тузилишига;

агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномаларида бошқача қоида-лар назарда тутилмаган бўлса, Ўзбекистон Республикаси ҳудудида белгиланган тартибда рўйхатга олинмаган хорижий суфурта ташкилотлари номидан суфурта шарт-номалари тузиш билан боғлик бўлган Ўзбекистон Республикаси ҳудудида суфурта бўйича суфурта агентларининг воситачилик фаолиятига йўл қўйилмайди.

25. Суфурта агентлари — жисмоний шахслар суфурта шартномалари бўйича ўз номларига, тўловлар амалга оширилганда эса яқин қариндошлари (отаси, онаси, хотини, эри, ўғли, қизи, опа-сингиллари ва ака-укалари) номига хужжатларни ёзишга, шунингдек ўз фойдасига суфурта шартномаси тузишга ва бунда ушбу суфурта шарт-номаси бўйича суфурта агенти сифатида иш кўришга ҳақли эмас.

+

## **V. Аджастер хизматлари кўрсатадиган юридик ва жисмоний шахслар (аджастерлар ва аджастер ташкилотлари)**

26. Аджастер ёки аджастер ташкилоти — бу суфурталовчининг топшириғи бўйича қўйидаги хизматларни кўрсатадиган тегишли равишда жисмоний ёки юри-дик шахс:

суфурта ҳодисаси юз бергандан кейин суфурта обьектини кўздан кечириш ва текшириш;

суфурта ҳодисасининг ҳолатлари ва таваккалчилик мажбуриятларини таҳлил қилиш;

суфурта обьекти шикастланиши сабабларини ва суфурта ҳодисаси мавжудлиги-ни аниқлаш;

суфурта ҳодисаси мавжуд бўлган тақдирда суфурta ҳодисаси оқибатида пайдо бўлган шикастланиш даражаси ва зарар миқдорини аниқлаш;

суфурталовчининг мажбуриятларидан келиб чиқиб тўланиши керак бўлган суфур-та товони суммасини аниқлаш;

суфурталовчи учун суфурта ҳодисаси бўйича эксперт хулоса тузиш.

Аджастер (аджастер ташкилоти) ўз фаолиятини суфурталовчи (суфурталанув-чи) билан тузилган шартномага мувофиқ амалга оширади.

27. Аджастер (аджастер ташкилоти) қўйидаги хукуқларга эга:

ўзи аджастер хизматлари кўрсатадиган суфурталовчи (суфурталанувчи)ни эр-кин танлаш;

суфурта воқеаси (суфурта ҳодисаси)ни ўрганиш учун суфурталовчи (суфурталана-нувчи)дан зарур ахборотни сўраш ва олиш;

сугурта ҳодисаси юз бергандан сўнг сугурта обьектини кўздан кечириш ва текшириш;

ўзи обьектни сиртдан кўздан кечирганлиги тўғрисидаги далолатномани расмийлаштириш (зарурият бўлганда техник воситаларни кўллаган ҳолда);

фаолияти сугурта обьектларига дахлдор бўлган давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларидан юридик аҳамиятга эга бўлган зарур маълумотларни белгиланган тартибда сўраш ва олиш;

қонун хужжатларида ва шартномада белгиланган бошқа хуқуқлар.

28. Аджастер (аджастер ташкилоти) қўйидагиларга мажбур:

тегишли билимларга эга бўлиш ёки ўз штатида тегишли профессионал билим ва кўнималарга эга бўлган мутахассисларга эга бўлиш;

сугурта хужжатлари сақланишини таъминлаш;

мижознинг тижорат сири ёки бошқа сирини ташкил этадиган ҳолатларга нисбатан маҳфийликни сақлаш;

маҳсус ўрганишни талаб этадиган маълумотларни тўғри ва ўз вақтида таҳлил қилиш учун мумкин бўлган чора-тадбирларни кўриш;

қонун хужжатларида ва шартномада белгиланган бошқа мажбуриятларни баражириш.

29. Аджастер хизмати кўрсатилиши натижалари эксперт хисобот шаклида расмийлаштирилади, ундан сугурталовчи томонидан заарларни тўлашда ва суд низоларини ҳал этишда фойдаланилиши мумкин.

Аджастер (аджастер ташкилоти)нинг эксперт хисоботидаги хулосалар мустақил сугурта экспертизаси давомида қайта кўриб чиқилиши мумкин.

+

-

## **VI. Актуар хизматлари кўрсатувчи юридик ва жисмоний шахслар (актуарлар ва актуар ташкилотлар)**

30. Актуарий ёки актуар ташкилот — бу тегишли равишда қўйидагиларни ўз ичига оладиган актуар хизматлар кўрсатувчи жисмоний ёки юридик шахс:

сугурта ҳодисаси юз беришининг математик жиҳатдан муқаррарлиги хисобини амалга ошириш, ҳам алоҳида таваккалчилик гуруҳларида, ҳам умуман жами сугурта бўйича зарар етказиш оқибатлари оғирлиги частоталари ва даражасини аниқлаш;

сугурталовчининг (қайта сугурталовчининг) зарур сугурта захиралари ва фондерини математик асослаш ва хисоблаш, уларни шакллантириш методларини ишлаб чиқиш;

сугурталовчи томонидан инвестициялар сифатида йигилган бадаллардан фойдаланишда капитал қўйиш нормаси ва нетто-ставка микдори ўртасидаги боғлиқлини белгилаш, бу тариф ставкаларини инвестиция даромади суммасига камайтиришга кўмаклашади;

сугурталаш жараёнини ташкил этиш учун зарур харажатларни асослаш ва сугурта хизматлари таннархини хисоблаш;

сугурталашнинг (қайта сугурталашнинг) ҳар бир тури бўйича тариф ставкаларини сугурталовчилар учун уларни ўтказишнинг узоқ муддатли ва қисқа муддатли характеристини хисобга олган ҳолда белгилаш;

сугурталовчининг (қайта сугурталовчининг) инвестиция фаолияти натижаларини актуар хисоблашдан фойдаланган ҳолда баҳолаш;

сугурталовчининг (қайта сугурталовчининг) даромадларини сугурталаш (қайта сугурталаш)нинг ҳар хил турлари бўйича режалаштириш.

Актуарий (актуар ташкилот) факат актуар фаолиятни амалга оширишга ҳақлидир.

Актуарий (актуар ташкилот) ўз фаолиятини сұғурталовчи билан тузилган шартномага мувофиқ амалга оширади.

31. Актуарий (актуар ташкилот) қүйидаги хукуқларга эга:

сұғурталовчилар билан актуар хизматлари күрсатиш бўйича мустақил равишда шартнома тузиш;

ишенчли актуар хулоса тузиш учун зарур бўлган барча ахборотлар сұғурталовчи томонидан тақдим этилмаган тақдирда актуар текшириш ўтказишни рад этиш;

актуар текшириш ўтказишида қатнашишга бошқа актуарийлар ва бошқа мутахассисларни белгиланган тартибда жалб этиш;

қонун хужжатларига ва шартномага мувофиқ бошқа хукуқлар.

32. Актуарий (актуар ташкилот) қүйидагиларга мажбур:

қонун хужжатлари талабларига риоя қилиш;

актуар текширишни амалга оширишда олинган ахборотнинг маҳфийлигига риоя қилиш;

актуар хулосада актуар ҳисоблашларнинг камчиликларини ва уларни бартараф этиш бўйича таклифларни акс эттириш;

қонун хужжатларига ва шартномага мувофиқ бошқа мажбуриятларни бажариш.

33. Актуарий, агар у актуар ташкилот штатида турган бўлса ёки унинг билан актуар ташкилот ўртасида фуқаролик — хукуқий тусдаги шартнома тузилган бўлса актуар текширишни ўтказишга жалб этилиши мумкин.

Актуарий актуар ташкилот олдида сифатсиз актуар текширувни ўтказиш, тижорат сирини ошкора қилиш ва актуар ташкилот учун зарар етказган бошқа хатти-харакатлар натижасида етказилган зарар юзасидан жавоб беради.

34. Актуарлар актуар хизматлари күрсатиш учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланган тартибда актуарий малака сертификатини олиши шарт.

Актуар ташкилотлар ўз штатида актуарий малака сертификатига эга бўлган камида 1 актуарга эга бўлиши керак.

35. Актуар ташкилот (актуарий) фаолияти натижалари ҳисбот тарзида расмийлаштирилади. Актуар ташкилот (актуарий) ҳисботидаги хулосалар мустақил экспертиза давомида қайта кўриб чиқилиши мумкин.

## **VII. Ассистанс хизматлари кўрсатувчи юридик ва жисмоний шахслар**

36. Ассистанс хизматлари кўрсатувчи юридик ва жисмоний шахслар сұғурталаш шартномаси доирасида сұғурталанувчиларга (сұғурталанган шахсларга, фойда кўрувчиларга) хамда сұғурталовчиларга техник, тиббий ва бошқа хизматлар кўрсатадилар, шунингдек уларга молиявий ёрдам кўрсатадилар.

Ассистанс хизматлари кўрсатувчи юридик ва жисмоний шахслар ўз фаолиятини сұғурталовчи билан тузилган шартномага мувофиқ амалга оширадилар.

Ассистанс хизматларига факат сұғурталовчилар томонидан, сұғурталанувчилар (сұғурталанган шахслар)нинг иштирокисиз ҳақ тўланади.

37. Ассистанс хизматлари кўрсатувчи юридик ва жисмоний шахслар қўйидаги хукуқларга эга:

сұғурталовчилар билан ассистанс хизматлари кўрсатиш бўйича мустақил равишида шартнома тузиш;

суфурталовчи томонидан асистанс хизматлари кўрсатиш учун зарур бўлган барча ахборотлар тақдим этилмаган тақдирда асистанс хизматлари кўрсатишни рад этиш;

асистанс хизматлари кўрсатишга зарур мутахассисларни белгиланган тартибда жалб этиш;

асистанс хизматлари кўрсатиш юзасидан шартномага мувофик мажбуриятларнинг бажарилишини талаб қилиш;

конун хужжатлари ва шартномада назарда тутилган бошқа хукуқлар.

38. Асистанс хизматлари кўрсатувчи юридик ва жисмоний шахслар қўйидагиларга мажбур:

суфурталанувчилардан (суфурталанган шахслардан) суфурта ходисалари (холатлари) тўғрисидаги хабарларнинг кеча-кундуз қабул қилинишини ташкил этиш ва суфурталанувчиларга (суфурталанган шахсларга) суфурта шартномаси доирасида, тақдим этилган суфурта полиси асосида зарур ёрдам кўрсатиш;

суфурталаш ҳолларини кўриб чиқиш ва тартибга солиш чора-тадбирларини кўриш;

суфурталанувчиларга (суфурталанган шахсларга) чақирув қабул қилинган вақтдан бошлаб имкони борича энг қисқа муддатларда зудлик билан зарур ёрдам ва хизматлар кўрсатишнинг ташкил этилишини таъминлаш;

конун хужжатларига ва шартномага мувофик бошқа мажбуриятни бажариш.

### **VIII. Сюрвейер суфурта хизматлари кўрсатувчи юридик ва жисмоний шахслар (суфурта сюрвейери)**

+

-

39. Суфурта сюрвейери — қўйидагилар бўйича хизматлар кўрсатувчи юридик ёки жисмоний шахс:

суфурта шартномаси тузилгунгача суфурта обьектини кўздан кечириш ва текшириш;

барча фактларни ва таваккалчилик холатларини таҳлил қилиш, суфурта шартномаси тузилгунгача таваккалчилик даражасини аниқлаш;

суфурталашнинг текширилаётган обьекти бўйича эксперт хулосаси тузиш.

Суфурта экспертизаси ўтказишга ваколатли суфурта сюрвейери мутахассислари (экспертлари)нинг иш тартиби суфурта сюрвейерининг ички хужжатларида белгиланади.

Суфурта сюрвейери ўз фаолиятини суфурталовчи (суфурталанувчи) билан тузиленган шартномага мувофик амалга оширади.

40. Суфурта сюрвейери қўйидаги хукуқларга эга:

хизматлар кўрсатиладиган суфурталовчини (суфурталанувчини) эркин танлаш;

суфурта обьектини ўрганиш учун суфурталанувчидан (суфурталовчидан) зарур ахборотларни сўраш ва олиш;

давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларидан, фаолияти суфурта обьектларига таалукли бўлган бошқа ташкилотлардан зарур маълумотларни сўраш ва олиш;

конун хужжатлари ва шартномада назарда тутилган бошқа хукуқлар.

41. Суфурта сюрвейери қўйидагиларга мажбур:

тегишли билимларга эга бўлиш ёки ўз штатида тегишли профессионал билимлар ва кўнимкамларга эга бўлган мутахассисларга эга бўлиш;

сюрвейер томонидан ўтказиладиган экспертизага дахлдор бўлган барча шахсларнинг хукуқларига риоя қилинишини таъминлаш;

экспертиза ўтказиш учун томонлар тақдим этган ҳужжатларнинг сақланишини таъминлаш;

мижознинг тижорат ёки бошқа сири бўлган фактларнинг махфийлигини сақлаш;

қонун ҳужжатларига ва шартномаган мувофиқ бошқа мажбуриятларни бажариш.

42. Суғурта сюрвейери фаолияти натижалари эксперт хисоботи тарзида расмийлаштирилади, ундан суғурталовчи (суғурталанувчи) томонидан суғурталаш (қайта суғурталаш) шартномасини тузишда фойдаланилиши мумкин.

Суғурта сюрвейерининг эксперт хисоботидаги хулосалар мустақил суғурта экспертизаси давомида қайта кўриб чиқилиши мумкин.

## **IX. Якуний қоидалар**

43. Суғурта бозорининг профессионал қатнашчилари ўз зиммасига олинган мажбуриятларнинг бажарилмаганлиги ёки зарур даражада бажарилмаганлиги учун Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

44. Суғурта фаолиятини амалга оширишнинг умумий шартлари, тавсия этилаётган суғурта битишувлари ва операциялари рўйхати, суғурта тарифлари, суғурталаш турлари ва муддатлари очиқ ахборот хисобланади ҳамда суғурталаш сири ва тижорат сири предмети бўлиши мумкин эмас.

45. Суғурталовчиларни қайта ташкил этиш ва тугатиш Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги руҳсати билан ҳамда қонун ҳужжатларида назарда тутилган тартибда амалга оширилади.

Суғурта бозорининг бошқа профессионал қатнашчиларини қайта ташкил этиш ва тугатиш қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда амалга оширилади.

+

## БЕШИНЧИ БЎЛИМ

ЎЗБЕКИСТОН СТАНДАРТЛАШТИРИШ, МЕТРОЛОГИЯ ВА  
 СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ  
 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАБИАТНИ МУХОФАЗА ҚИЛИШ ДАВЛАТ  
 ҚЎМИТАСИННИНГ  
 ҚАРОРИ

**159** Ўзбекистон Республикасига олиб кириладиган бензин ва дизель моторлари билан жиҳозланган «M2», «M3» ва «N2» тоифаларидаги янги автотранспорт воситаларини «Евро-2» экологик даражадан кам бўлмаган талабларга мувофиқлиги бўйича экологик сертификатлаштириш тартиби тўғрисидаги Вактинчалик йўриқномани тасдиқлаш хақида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил  
 7 апрелда 1670-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

+

*(2007 йил 17 апрелдан кучга киради)*

-

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 14 декабрдаги «Самарқанд автомобиль заводида ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш ва республика автотранспорт паркини янгилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-531-сон қарори ижросини таъминлаш ва Ўзбекистон Республикасининг «Табиатни муҳофаза қилиш тўғрисида», «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида», «Истеъмолчиликнинг хукуқларини химоя қилиш тўғрисида»ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 19 сентябрдаги «Экспорт-импорт операцияларини тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ПҚ-183-сон қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 19 апрелдаги «Экологик ҳавфли маҳсулотлар ва чиқиндиларни Ўзбекистон Республикасига олиб киришин ва уларни унинг худудидан олиб чиқиши тартибга солиш тўғрисида» 151-сон, 2004 йил 6 июлдаги «Маҳсулотларни сертификатлаштириш тартиботини содалаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 318-сон қарорларига мувофиқ, қарор қиласиз:

1. «Ўзбекистон Республикасига олиб кириладиган бензин ва дизель моторлари билан жиҳозланган «M2», «M3» ва «N2» тоифаларидаги янги автотранспорт воситаларини «Евро-2» экологик даражадан кам бўлмаган талабларга мувофиқлиги бўйича экологик сертификатлаштириш тартиби тўғрисида вактинчалик йўриқнома» иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. «Евро-2» экологик даражада талабларига мувофиқ бўлган «M2», «M3» ва «N2» тоифалардаги киритилаётган янги АТВ учун Ўзбекистон Республикасида Россия Федерациясининг заарарли моддалар чиқариш қисмига таалукли норматив хужжатлари 2007 йил 1 марта бошлаб, 2010 йил 1 январдан бошлаб эса, «Евро-3» талабларига мувофиқ қисми жорий қилинсин:

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й.*

- а) ГОСТ Р 41.24-2003;
- б) ГОСТ Р 41.49-2003;
- в) ГОСТ Р 41.83-2004;
- г) ГОСТ Р 51832-2001.

3. Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси хузуридаги Давлат экологик сертификатлаш, стандартлаштириш ва меъёrlаштириш Бош бошқармаси «Бошдавэкосертификат» Ўзбекистон Республикаси олиб кириладиган «М2», «М3» ва «N2» тоифаларидаги, бензин ва дизель моторлари билан жиҳозланган янги автотранспорт воситаларига экологик сертификатларни, ушбу автотранспорт воситалари томонидан заарли чиқариш даражаси «Евро-2» экологик даражадан кам бўлмаган талабларига мувофиқлигини тасдиқловчи экспорт қилувчи давлатлар томонидан АТВ ишлаб чиқишида «Евро-2» экологик даражадан кам бўлмаган талабларига риоя қилганликларини тасдиқловчи тегишли конунчиллик хужжатларини ёки мурожаат қилувчилар томонидан тақдим этилган хужжатларни тан олиш асосида берилишини таъминласин.

4. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилгандан сўнг, ўн кундан кейин амалга киритилади.

**«Ўзстандарт» агентлигининг  
Бош директори**

**Р. БЎРИЕВ**

Ташкент ш.,  
2007 йил 28 февраль,  
1-п-сон

**Табиатни муҳофаза қилиш  
давлат қўмитаси раиси**

**Б. АЛИХОНОВ**

Ташкент ш.,  
2007 йил 28 февраль,  
80-ТК-сон

«Ўзстандарт» агентлиги ва Табиатни  
муҳофаза қилиш давлат қўмитасининг  
2007 йил 28 февралдаги 1-п, 80-ТК-сон  
қарори билан  
ТАСДИҚЛАНГАН

**Ўзбекистон Республикаси олиб кириладиган бензин ва дизель  
моторлари билан жиҳозланган «М2», «М3» ва «N2»  
тоифаларидаги янги автотранспорт воситаларини «Евро-2»  
экологик даражадан кам бўлмаган талабларга мувофиқлиги  
бўйича экологик сертификатлаштириш тартиби тўғрисидаги  
ВАҚТИНЧАЛИК ЙЎРИҚНОМА**

Мазкур Вақтинчалик йўриқнома Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 14 декабрдаги «Самарқанд автомобиль заводида ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш ва республика автотранспорт паркини янгилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-531-сон қарори ва Ўзбекистон Республикасининг «Табиатни му-

хофаза қилиш тўғрисида», «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида», «Истеъмолчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 19 сентябрдаги «Экспорт-импорт операцияларини тартибга солишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» ПҚ-183-сон қарори ҳамда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 19 апрелдаги «Экологик ҳавфли маҳсулотлар ва чиқиндилаштириш тартибина солиш тўғрисида» 151-сон, 2004 йил 6 июлдаги «Маҳсулотларни сертификатлаштириш тартиботини соддалаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 318-сон қарорларига мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси олиб кириладиган бензин ва дизель моторлари билан жихозланган «M2», «M3» ва «N2» тоифаларидаги янги автотранспорт воситаларини «Евро-2» экологик даражадан кам бўлмаган талабларга мувофиқлиги бўйича экологик сертификатлаштириш тартибини белгилайди.

## I. Умумий қоидалар

1. Мазкур Вактинчалик йўрикнома Ўзбекистон Республикаси, Ташки иқтисадий фаолият товар рақами (ТР ТИФ) 8703 ва 8705 кодларига тўғри келадиган маҳсус транспорт воситаларидан ташқари, юридик ва жисмоний шахслар томонидан олиб кириладиган бензин ва дизель моторлари билан жихозланган ҳамда «Евро-2» экологик даражадан кам бўлмаган меъёрларга мувофиқ бўлган «M2», «M3» ва «N2» тоифалардаги янги автотранспорт воситаларига татбиқ этилади.

2. Ушбу ҳужжатда қўйидаги атама ва тушунчалар қўлланилмоқда:

**АТВ** — автотранспорт воситаси;

**АТВ чиқиндилари** — таркибида заарли (ифлослантирувчи) моддалар (углерод оксиди ( $\text{CO}$ ), углеводород ( $\text{C}_m\text{H}_n$ ) азот оксиди ( $\text{NO}_x$ ) ва дисперс бўлакчалари мавжуд бўлган, АТВнинг ички ёнув двигатели ишлаб чиқарган газлар ва ёнилғининг буғланиши натижасида хосил бўлган заарли (ифлослантирувчи) моддалар;

**буюртмачи** — юридик ёки жисмоний шахс;

**дизель** — сиқилиши натижасида ёниш тамойилига асосланган мотор;

**ифлослантирувчи модда** — атроф муҳит ва инсон соғлиғига зарар етказиши мумкин бўлган модда;

**ички ёнув мотори** — бензин ёки газ ёнилғисига ишлайдиган, мажбурий тартибида ёқиладиган мотор;

**МХ** — меъёрий ҳужжатлар;

**синов цикли** — ўрнатилган режимда (ESC синови) ҳамда оралиқ режимларда (ETC, ELR синови) мотор айланма вакти ва белгиланган айланма тезлигига амалга ошириладиган синовларнинг давомли серияси;

**экологик сертификатлаш органи** — Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси хузуридаги экологик сертификатлаш, стандартлаштириш ва меъёрлаштириш Бош давлат бошқармаси «Бошдавэкосертификат» (бундан бўён экологик сертификатлаш органи);

**янги автотранспорт воситаси** — ишлаб чиқарилганига уч йилдан ошмаган АТВ;

**«M2» тоифасидаги транспорт воситалари** — йўловчилар ташиш учун мўлжалланган моторли автотранспорт воситалари бўлиб, хайдовчи ўриндиғидан ташқари 8 тадан кўп ўриндиқка эга бўлган ва максимал оғирлиги 5 тоннадан кам бўлган ёки шундай русумдаги автотранспорт воситалари базасида ташкил этилган

ҳайдовчи ўриндигидан ташқари 3 — 8 ўриндиққа эга бўлган ва тўлиқ оғирлиги автомобилни базавий русумига тенг бўлган транспорт воситалари;

**«М3» тоифасидаги транспорт воситалари** — ҳайдовчи ўриндигидан ташқари 8 тадан кўп ўриндиққа эга бўлган ва максимал оғирлиги 5 тоннадан кўп бўлган автотранспорт воситалари;

**«N2» тоифасидаги транспорт воситалари** — максимал оғирлиги 3,5 тоннадан кўп ва 12 тоннадан кам бўлган автотранспорт воситалари;

**«Евро» экологик даражаси** — зарарли чиқинди чиқариш даражаси «Евро-2», «Евро-3», «Евро-4» ва «Евро-5» экологик даражага талабларига жавоб берадиган АТВ хусусиятларини ифодаловчи таснифловчи код.

## II. Экологик сертификат бериш тартиби

3. «M2», «M3» ва «N2» тоифаларидаги АТВ «Евро-2» экологик даражадан кам бўлмаган талабларга мувофиқлигини тасдиқлаш учун бензин ва дизель моторлари билан жиҳозланган ушбу тоифадаги АТВ, «Ўзстандарт» агентлигига қонунчиликда белгиланган тартибда аккредитация қилинган экологик сертификатлаш органи томонидан экологик сертификатлаштирилади.

4. Экологик сертификат бериш учун зарур бўлган хужжатлар рўйхати:

жисмоний шахслардан:

экологик сертификатлаш органи номига буюртма (1-илова) (имзо ва сана билан);

транспорт воситаси паспорти (ёки маълумотнома-счёт) (ишлаб чиқариш санаси, тақдим этилган хужжатни берилган санаси);

буюртмачининг паспорт нусхаси;

Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасига етиб келганлиги ҳақида белги қўйилган товар-йўл хужжати нусхаси (товар-транспорт юк хати, инвойс, счёт-фактура);

АТВ «Евро-2» экологик даражадан кам бўлмаган талабларга мувофиқлигини тасдиқловчи хужжатлар (хулоса, сертификат, гувоҳнома) нусхаси (мавжуд бўлганда);

юридик шахслардан:

экологик сертификатлаштириш органи номига буюртма (1-илова) (имзо ва сана билан);

Ўзбекистон Республикаси божхона чегарасига етиб келганлиги ҳақида белги қўйилган товар-йўл хужжати нусхаси (товар-транспорт юк хати, инвойс, счёт-фактура);

транспорт воситаси паспорти (ёки маълумотнома-счёт) (ишлаб чиқариш санаси, тақдим этилган хужжатни берилган санаси);

АТВ «Евро-2» экологик даражадан кам бўлмаган талабларга мувофиқлигини тасдиқловчи хужжатлар (хулоса, сертификат, гувоҳнома ва бошқа асослар) нусхаси (мавжуд бўлганда).

5. Экологик сертификатлаш органи экологик сертификатни (2-илова) журналда рўйхатдан ўтказиб, 10 кундан ошмаган муддатда беради.

6. Экологик сертификатлаштиришда муайян маҳсулотга бўлган МХдан ташқари, маҳсулотларга талаблар белгиловчи норматив-ҳуқуқий хужжатларга, буюртмачида мавжуд бўлган қўшимча хужжатларни (сифат сертификати, синов баённомалари, экологик сертификатлар (хулосалар), етказиб берувчининг техник хужжатлари) инобатга олган ҳолда амал қилишлари мумкин.

7. Буюртмачи экологик сертификатни бериш тўғрисида буюртмани кўриб чиқиш учун тақдим этиладиган маълумотларнинг ишончлилиги учун тўлиқ жавобгардир.

8. Экологик сертификат бериш (ёки беришни рад этиш) учун экологик сертификатлаштириш органи:

буюртмада тақдим этилган хужжатларни кўриб чиқади ва таҳлил қиласди;

божхона пости ёки омбор вакиллари ва/ёки буюртмачининг бошқа вакиллари иштирокида АТВ идентификация қиласди (3-илова);

сиқилиши натижасида ёнувчи ва ички ёниш моторли транспорт воситалари учун ўрнатилган ифлослантирувчи моддаларни ажралиб чиқиш меъёрларига АТВ кўрсат-кичлари мувофиқлигини таҳлил қиласди;

экологик сертификат бериш тўғрисида қарор қабул қиласди ёки уни беришни рад этиш ҳакида асослантирилган ёзма хабарнома беради.

9. Экологик сертификатни буюртмачининг ишончли вакили олиши мумкин. Бунда:

жисмоний шахс томонидан буюртма берилганда, сертификатни ишончли вакил томонидан олиши мумкинлигини тасдиқловчи буюртмачининг нотариал тасдиқланган ишончнома нусхаси;

юридик шахс томонидан буюртма берилганда, сертификатни ишончли вакил томонидан олиши мумкинлигини тасдиқловчи буюртмачининг ишончномаси тақдим этилиши лозим.

10. Экспорт қилаётган мамлакатда АТВ ишлаб чиқишида «Евро-2» талабларини мазкур давлат худудида жорий қилиш ҳакида қонунчилик хужжатини (ишлаб чиқарувчи завод томонидан АТВ ишлаб чиқиш вақтида) қабул қилингандиги, экологик сертификат бериш учун асос бўлиб хисобланади.

11. Экспорт қилаётган мамлакатда (АТВ ишлаб чиқарилган давлат) «Евро-2» экологик даражадан кам бўлмаган талаблар қабул қилингандигини тақдиқловчи маълумотлар мавжуд бўлмаса, экологик сертификат АТВ «Евро-2» экологик даражадан кам бўлмаган меъёрларга мувофиқлигини тасдиқловчи хужжатларни тан олиш орқали берилади:

экологик сертификат ёхуд келиб чиқиш, сифат ёки мувофиқлик сертификати; ишлаб чиқарувчи завод ёки унинг ваколатли вакилининг АТВ «Евро-2» экологик даражадан кам бўлмаган талабларига мувофиқлигини тасдиқловчи расмий хати;

1958 йил 20 марта «Механик транспорт воситалари қисмлари ва ускуна жихозларини ўзаро тан олиш ва расмий тасдиқлашнинг бир хил шартларини қабул қилиш тўғрисида»ги Женева келишувининг тарафлари бўлмиш давлатларнинг маъмурий органлари томонидан берилган транспорт воситаси турини расмий тасдиқлашга таалукли бўлган маълумоти;

ишлаб чиқарувчининг синов лаборатория (марказ)лари синов баённомалари; «M2», «M3» ва «N2» тоифаларида АТВнинг «Евро-2» экологик даражадан кам бўлмаган меъёрларга мувофиқлигини тасдиқловчи бошқа техник хужжатлар.

12. Экологик сертификат божхона органига АТВни божхонада расмийлаштириш мақсадида берилади.

13. Буюртмани кўриб чиқсанлик, сертификатлаштириш ишлари жараёнларини амалга оширганлик ва экологик сертификат берганлик ёки беришни рад этганлик учун буюртмачи ва экологик сертификатлаш органи томонидан тузилган шартномага мувофиқ, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан қонунчиликда белгиланган тартибда экологик сертификатлаштириш учун декларация қилинган тарифлар асосида хизмат ҳақи ундирилади.

14. Экологик сертификат қўйидагилар мавжуд бўлганда ҳақиқий деб хисобланади:

экологик сертификатлаш органи муҳри ва имзосининг асли;  
экологик сертификатни журналда рўйхатга олинган номери ва санаси.

15. Мазкур Вақтингчалик йўриқнома талаблари бузилганда, шунингдек идентификация натижасида олиб кирилаётган АТВни «M2», «M3» ва «N2» тоифаларига мувофиқ эмаслиги аниқланганда, буюртмачига экологик сертификат беришни рад этиш бўйича асослантирилган ёзма хабарнома берилади.

16. Кўрсатилган масалалар бўйича юзага келган низолар, Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига белгиланган тартибда кўриб чиқилади.

### III. Якуний қоидалар

17. Мазкур Вақтингчалик йўриқнома Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона кўмитаси билан келишилган.

*Давлат божхона қўмитаси  
раиси*

*С. НОСИРОВ*

*Ташкент ш.,  
2007 йил 26 февраль*

+  
Ўзбекистон Республикаси олиб кириладиган бензин ва дизель моторлари билан жиҳозланган «M2», «M3» ва «N2» тоифаларидаги янги автотранспорт воситаларини «Евро-2» экологик даражадан кам бўлмаган талабларга мувофиқлиги бўйича экологик сертификатлаштириш тартиби тўғрисидаги  
Вақтингчалик йўриқномага  
1-ИЛОВА

—  
(экологик сертификатловчи орган номи)

—  
(экологик сертификатловчи орган манзили)

### Экологик сертификатлаштиришни ўтказиш бўйича Б У Ю Р Т М А

буюртмачининг номи (ишлаб чиқарувчи завод, етказиб берувчи ёки якка тартибдаги тадбиркорнинг Ф.И.Ш.)

—  
(буюртмачининг манзили, алоқа телефони)

—  
(раҳбар Ф.И.Ш.) ТОМОНИДАН

мурожаат этиб \_\_\_\_\_  
(олиб кириш, автотранспорт воситаси номи, тоифаси, ТР ТИФ коди,

—  
*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й.*

---

сони, неча дона ёки қанчалиги)

меъёрий хужжат асосида \_\_\_\_\_  
(меъёрий хужжатнинг номланиши)

талабларига мос келади

(меъёрий хужжатлар ракамлари ва номи)

ва автотранспорт тоифаси \_\_\_\_\_ кўрсатилган хужжатлар  
(автотранспорт воситаси тоифаси кўрсатилсин)

талабларига мос келишини экологик сертификатлаштиришни ўтказиб беришингиз-  
ни сўрайди

Кўшимча маълумотлар \_\_\_\_\_  
(бошқа хужжатлар кўрсатилади)

---

---

Буюртмачи \_\_\_\_\_  
(шахсий имзо)

(Ф.И.Ш.)

«\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ 200\_\_\_\_ й.  
M.Ў.

+

-

Ўзбекистон Республикасига олиб кириладиган бензин ва дизель моторлари билан жиҳозланган «M2», «M3» ва «N2» тоифаларидаги янги автотранспорт воситаларини «Евро-2» экологик даражадан кам бўлмаган талабларга мувофиқлиги бўйича экологик сертификатлаштириш тартиби тўғрисидаги Вактинчалик йўриқномага  
2-ИЛОВА

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ТАБИАТНИ МУХОФАЗА  
КИЛИШ ДАВЛАТ ҚЎМИТАСИ**

**ЭКОЛОГИК СЕРТИФИКАТЛАШТИРИШ ТИЗИМИ**

**000000 - сонли**

(экологик сертификатлаштириш органининг номи ва юридик манзили)

**Э К О Л О Г И К С Е Р Т И Ф И К А Т**

200\_\_ йил «\_\_\_\_» \_\_\_\_\_ да

\_\_\_\_\_ сон билан қайд қилинди.

+

Божхонада расмийлаштиришдан ўтиш давригача хақиқиётдир.

Ушбу сертификат, экологик сертификатлаштирилладиган обьект \_\_\_\_\_

(экологик сертификатлаштириши тизимида обьектнинг номланиши)

нинг лозим равишдаги идентификацияга жавоб бериши ва меъёрий-услубий жиҳатлари \_\_\_\_\_

(меъёрий хужжатлар номи)

\_\_\_\_\_ меъёрий ва хукуқий хужжатлар талабига жавоб беради.

Сертификат эгаси хақида маълумот: \_\_\_\_\_

(номи ва юридик манзили)

\_\_\_\_\_ Телефон рақами: \_\_\_\_\_ Факс: \_\_\_\_\_

Махсулот ёки хизматнинг экологик сертификатлаштиришдаги қўлланилган талаблар: \_\_\_\_\_

(маҳсулот ва хизматга доир текширув, кузатув ёки меъёрий хужжатлар таҳлили)

Изоҳ: Экологик сертификат, берилганлик шартларига амал қилинмаган такдирда, сертификатлаштириш органи томонидан бекор қилиниши мумкин.

**Сертификатлаштириш органининг раҳбари**

M. й.

\_\_\_\_\_

(имзо)

\_\_\_\_\_

(исми-шарифи, отасининг исми)

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й.*

Ўзбекистон Республикасига олиб кириладиган бензин ва дизель моторлари билан жиҳозланган «M2», «M3» ва «N2» тоифаларидаги янги автотранспорт воситаларини «Евро-2» экологик даражадан кам бўлмаган талабларга мувофиқлиги бўйича экологик сертификатлаштириш тартиби тўғрисидаги Вактинчалик йўриқномага  
З-ИЛОВА

(экологик сертификатловчи орган номи)

(экологик сертификатловчи орган манзили)

### **Идентификация далолатномаси**

1. Автотранспорт воситасининг номланиши \_\_\_\_\_  
(русуми, ишлаб чиқарилган йили, кузов,

двигатель ва шассиси номери, автотранспорт ранги)

2. Автотранспорт воситаси эгасининг номи, унинг юридик манзили \_\_\_\_\_

+

-

3. Автотранспорт воситасининг келиб чиқиши \_\_\_\_\_

(давлат номи, ишлаб чиқарувчи завод)

4. Қанча миқдори \_\_\_\_\_

5. Автотранспорт тоифаси \_\_\_\_\_

Хуносалар:

Тақдим этилган техник маълумоти ва ёзувлари орқали автотранспорт воситаси идентификация қилинди (идентификация қилиниши мумкин эмас) \_\_\_\_\_

\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_  
\_\_\_\_\_

**Экологик сертификатлаштириш  
органи вакили**  
М.П.

(имзо)

(Ф.И.Ш.)

**Божхона пости ёки  
омборхона вакили**

(имзо)

(Ф.И.Ш.)

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й.*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ МУЛКИ ҚЎМИТАСИ ҲУЗУРИДАГИ  
ҚИММАТЛИ ҚОҒОЗЛАР БОЗОРИ ФАОЛИЯТИНИ МУВОФИҚЛАШТИРИШ ВА  
НАЗОРАТ ҚИЛИШ МАРКАЗИ БОШ ДИРЕКТОРИНИНГ  
БҮЙРУФИ

**160 Қимматли қоғозлар бозори иштирокчилари томонидан ошкор этилиши шарт бўлган ахборотларни «Биржা» газетасида марказлаштирилган тарзда нашр этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил  
7 апрелда 1671-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2007 йил 17 апрелдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 27 сентябрдаги «Қимматли қоғозлар бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-475-сонли карори билан тасдиқланган 2006-2007 йилларда қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш Дастиурининг 2.5-бандига, шунингдек Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1996 йил 30 марта 126-сонли қарори билан тасдиқланган «Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш Маркази тўғрисида»ги низомга мувофиқ **буюраман:**

- 1. Қимматли қоғозлар бозори иштирокчилари томонидан ошкор этилиши зарур бўлган ахборотларни «Биржা» газетасида марказлаштирилган тарзда нашр этиш тартиби тўғрисидаги низом иловага мувофиқ тасдиқлансин.
- 2. Ушбу бўйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатига олинган кундан ўн кун ўтгач амалга киритилсин.

**Қимматли қоғозлар бозори  
фаолиятини мувофиқлаштириш  
ва назорат қилиш маркази  
Бош директори**

**К. ТОЛИПОВ**

Тошкент ш.,  
2007 йил 1 март,  
2007-02-сон

Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази  
Бош директорининг 2007 йил 1 март  
2007-02-сон бўйруғи билан  
ТАСДИҚЛАНГАН

**Қимматли қоғозлар бозори иштирокчилари томонидан ошкор этилиши шарт бўлган ахборотларни «Биржа» газетасида марказлаштирилган тарзда нашр этиш тартиби тўғрисида НИЗОМ**

Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси «Қимматли қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисида», «Қимматли қоғозлар бозорининг фаолият кўрсатиш механизми тўғрисида», «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисида», «Қимматли қоғозлар бозорида инвесторларнинг ҳуқуқларини химоя қилиш тўғрисида»ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Қимматли қоғозлар бозорини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2006 йил 27 сентябрдаги ПҚ-475-сон қарори, Қимматли қоғозлар бозори иштирокчилари томонидан ахборотларни очиш тўғрисидаги низомга (2002 йил 18 апрель, рўйхат раками 1127 — Меъёрий ҳужжатлар ахборотномаси, 2002 йил 8-сон) асосан, қонун ҳужжатларига мувофиқ ошкор этилиши шарт бўлган ахборотларни «Биржа» газетасида марказлаштирилган тарзда нашр этиш тартибини белгилайди.



## I. Умумий қоидалар



1. Мазкур Низомда қўйидаги тушунчалардан фойдаланилади:  
**марказлаштирилган тарзда нашр этиши** — қонун ҳужжатларига мувофиқ қимматли қоғозлар бозори иштирокчилари томонидан ошкор этилиши шарт бўлган ахборотларни «Биржа» газетасида нашр этилиши;  
**қимматли қоғозлар бозоридаги ахборот (бундан кейинги ўринларда ахборот деб юритилади)** — қонун ҳужжатларига мувофиқ қимматли қоғозлар бозори иштирокчилари томонидан ошкор этилиши шарт бўлган хабар ва фактик маълумотлар мажмуи;  
**қимматли қоғозлар бозорини тартибга солиши бўйича ваколатли давлат органи** — Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази;  
**«Биржа» газетаси** — қонун ҳужжатларига мувофиқ қимматли қоғозлар бозори иштирокчилари томонидан ошкор этилиши шарт бўлган ахборотларни марказлаштирилган тарзда нашр этилиши учун босма нашри;  
**бюортма** — қимматли қоғозлар бозори иштирокчисининг «Биржа» газетасида ошкор этилиши шарт бўлган ахборотларни нашр этиш учун ёзма мурожаати.  
 2. Ахборотларни «Биржа» газетасида нашр этиш орқали ошкор этиши шарт бўлган қимматли қоғозлар бозорининг иштирокчилари бўлиб:  
 қимматли қоғозлар эмитентлари;  
 қонун ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда, инвесторлар ҳисобланади.  
 Қимматли қоғозлар бозорининг бошқа иштирокчилари ахборотларни «Биржа» газетасида нашр этиш орқали ошкор қилишга ҳақлидир.  
 3. Ахборотлар «Биржа» газетасида давлат тилида, эҳтиёжларни ҳисобга олган ҳолда эса, тақдим этилган эълон матнидаги бошқа тилларда ҳам нашр этилади.

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й.*

4. Ахборотларни нашр этиш учун тўловлар миқдори тузилган шартномага мувофиқ белгиланади.

5. «Биржа» газетаси томонидан нашр этиш учун олинадиган тўловларнинг энг юқори миқдори, шунингдек газетани сотилиш нархи «Биржа» газетаси томонидан қонун хужжатларида ўрнатилган тартибда белгиланади.

6. «Биржа» газетасининг сони ҳафтасига камида уч марта чиқарилиши ва республиканинг барча вилоятларига тарқатилиши лозим.

## **II. Ахборотларни нашр этиш учун буюртмалар бериш тартиби**

7. Ахборотларни нашр этиш бўйича қимматли қофозлар бозори иштирокчиси ва «Биржа» газетаси ўртасида ахборот хизмати кўрсатиш шартномаси тузилади.

8. Қимматли қофозлар бозори иштирокчилари ахборотларни ошкор этилиши учун қонунчиликда белгиланган муддатда «Биржа» газетасининг буюртмаларни қабул қилиш шохобчасига эълон матнининг қофоз ва электрон кўринишлари илова қилинган буюртмани беришлари лозим.

Магнит нусхада жойлашган эълон матни қофоз кўринишида тақдим этилган маълумотларга мувофиқ бўлиши зарур.

9. Ахборотларнинг нашр этилишига буюртма бериш шаклига бўлган талаблар «Биржа» газетаси томонидан ўрнатилади.

10. Юридик шахс бўлган қимматли қофозлар бозори иштирокчиларининг ахборотлари, унинг ваколатли мансабдор шахси имзоси ва қимматли қофозлар бозори иштирокчисининг асосий муҳри билан тасдиқланган фирмा бланкида ёзма шаклда тақдим этилади.

Жисмоний шахс бўлган қимматли қофозлар бозори иштирокчиларининг ахборотлари, қимматли қофозлар бозори иштирокчиси имзоси билан ёзма шаклда тақдим этилади.

11. Ахборотлари «Биржа» газетасида нашр этилиши лозим бўлган буюртмачиларнинг рўйхати, буюртмалар келиб тушган сана ва унга илова қилинган эълонлар матни бўйича шакллантирилади ҳамда «Биржа» газетасининг ваколатли мансабдор шахси томонидан тасдиқланади.

12. «Биржа» газетасига келиб тушган қимматли қофозлар бозори иштирокчиларининг буюртмаларида акс эттирилган ахборотлар:

«Биржа» газетасининг навбатдаги сонини териш муддати тугагунга қадар берилган бўлса — навбатдаги сонида нашр этилади;

«Биржа» газетасининг навбатдаги сонини териш муддати тугаганидан сўнг берилган бўлса — газетанинг кейинги навбатдаги сонида нашр этилади.

«Биржа» газетаси ҳар бир сонида «Биржа» газетаси сонини нашр этишга териш муддати тугатилишининг аниқ вақтини кўрсатиши шарт.

## **III. «Биржа» газетасининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

13. «Биржа» газетаси:

қимматли қофозлар бозори иштирокчиларидан фактат тўғри расмийлаштирилган буюртмаларни ва эълонлар матнини тақдим этилишини талаб қилишга;

қимматли қофозлар бозори иштирокчилари билан келишилган ҳолда эълон матни ва ҳажмига тузатишлар киритиши;

қонун хужжатларида назарда тутилган бошқа ҳуқуқларга эга бўлишга хақли.

14. «Биржа» газетаси:

республиканинг барча вилоятларида ахборотларни нашр этиш учун буюртмаларни қабул қилиш шоҳобчаларини ташкил этишга;

газета сонларини ҳафтасига камида уч марта чиқарилишини таъминлашга;

келиб тушган буюртмалар бўйича нашр этишни шартнома тузилганидан сўнг амалга оширишга;

«Биржа» газетасининг ҳар бир сонини киоскалар тармоғи ва вақтли матбуотни тарқатувчилар орқали етказишни таъминлашга;

ахборотларни нашр этиш учун келиб тушган буюртмалар ҳисобини юритишга;

тўғри расмийлаштирилиб тақдим этилган буюртмалар ва эълон матнига асосан ахборотларни газетада нашр этишга;

қимматли қофозлар бозори иштирокчилари томонидан «Биржа» газетасида нашр этиш учун тақдим этилган эълон матнини, нашр этиш учун белгиланган муддатларда «Биржа» газетаси веб-сайтининг «корпоратив бошқарув» бўлимида бепул жойлаштиришга;

қимматли қофозлар бозори иштирокчиларининг барча буюртмаларини қабул қилиш ва сақлаш бўйича ички назоратни таъминлашга;

нашр этиш учун тақдим этилган буюртмалар ва эълонлар матнини камида уч йил сақлашга;

икки қунлик муддатда қимматли қофозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органини қимматли қофозлар бозори иштирокчилари томонидан ахборотлар қонун хужжатларида белгиланган муддатлар бузилган ҳолда нашр қилинганлиги тўғрисида хабардор қилишга;

қимматли қофозлар бозори иштирокчилари томонидан ахборотларни нашр этилиши тўғрисидаги тегишли маълумотларни қимматли қофозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи сўрови бўйича тақдим этишга;

қонун хужжатларида белгиланган бошқа мажбуриятларга риоя этишга мажбурий.

+

-

#### **IV. Қимматли қофозлар бозори иштирокчиларининг ахборотларни ошкор этишдаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

15. Қимматли қофозлар бозори иштирокчилари ахборотларни ошкор этишда:

шартнома асосида эълон шрифти, ранги ва ҳажмини белгилашга, бунда шрифтнинг энг кичик ҳажми 8 дан кичик бўлмаслиги лозим;

«Биржа» газетасидан эълонни, белгиланган муддатларда тақдим этилган эълон матнидаги тилда нашр этилишини талаб қилишга;

«Биржа» газетасининг айби билан ахборотлар ўз вақтида нашр этилмаганлиги туфайли етказилган зарарни қоплашни талаб қилишга;

қонун хужжатларида белгиланган бошқа ҳуқуқларга эга бўлишга ҳақлидир.

16. Қимматли қофозлар бозори иштирокчилари ахборотларни ошкор этишда:

ахборотлар матнини тегишли шаклда тақдим этишга;

қонун хужжатларида белгиланган ҳолларда нашр этилиши шарт бўлган молиявий ҳисботларни қимматли қофозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органи томонидан белгиланган шаклда тақдим этишга;

ишенчсиз ахборотларни нашр этиш ҳолатлари аниқланганда раддия (тузатишлар) чоп этилишини талаб қилишга;

қонунчиликка мувофиқ ошкор этиладиган ахборотлар нашрлари ҳисобини юритишига;

эълон нашр этишга берилган буюртмалар «Биржа» газетаси томонидан қабул

қилиш ноқонуний равишида рад этилган ҳолатлар тўғрисида оқилона муддатда қимматли қофозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органини хабардор этишга;

«Биржা» газетасининг айби билан ахборотлар муддатларга риоя этилмаган ҳолда нашр этилиши ҳолатлари тўғрисида оқилона муддатда қимматли қофозлар бозорини тартибга солиш бўйича ваколатли давлат органини хабардор этишга;

қонун ҳужжатларида белгиланган бошқа мажбуриятларга риоя этишга мажбурдир.

#### V. Якуний қоидалар

17. Қимматли қофозлар бозори иштирокчиларининг ахборотлари реклама хисобланмайди.

18. Тақдим этилган ахборотларнинг ишончлилиги учун жавобгарлик қимматли қофозлар бозори иштирокчиси зиммасига юкландади.

Қимматли қофозлар бозори иштирокчиси томонидан тақдим этилган ахборотларга мос келмаган ахборотларни нашр этганлик учун жавобгарлик «Биржা» газетаси зиммасига юкландади.

19. «Биржা» газетаси қимматли қофозлар бозори иштирокчилари томонидан тақдим этилган ахборотлар бўйича хисобнинг тўлиқлигини ва маълумотлар элекtron базасини юритилишини таъминлайди.

20. Мазкур Низом Ўзбекистон Республикаси Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси раиси в.б.

*Б. УЛАШОВ*

*Монополиядан чиқариш, рақобат*

*ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш*

*давлат қўмитаси раиси в.б.*

*Тошкент ш.,  
2007 йил 20 февраль*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ  
 ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИҚТИСОДИЁТ ВАЗИРЛИГИ  
 ЎЗБЕКИСТОН «ЎЗКОММУНХИЗМАТ» АГЕНТЛИГИНИНГ  
 ҚАРОРИ

**161** Умумий мол-мулкни, ер участкасини ва хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатининг мол-мулкини сақлаш бўйича жой мулкдорларининг мажбурий бадалларини шакллантиришда харажатлар таркибини аниқлаш ҳамда уй-жой фондига хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш бўйича пудрат ташкилотларининг хизматлари учун рентабелликнинг чекланган даражасини жорий этиш бўйича низомни тасдиқлаш тўғрисида

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил  
 10 апрелда 1672-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2007 йил 20 апрелдан кучга киради)*

Ўзбекистон Республикасининг «Хусусий уй-жой мулкдорлари тўғрисида»ги Конуни ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 30 майдаги 100-сон «Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатининг Намунавий уставини ҳамда хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати билан кўп квартирали уйдаги турар жойга мўлжалланмаган бино мулкдори ўртасидаги Намунавий шартномани тасдиқлаш тўғрисида»ги қарорига мувофиқ **қарор қиласиз:**

1. Илова қилинаётган Умумий мол-мулкни, ер участкасини ва хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатининг мол-мулкини сақлаш бўйича жой мулкдорларининг мажбурий бадалларини шакллантиришда харажатлар таркибини аниқлаш ҳамда уй-жой фондига хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш бўйича пудрат ташкилотларининг хизматлари учун рентабелликнинг чекланган даражасини жорий этиш бўйича низомни тасдиқланисин.

2. Ушбу қарор Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатидан ўтказилганидан кейин ўн кундан сўнг кучга киради.

3. Ушбу қарор кучга кирган кундан бошлаб, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Макроиктисодиёт ва статистика вазирлиги ҳамда Ўзбекистон «Ўзкоммунхизмат» агентлигининг 2001 йил 14 августдаги 72, 4-2-7/23, 014-1/832-сон «Турар-жойнинг 1 м.кв умумий майдонини сақлаш ва эксплуатация қилиш тарифларини шакллантиришда харажатлар таркибини аниқлаш ҳамда рентабелликнинг чекланган даражасини жорий этиш бўйича низомни тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори (2001 йил 19 сентябрь, рўйхат раками 1068 — Меъёрий хужжатлар ахборотномаси, 2001 йил, 18-сон) ўз кучини ўйқотган деб хисобланисин.

**Молия вазири**

**Р. АЗИМОВ**

Тошкент ш.,  
 2006 йил 25 декабрь,  
 104-сон

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й.*

**Иқтисодиёт вазири****Б. ХОДЖАЕВ**

Тошкент ш.,  
2006 йил 25 декабрь,  
17-сон

**«Ўзкоммунхизмат» агентлиги  
бош директори**

**У. ХОЛМУХАМЕДОВ**

Тошкент ш.,  
2006 йил 25 декабрь,  
01-1371-сон

Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги,  
«Ўзкоммунхизмат» агентлигининг 2006 йил  
25 декабрдаги 104, 17, 01-1371-сон  
каори билан  
ТАСДИҚЛАНГАН

**Умумий мол-мулкни, ер участкасини ва хусусий  
уй-жой мулкдорлари ширкатининг мол-мулкини сақлаш  
бўйича жой мулкдорларининг мажбурий бадалларини  
шакллантиришда харажатлар таркибини аниқлаш ҳамда уй-жой  
фондига хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш бўйича пурдат  
ташкилотларининг хизматлари учун рентабелликнинг чекланган  
даражасини жорий этиш бўйича  
НИЗОМ**

Ушбу Низом Ўзбекистон Республикасининг «Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари тўғрисида»ги Қонунига (ЎР ҚҲТ, 2006 й., 15-сон, 122-модда), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2001 йил 17 апрелдаги ПФ-2832-сон «Коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида иқтисодий ислоҳотларни чуқурлаштиришнинг янги босқичи тўғрисида»ги Фармонига (ЎР ҚҲТ, 2001 й., 8-сон), Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 10 февралдаги ПҚ-3-сон «Уй-жой мулкдорлари ширкатлари фаолиятини такомиллаштириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарорига (ЎР ҚҲТ, 2005 й., 5-6-сон, 30-модда), 2005 йил 11 февралдаги ПҚ-5-сон «Коммунал хизматлар тарифларининг асоссиз равишда ўсиб кетишига йўл қўймаслик ҳамда улар учун ўз вактида ва тўлиқ хисоб-китоб қилиниши учун истеъмолчиларнинг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига (ЎР ҚҲТ, 2005 й., 5-6-сон, 30-модда), 2006 йил 25 июлдаги ПҚ-425-сон «1991 йилгача қурилган кўп хонадонли турар жой биноларининг умумфойдалана-диган жойлари ва муҳандислик коммуникациялари капитал таъмирланишини якунлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига (ЎР ҚҲТ, 2006 й., 30-сон, 291-модда), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сон «Махсулот (ишлар, хизматлар)ни ишлаб чиқариш ва сотиш харажатлари таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги қарорига (ЎР ҚТ, 1999 й., 2-сон, 9-модда), 2006 йил 12 апрелдаги 64-сон «Хусусий уй-жой мулкдорларининг ширкатларини янада ривожлантириш ва турар жойларга хизматлар кўрсатишнинг аниқ бозорини шакллантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига (ЎР ҚҲТ, 2006 й., 15-сон, 127-модда) ва 2006 йил

30 майдаги 100-сон «Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатининг Намунавий уставини ҳамда Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкати билан кўп квартирали уйдаги турар жойга мўлжалланмаган бино мулкдори ўртасидаги Намунавий шартномани тасдиқлаш тўғрисида»ги карорига (ЎР ҚҲТ, 2006 й., 22-сон, 196-модда) асосан умумий мол-мулкни, ер участкасини ва хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатининг мол-мулкини сақлаш бўйича жой мулкдорларининг мажбурий бадалларини шакллантиришда харажатлар таркибини аниқлаш ҳамда уй-жой фондига хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш бўйича пудрат ташкилотларининг хизматлари учун рентабелликнинг чекланган даражасини жорий этиш тартибини белгилайди.

### I. Умумий қоидалар

1. Хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатини (бундан буён матнда ХУЖМШ деб юритилади) ташкил этишдан мақсад уй-жой фондини биргаликда бошқариш ҳамда уни сақлаш, асраш ва таъмирлашни, кўп квартирали уйдаги турар жой мулкдорларининг умумий мол-мулкидан (бундан буён матнда умумий мол-мулк деб юритилади) фойдаланишни таъминлашдан иборат.

2. Кўп квартирали уйдаги хусусий турар жой мулкдорлари (бундан буён матнда жой мулкдорлари деб юритилади) умумий мол-мулкни сақлаш бўйича умумий харажатларни биргаликда зиммаларига олишга мажбур. Жой мулкдорининг умумий харажатлардаги улуси уйнинг умумий майдонидаги мулкдорга қарашли жой майдонига нисбатан мутаносиб равишда белгиланади.

3. Кўп квартирали уйдаги нотурап жой мулкдори ҳам умумий мол-мулкка нисбатан улушли мулк иштироқчиси ҳисобланади ва умумий мол-мулкни сақлаш ва таъмирлаш бўйича умумий харажатларни зиммасига олишга мажбур.

4. Умумий харажатлар умумий мол-мулкни, уйлар яқин атрофидаги худудларни (ер участкаларини) ва ХУЖМШнинг мол-мулкини сақлаш билан боғлиқ бўлган харажатларни ўз ичига олади.

5. Кўп квартирали уйлардаги турар жой ва нотурап жой мулкдорларининг умумий мол-мулкига уйнинг умумий жойлари (холлар, болалар аравачалари жойлари, чиқинди камералари ва бошқалар), таянч ва тўсик қурилмалар (деворлар, бостирмалар, пойдеворлар), квартиralар оралиғидаги ихоталанган (ўралма) пилла-поя, (йўлак ичидаги, ташқарисидаги, йўлакка киришдаги) зинапоялар, лифтлар, лифтнинг шахталари ва бошқа шахталар (вентиляция шахталари, чиқинди шахталари ва бошқалар), даҳлизлар, чердаклар ва томлар, техник қаватлар ва ертўлалар, уй ичидаги муҳандислик тармоқлари ва коммуникациялари, жойлар ташқарисида ёки ичида жойлашган ва биттадан ортиқ жойга хизмат кўрсатадиган механик, электр, санитария-техника ускуналари ва курилмалари ҳамда бошқа ускуналар ва курилмалар киради.

Умумий мол-мулкdan ажратилган ҳамда ХУЖМШнинг маблағлари ҳисобига ва қонун хужжатларида таъқиқланмаган бошқа йўллар билан қўлга киритилган мол-мулклар ХУЖМШнинг мол-мулки ҳисобланади.

6. Умумий мол-мулкни сақлаш умумий мол-мулкни техникавий ва санитария жиҳатдан яхши ҳолатини таъминлашга қаратилган ва ушбу мол-мулкни сақлаш ва улардан фойдаланишга зарур шарт-шароитлар яратишга йўналтирилган бошқарув, техник ва санитария ҳолатини сақлаб туриш, хизмат кўрсатиш, таъмирлаш ва бошқа фаолиятни ўз ичига олади.

7. Даромадлар ва харажатларнинг йиллик сметасини тузиш ҳамда мажбурий бадалларни аниқлаш чофида умумий мол-мулкни, ер участкасини ва ХУЖМШ мол-

мулкини бошқариш функцияларини (ХУЖМШ бошқаруви, бошқарувчи (ижрочи директори), ҳар қандай ташкилий ҳуқукий шаклдаги юридик шахс — бошқарувчи ташкилот томонидан) амалга ошириш бўйича ширкат аъзолари умумий йиғилиши қабул қилган қарордан келиб чиқсан холда бошқарув харажатлари шакллантирилади.

8. Шунингдек, умумий мол-мулкка, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш элементлари мавжуд бўлган ер участкасига ва ХУЖМШ мол-мулкига хизмат кўрсатиш ва уларни таъмирлаш функцияларини (ХУЖМШ, жой мулкдорлари, пудратчилар — юридик ёки жисмоний шахслар томонидан) амалга ошириш бўйича ХУЖМШ аъзолари умумий йиғилиши қабул қилган қарорга асосан ХУЖМШ даромадлари ва харажатларининг йиллик сметасини тузиш ҳамда мажбурий бадалларни аниқлаш чоғида хизматлар кўрсатиш ва таъмирлаш харажатлари шакллантирилади.

Пудратчилар (ХУЖМШга шартнома бўйича хизмат кўрсатувчи ихтисослаштирилган бошқарувчилари — хизмат кўрсатиш ташкилотлари) умумий мол-мулкка хизмат кўрсатиш ва уларни таъмирлаш ишларини ХУЖМШ, бошқарувчи (ижрочи директор) ёки бошқарувчи ташкилот билан тузиладиган шартнома асосида амалга оширади.

9. ХУЖМШ, бошқарувчи (ижрочи директор) ёки бошқарувчи ташкилотлар кўп квартирали уйнинг умумий мол-мулкига хизмат кўрсатиш, уларни таъмирлаш ва саклаш бўйича харажатларни аниқлашда Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралдаги 54-сонли қарори билан тасдиқланган «Маҳсулотлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисида низом» (ЎР ҚХТ, 2006 й., 2-сон, 9-модда), ушбу Низом, Ўзбекистон «Ўзкоммунхизмат» агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва бошқа вазирликлар ва идораларнинг тегишли норматив-хуқуқий ҳужжатлари ва услубий ҳужжатларига амал қиласди.

10. Харажатларни камайтиришни рафбатлантириш мақсадида ХУЖМШ, бошқарувчи (ижрочи директор) ёки бошқарувчи ташкилот билан тузиладиган шартнома асосида умумий мол-мулкка хизмат кўрсатиш ва уларни таъмирлаш ишларини амалга оширувчи пудратчилар (юридик ва жисмоний шахслар) ушбу хизматларга тарифларни шакллантиришда рентабелликнинг (соф фойданинг ишлаб чиқариш таннархига нисбати) чекланган даражасини 10 фоиздан кўп бўлмаган микдорда белгилайдилар.

ХУЖМШ томонидан жой мулкдорларига кўрсатиладиган пуллик хизматларга тарифларни шакллантиришда ҳам рентабелликнинг чекланган даражаси 10 фоиздан кўп бўлмаган микдорда белгиланади.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 25 июлдаги ПҚ-425-сон «1991 йилгача қурилган кўп хонадонли турар жой биноларининг умумфойдаланиладиган жойлари ва муҳандислик коммуникациялари капитал таъмирланишини яқунлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига мувофик ХУЖМШ, ХУЖМШнинг ихтисослаштирилган бошқарувчилари — хизмат кўрсатиш ташкилотлари, улар томонидан уй-жой фондига хизмат кўрсатиш ва уларни таъмирлаш бўйича кўрсатила-диган хизматлар учун 2007 йилнинг 1 январидан 2010 йилнинг 31 декабригача бўлган муддатда барча турдаги солиқлар, йиғимлар ва бюджетга, давлат мақсадли фон드리 ҳамда Мактаб таълими жамғармасига, ягона ижтимоий тўловдан ташқари, мажбурий ажратмалар тўлашдан қилинган, шу муносабат билан даромадлар ва харажатлар сметасини тузиш ва мажбурий бадалларни аниқлаш чоғида солиқлар, йиғимлар ва мажбурий ажратмаларга харажатлар хисобга олинмайди.

12. Турар жойларга хизмат кўрсатиш ва уларни таъмирлаш ишларини амалга

оширувчи пудратчи ташкилотлар (ХУЖМШга шартнома бўйича хизмат кўрсатувчи ихтисослаштирилган бошқарувчилари — хизмат кўрсатиш ташкилотлари)нинг уйжой эксплуатация хизматларига тарифларни тасдиқлаш ёки қайта кўриб чиқиш чорида тарифнинг ошган қисмининг 10 фоизи уларнинг даромади хисобидан копланади.

13. Пудратчи ташкилотлар томонидан ХУЖМШнинг умумий мол-мулкига техник хизматлар кўрсатиш ва уларни бошқариш шартномалари хамда турар жойларни ижарага олиш шартномалари уй-жой фондларини таъмирлаш, сақлаш ва бошқариш харажатларига киритилган ва уй-жой фондларини таъмирлаш, сақлаш ва бошқаришни амалга оширувчи корхоналар хизматларига тарифни шакллантиришда кўзда тутилган ишлар (кўрсатиладиган хизматлар)нинг турлари ва ҳажмлари рўйхатини ўзида акс эттириши керак.

14. ХУЖМШ даромадлар ва харажатларнинг йиллик сметасини тузишда мажбурий равища уйларни ва уйлар яқин атрофидаги худудларнинг техник ва санитария ҳолатларини баҳолаш пайтида аниқланган техник хизмат кўрсатиш, таъмирлаш, умумий мол-мулкни ва уйлар яқин атрофидаги худудларни (ХУЖМШ ер участкасини) санитария ҳолатини сақлаб туриш, умум фойдаланиш жойларини ободонлаштириш бўйича ишлар (хизматлар)нинг, уларнинг ҳажмларини кўрсатган ҳолда, тўлиқ рўйхатларини ҳам тузади.

15. Агарда, ХУЖМШга бир неча (икки ва ундан ортиқ) уйларнинг жой мулкдорлари бирлашган бўлса, бунда ҳар бир алоҳида уйнинг умумий мол-мулкининг техник ҳолатидан, уларга хизматлар кўрсатиш, уларни таъмирлаш ва сақлаб туриш бўйича ишлар (хизматлар)нинг турлари ва ҳажмларидан келиб чиқсан ҳолда ҳар бир уй учун мажбурий бадаллар ҳар хил миқдорларда белгиланиши мумкин.

16. Ҳар бир уйнинг жой мулкдорларининг мажбурий бадаллари куйидагилардан ташкил топади:

- а) ҳар бир алоҳида уйнинг умумий мол-мулкига хизмат кўрсатиш, уларни таъмирлаш ва сақлаш харажатлари;
- б) умумий ер участкаларини ободонлаштириш, уларни сақлаш ва бошқариш бўйича барча уйларга тегишли бўлган ва ХУЖМШнинг барча аъзоларига тақсимланадиган харажатлар (маъмурӣ) харажатлар.

Мазкур банднинг «б» кичик бандида кўзда тутилган харажатлардан келиб чиқсан ҳолда хисобланган мажбурий бадалларнинг бир қисми ХУЖМШнинг ҳамма аъзолари учун бир хил хисобланади.

17. ХУЖМШ аъзоларининг мажбурий бадаллари миқдори ХУЖМШ аъзоларининг умумий йиғилиши қарори билан белгиланади.

18. Умумий мол-мулкни, ер участкасини ва ХУЖМШ мол-мулкини сақлаш бўйича жой мулкдорларининг мажбурий бадалларини шакллантиришда харажатлар сметасига киритилган ишлар ҳамда кўрсатиладиган хизмат турлари бўйича харажатларнинг хисоб-китоби мажбурий равища амалга оширилади.

19. Умумий мол-мулкни, ер участкасини ва ХУЖМШ мол-мулкини сақлаб туриш бўйича жой мулкдорларининг мажбурий бадалларни тўлаш бўйича якуний хисоб-китоби ҳақиқатда бажарилган ишлар ҳажми, уларнинг сифати ва бажариш муддатлари тўғрисидаги маълумотлар асосида йил тугагандан сўнг амалга оширилади. Асосланган харажатлар мавжуд бўлганда тўловлар қайта хисоб-китоб қилинади: бунда тўловларнинг етмай қолган қисми хисобот йилидан кейинги даврда мажбурий бадалларни шакллантиришда хисобга олинади, ахолидан олинган ортиқча тўловлар эса келгусидаги тўловларга хисоб-китоб қилинади.

20. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 5 февралда

ги 54-сонли қарори билан тасдиқланган «Махсулотлар (ишлар, хизматлар) ишлаб чиқариш ва сотиш харажатларининг таркиби ҳамда молиявий натижаларни шакллантириш тартиби тўғрисидаги низом»га мувофиқ барча харажатлар қўйидагиларга гурухланади:

- а) маҳсулот (ишлар, хизматлар)нинг ишлаб чиқариш таннархига киритиладиган харажатлар;
- б) асосий фаолиятнинг фойдасида ҳисобланадиган давр харажатларига киритиладиган харажатлар;
- в) умумхўжалик фаолиятидан олинган фойда ёки зарарни ҳисоблашда хисобга олинадиган молиявий фаолият бўйича харажатлар;
- г) даромад (фойда) солиги тўлагунга қадар фойда ёки зарарни ҳисоблашда хисобга олинадиган фавқулодда харажатлар.

## **II. ХУЖМШНИНГ ЎЙ-ЖОЙ ФОНДИНИ САҚЛАШ ВА ТАЪМИРЛАШ БЎЙИЧА ХИЗМАТЛАРНИ ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА СОТИШ ХАРАЖАТЛАРИ ТАРКИБИ**

21. Махсулот ва хизматларнинг ишлаб чиқариш таннархига киритиладиган харажатлар уларнинг иқтисодий мазмунига кўра қўйидаги элементлар билан гурухларга ажратилади:

- ишлаб чиқариш моддий харажатлари (қайтариладиган чиқитлар қиймати чиқариб ташланган холда);
- ишилаб чиқариш хусусиятига эга бўлган меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари;
- ишлаб чиқаришга тегишли бўлган ижтимоий суфуртага ажратмалар;
- + асосий фонdlар ва ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган номоддий активлар амортизацияси;
- ишилаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган бошқа харажатлар.

### **§ 1. ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИЛАН БОҒЛИК МОДДИЙ ХАРАЖАТЛАР**

22. Ишлаб чиқариш билан боғлиқ моддий харажатларга қўйидагилар тегишли бўллади:

- а) уй-жой фондини сақлаш ва таъмирлаш бўйича ишларни бажаришда, хизматлар кўрсатишида зарур таркибий қисм ҳисобланган четдан сотиб олинадиган хом ашё ва материаллар.

Прогноз учун таннархни калькуляция қилишда материалларнинг тасдиқланган меъёрий сарфи бўйича моддий харажатлар хисобга олинади;

- б) уй-жой фондини меъёр даражасида сақлаш ва таъминлашни таъминлаш учун ишлар, хизматларни ишлаб чиқариш жараённида фойдаланиладиган харид қилинадиган материаллар, шунингдек асбоб-ускуналарни тузатиш учун эҳтиёт қисмлар, инвентарларнинг, хўжалик буюмларининг ва асосий воситаларга кирмайдиган бошқа меҳнат воситаларининг қиймати;

в) сотиб олинадиган, келгусида ушбу хўжалик юритувчи субъектда монтаж қилинадиган ёки қўшимча ишлов бериладиган бутловчи буюмлар ва ярим тайёр маҳсулотлар;

- г) четдан сотиб олинадиган ёнилгининг барча турлари, хўжалик юритувчи субъектларнинг транспорти томонидан бажариладиган ишлаб чиқаришга хизмат кўрсатиш бўйича транспорт хизматлари;

д) сотиб олинадиган энергиянинг барча турлари (уй-жой фондини умумий

фойданиш жойларини ёритиш, лифт хўжалигини ва уй хўжалигининг электр ускуналарини ишлашини таъминлаш учун электр энергияси), иситиш тизимларини ювиш ва иситиш мавсумига тайёрлаш учун ишлатиладиган сув;

е) ташқи юридик ва жисмоний шахслар томонидан бажариладиган ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган ишлар ва хизматлар (кўча чиқиндиларини олиб кетиш, хандакларни тозалаш, кўп квартирали турар жой уйларнинг ертўлаларига кимёвий ишлов бериш);

ж) ХУЖМШ, бошқарувчи (ижрочи директор) ёки бошқарувчи ташкилот билан тузилган шартномага асосан умумий мулкка хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш бўйича пудратчиларнинг (ХУЖМШ шартномаси бўйича хизмат кўрсатувчи ихтиносослаштирилган бошқарувчилари — хизмат кўрсатувчи ташкилотлар) иш ва хизматлари;

23. «Моддий харажатлар» элементи бўйича акс эттириладиган моддий ресурслар киймати сотиб олиш нархидан, қўшимча нарх (устама)дан, таъминот, ташқи иқтисодий ташкилотлар томонидан тўланадиган воситачилик тақдирлашларидан, товар биржалари хизматлари кийматидан, шу жумладан, брокерлик хизматларидан, божлар ва йиғимлардан, солиқлардан (корхона кейинчалик қарз суришиш, масалан, қўшилган қиймат солиги тарзида кайтариб оладиганлардан ташқари), транспортда ташишга ҳақ тўлашдан, ташқи юридик шахслар томонидан амалга ошириладиган сақлаш ва етказиб беришга ҳақ тўлашдан келиб чиқиб шаклланади.

## § 2. Ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари

+

-

24. Ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари — бу уй-жой фондини сақлаш ва хизмат кўрсатишда қатнашувчи ишлаб чиқариш ходимларининг (ховли тозалигига қаровчи ходимлар ва фаррошлар, чиқинди камералари ва чиқинди узатгичларини тозаловчилар, таъмирлаш бригадаларининг ишчилари, лифтчилар ва лифтга диспетчерлик хизмати операторлари, режали жорий таъмирлаш бўйича ишчилар, чакирувлар бўйича носозликлар ва аварияларни бартараф этиш ишларида банд бўлган ишчилар, юкловчилар ва ҳ. к.) меҳнатига ҳақ тўлаш билан боғлиқ бўлган харажатларидир.

25. Ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари таркибига қўйидаги моддалар киритилади:

корхонада қабул қилинган меҳнатга ҳақ тўлаш шакллари ва тизимларига мувоффик бажарилган нархномалар, тариф ставкалари ва лавозим маошларидан келиб чиқиб амалга оширилган, амалда бажарилган иш учун ишлаб чиқариш хусусиятига эга бўлган ҳисобланган иш ҳаки, шу жумладан, хўжалик юритувчи субъектни мукофотлаш тўғрисидаги низомларда назарда тутилган рағбатлантирувчи тусдаги тўловлар;

иш режими ва меҳнат шароитлари билан боғлиқ бўлган компенсация тусидаги тўловлар, шу жумладан:

а) технологик жараён жадвалида назарда тутилган тунги вақтда, ишдан ташқари вактда, дам олиш ва байрам (ишланмайдиган) кунларда ишланганлик учун тариф ставкалари ва окладларга устамалар ва қўшимча ҳак;

б) кўп сменали режимда ишлаганлик, касбларни бирга қўшиб олиб борганлик ва хизмат кўрсатиш зоналарини кенгайтирганлик учун устамалар;

в) Республика Хукумати томонидан тасдиқланган касблар ва ишлар рўйхати бўйича оғир, заарли, алоҳида заарли меҳнат ва табиий-иқлим шароитларида иш-

лаганлик учун устамалар, шу жумладан, ушбу шароитлардаги узлуксиз иш стажи учун устамалар:

ишлиларга тош, бетон ва темир-бетон конструкцияларда механизациялашган ускунани татбиқ этган холда тешик, туйнук, ариқча, токча ҳосил қилишда;

сувоқчиларга юза қисмга қоришмани суваш ва текислаш ишларини қўлда бажаришда, қўлда ёки пневматик ускуна татбиқ этган холда бетонли юзада чуқурчалар ҳосил қилишда;

г) меҳнатга ҳақ тўлашнинг районлар бўйича тартибга солинишига, шу жумладан, район коэффициентлари ва қонун хужжатларига мувофиқ чўл, сувсиз ва юқори тоғ жойларида ишлаганлик учун коэффициентлар билан белгиланган тўловлар;

д) ишланмаган вакт учун ҳақ тўлаш:

қонун хужжатларига мувофиқ навбатдаги (хар йилги) ва қўшимча таътиллар, навбатдаги (хар йилги) фойдаланилмаган ва қўшимча таътиллар учун компенсациялар, ўсмирларнинг имтиёзли соатлари, болани овқатлантириш учун оналар ишидаги танаффуслар, шунингдек, тиббий кўриклардан ўтиш билан боғлиқ вакт учун ҳақ тўлаш;

донор ходимларга қонни текшириш, топшириш кунлари учун ва қон топширилган хар бир кундан кейин бериладиган дам олиш кунлари учун ҳақ тўлаш;

давлат вазифаларини бажарганлик учун (харбий йигинлар, фавқулодда вазиятлар бўйича йигинлар ва бошқалар) меҳнат ҳақи тўлаш.

26. Белгиланган тартибга мувофиқ ишлаб чиқариш жараённида қатнашувчи ходимлар меҳнатига ҳақ тўлаш фондига киритиладиган тўловларнинг бошқа турлари.

+

### **§ 3. Ишлаб чиқаришга тегишли бўлган ижтимоий суғуртага ажратмалар**

27. Қонун хужжатлари билан белгиланган меъёрлар бўйича меҳнатга ҳақ тўлаш фондига ижтимоий тусдаги мажбурий ажратмалар.

### **§ 4. Асосий воситалар ва ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган номоддий активлар амортизацияси**

28. Асосий воситалар ва ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган номоддий активлар амортизацияси бўйича харажатлар таркибига қўйидагилар киради:

а) асосий фонд (шу жумладан фойдаланиш муддатига мувофиқ лизинг бўйича сотиб олинган)ларнинг дастлабки (тиклиш) қийматидан фоизларда ҳисобланган амортизация ажратмалари суммаси;

б) ишлаб чиқариш аҳамиятига эга бўлган номоддий активлар (Гудвилл (фирманинг нархи)дан ташқари) эскириши ҳар ойда хўжалик юритувчи субъект томонидан дастлабки қиймати ва улардан фойдаланиш муддатидан (бироқ хўжалик юритувчи субъект фаолияти муддатидан ортиқ бўлмаган) келиб чиқиб ҳисобланадиган меъёр бўйича маҳсулот (ишлар, хизматлар) таннархига тегишли бўлади. Фойдаланиш муддатини аниқлаш имкони бўлмаган номоддий активлар бўйича эскириш меъёри беш йил ҳисобига белгиланади, бироқ хўжалик юритувчи субъект фаолияти муддатидан ортиқ эмас.

### § 5. Ишлаб чиқариш тусидаги бошқа харажатлар

29. Ишлаб чиқариш тусидаги бошқа харажатларни хисобга олишнинг навбатдаги комплекс моддалари мазкур бобнинг 1 — 4-параграфларида келтирилган харажатлар элементлари бўйича ажратилади:

Ишлаб чиқариш жараёнига хизмат кўрсатиш харажатлари:

а) ишлаб чиқариши хом ашё, материаллар, ёнилғи, энергия, инструмент, мосламалар ва бошқа меҳнат воситалари ва буюмлари билан таъминлаш харажатлари;

б) асосий ишлаб чиқариш фонdlарини иш холатида сақлаш харажатлари (техник кўрик ва қаров, ўртacha, жорий ва мукаммал тузатиш харажатлари). Асосий ишлаб чиқариш воситаларини барча турда (жорий, ўртacha, мукаммал) тузатишларни хўжалик юритувчи субъектнинг ўз кучи билан ўтказиш ишлаб чиқариш харажатларининг тегишли элементлари (моддий харажатлар, меҳнат ҳаки тўлаш харажатлари ва бошқалар) бўйича маҳсулот (ишлар, хизматлар) таннархига киритилади;

в) ёнфидан сақлаш ва қўриқлашни ҳамда хўжалик юритувчи субъектларнинг техникавий фойдаланиш қоидалари билан назарда тутилган бошқа маҳсус талабларни таъминлаш, улар фаолиятини назорат қилиш харажатлари.

Идорадан ташқари кўриқлаш харажатлари бундай кўриқлаш мавжуд бўлишини талаб қилувчи мазкур ишлаб чиқаришга маҳсус талаблар мавжуд бўлган тақдирда маҳсулот (ишлар, хизматлар) таннархига киритилиши мумкин.

г) ишлаб чиқариш жараёнига тегишли бўлган бошқарувнинг техник воситаларини, алоқа узелларини, сигнализация воситаларини, бошқарувнинг бошқа техник воситаларини, хисоблаш марказларини сақлаш ва уларга хизмат кўрсатиш харажатлари;

д) белгиланган меъёрлар доирасидаги ишлаб чиқариш ходимларини ишлаб чиқариш жараёнига тегишли бўлган хизмат сафарларига юбориш бўйича харажатлар.

е) ишлаб чиқариш жароҳатлари туфайли меҳнат қобилияти йўқолиши муносабати билан тегишли ваколатли идораларнинг қарорлари асосида ва қарорларисиз тўланадиган нафақалар. Касб касаллиги туфайли тўланадиган нафақалар.

ж) умумий фойдаланиладиган ўловчилар транспорти хизмат кўрсатмайдиган йўналишларда ходимларни иш жойига олиб бориш ва олиб келиш билан боғлик харажатлар.

### III. Давр харажатлари

30. Давр харажатларига бевосита ишлаб чиқариш жараёни билан боғлик бўлмаган харажатлар ва сарфлар: бошқарув харажатлари, маҳсулотни сотиш харажатлари ва умумхўжалик аҳамиятига эга бўлган бошқа харажатлар киради.

31. Мажбурий бадалларни шакллантиришда зарурий фойдани аниқлашда «Давр харажатлари»нинг қўйидаги моддалари хисобга олинади.

#### § 1. Хизматларни сотиш харажатлари

32. Хизматларни сотиш харажатларига қўйидагилар киради:

- а) белгиланган меъёрлар доирасидаги реклама харажатлари;
- б) тушум инкассациясини юритиш чиқимлари;

в) сотиш бўйича бошқа харажатлар.

## § 2. Маъмурий харажатлар

33. Маъмурий харажатларга қўйидагилар киради:

- а) мазкур Низомнинг II боби 2-параграфида санаб ўтилган бошқарув ходимларига тегишли бўлган меҳнатга ҳақ тўлаш харажатлари;
- б) бошқарув ходимларининг иш ҳақи фондига нисбатан қонунчиликда белгиланган меъёрлар доирасидаги ижтимоий суфуртага мажбурий ажратмалар;
- в) хўжалик юритувчи субъект ва унинг таркиби бўлинмаларини ташкил этиш ва уларни бошқариш харажатлари;
- г) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1999 йил 2 апрелдаги 154-сон қарорига мувофиқ бюджет ташкилотлари учун белгиланган йўл босиши лимити доирасидаги хизмат енгил автотранспорти ва хизмат микроавтобусларини саклаш, ёллаш ва ижарага олиш харажатлари;
- д) бошқарувнинг техник воситалари, алоқа узеллари, сигнализация воситалари, ҳисоблаш марказларини ва ишлаб чиқаришга тегишли бўлмаган бошқарувнинг бошқа техник воситаларини саклаш ва уларга хизмат кўрсатиш харажатлари;
- е) маҳаллий тармоқлар ва интернетдан фойдаланиш билан боғлиқ бўлган телекоммуникациялар хизматлари учун ҳақ тўлаш;
- ж) белгиланган меъёр доирасидаги шаҳарлараро ва халқаро телефон сўзлашувлари учун тўловлар;
- з) маъмурий бошқарув эҳтиёjlари учун бино ва жой ижара тўлови;
- и) маъмурий аҳамиятга эга бўлган асосий воситаларни саклаш ва таъмирлаш харажатлари, уларнинг эскириш (амортизацияси) харажатлари;
- к) бошқарув ходимларининг белгиланган меъёр доирасидаги хизмат сафари харажатлари;
- л) белгиланган меъёр доирасида вакиллик харажатлари.

## § 3. Бошқа операция харажатлари

34. Бошқа операция харажатлари ўз ичига қўйидагиларни олади:

- а) кадрлар тайёрлаш ва уларни қайта тайёрлаш (янги ташкил этилаётган хўжалик юритувчи субъектда ишлаш учун, шунингдек хўжалик юритувчи субъектнинг ихтисосига тўғри келмайдиган кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш, бундан мустасно) харажатлари;
  - б) маслаҳат ва ахборот хизматларига ҳақ тўлаш;
  - в) аудиторлик хизматларига ҳақ тўлаш;
  - г) саломатликни муҳофаза қилиш ва ходимларнинг ишлаб чиқариш жараёнинда бевосита қатнашуви билан боғлиқ бўлмаган дам олишларни ташкил этиш тадбирлари;
  - д) компенсация тусидаги тўловлар;
- Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг қарорларига кўра компенсация тўловлари;
- конун ҳужжатларига ёки хўжалик юритувчи субъектнинг ўзининг қарорига мувофиқ мажбурий прогул вақти ёки паст ҳақ тўланадиган ишни бажарганлик учун ҳақ тўлаш;
- вактинча меҳнат лаёқатини ўқотган тақдирда конун ҳужжатлари билан белгиланган ҳақиқий иш ҳақи миқдоригача қўшимча ҳақ;

хўжалик юритувчи субъектнинг ишчиларига асосий иш жои бўйича улар ишдан ажраган ҳолда малака ошириш ва кадрларни қайта тайёрлаш тизимида ўқиган вақтда иш ҳақи тўлаш;

конун хужжатларига мувофиқ 12 ёшга тўлмаган икки ва ундан ортиқ боласи ёки 16 ёшга тўлмаган ногирон боласи бор бўлган аёлларга берилган қўшимча таътилга ҳақ тўлаш;

е) иш ҳақини хисоблашда хисобга олинмайдиган тўловлар ва харажатлар:

конунчиликка мувофиқ болани икки ёшга тўлгунгача парвариш қилиш бўйича ҳар ойлик нафақани тўлаш бўйича харажатлар;

пенсияларга устамалар, пенсияга чиқаётган меҳнат фахрийларига бир йўла тўланадиган нафақалар;

конунчиликка мувофиқ хўжалик юритувчи субъектлардан уларнинг қайта ташкил этилиши, ходимлар ва штатлар сонининг қисқариши муносабати билан бўшатиладиган ходимларга тўловлар;

ж) вақтинча тўхтатиб қўйилган ишлаб чиқариш қувватлари ва обьектларини сақлаш харажатлари (бошқа манбалар хисобига қопланадиган харажатлардан ташқари);

з) банк ва депозитарий хизматларига тўловлар;

и) конун хужжатларига мувофиқ амалга ошириладиган ва хўжалик юритувчи субъект харажатларига киритиладиган бюджетга мажбурий тўловлар, соликлар, йиғимлар, давлат маҳсус бюджетдан ташқари жамғармаларига ажратмалар;

к) ижарага берилган асосий воситаларни сақлаш харажатлари.



#### **IV. Молиявий фаолият бўйича харажатлар**



35. Молиявий фаолият бўйича харажатларга қўйидагилар киради:

банклар ва бошқа молия-кредит ташкилотлари кредитлари бўйича фоизлар (инвестиция даврида капитал қўйилмалар таркибига кирувчи инвестицияларга олинган банк ва бошқа молия-кредит ташкилотлари кредитлари фоизлари, шунингдек муддати ўтган ва узайтирилган ссудалар фоизларидан ташқари);

мол-мулкни узок муддатли ижарага олиш (лизинг) бўйича фоизларни (изарага олиш бўйича муддати ўтган ва кечикирилган тўловлар бундан мустасно) тўлаш харажатлари;

молиявий фаолият бўйича бошқа харажатлар.

#### **V. Тураг жойнинг умумий майдонининг 1 кв. м учун мажбурий бадални хисоблаш тартиби**

##### **§ 1. Тураг жойнинг умумий майдонининг 1 кв. м учун мажбурий бадални хисоблаш тартиби**

36. ХУЖМШ томонидан ушбу Низомга мувофиқ ишларнинг (хизмат) тўлиқ рўйхати ва ҳажми асосида ишлаб чиқилган даромад ҳамда харажатлар сметаси тураг жойнинг 1 кв.м майдонини сақлаш ва таъмиглашга мажбурий бадални аниқлаш учун асос ҳисобланади.

37. Даромад қисми ХУЖМШ аъзоларининг мажбурий бадаллари (доимий, ойлик бадаллар), нотурар жой мулқдорларининг бадаллари ҳамда қонунларга мувофиқ бошқа даромад ва тушумлардан шаклланади.

Даромадлар сметаси ХУЖМШнинг умумий мулкини, ер майдонини ва мулкини сақлаш билан боғлиқ барча режалаштирилган харажатлар ва мавжуд молиявий мажбуриятларни қоплашни кўзда тутиши лозим.

Сметанинг харажатлар қисми даромадлар қисмидан ошиб кетиши мумкин эмас.

38. Тураг жойнинг умумий майдонининг 1 кв.м сақлаш ва таъмирлашга мажбурий бадал қўйидаги формула бўйича ҳисобланади:

$$B_3 = \frac{(\Sigma X + \Sigma F) - \Sigma D}{\Sigma M_{умум.} * 12} \text{ (сўм),}$$

бу ерда:

$B$  — тураг жойнинг умумий майдонининг 1 кв.м учун ХУЖМШ аъзосининг ойлик мажбурий бадали миқдори;

$\Sigma X$  — ХУЖМШнинг бир йиллик режалаштирилаётган ишлаб чиқариш харажатлари суммаси;

$\Sigma F$  — режалаштирилаётган зарурий фойда (давр харажатлари ҳамда молиявий фаолият бўйича харажатлар) суммаси;

$\Sigma D$  — ўрнатилган тартибда умумий харажатларни қоплашга йўналтириладиган (ХУЖМШ аъзоларининг мажбурий бадалидан тушумни ҳисобга олмаган ҳолда) бошқа даромад ва тушум манбалари, жумладан:

тураг-жой уйлардаги ижарага берилган нотурар жойлар ва бошқа мулкларни ижаракиларидан ушбу уйларга хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш бўйича харажатларни қоплашга йўналтириладиган йифим;

ХУЖМШга тегишли худудда жойлашган индивидуал гараж ва бошқа бинолар эгаларидан тўловлар;

режалаштирилган аҳоли тўловлари тушумининг 100 фоиз бажарилиши шарти асосида коммунал хизмат кўрсатиш корхоналаридан ХУЖМШга ўрнатилган тартибда

тураг жойни таъмирлаш ва ХУЖМШга бириткирилган худудни ободонлаштириш бўйича ишларни амалга оширишга йўналтириладиган ажратмалар;

1991 йилгача қурилган тураг жой уйларнинг умумий фойдаланиш жойлари ва мухандислик тармоқларини мукаммал таъмирлаш учун маҳаллий бюджетдан ажратиладиган маблағ;

конунлар билан тақиқланмаган бошқа даромад ва тушумлар;

$\Sigma M_{умум.}$  — ХУЖМШ бошқарувида бўлган уй-жой фондининг умумий майдони.

## § 2. Якуний қоидалар

39. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси билан келишилган.

*Давлат солиқ қўмитаси  
раиси*

*Б. ПАРПИЕВ*

*Тошкент ш.,  
2006 йил 22 декабрь*

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРИНИНГ  
БҮЙРУФИ

**162 Ўзбекистон Республикаси аудиторлик фаолиятининг  
миллий стандарти (12-сон АФМС) «Аудиторлик тек-  
ширувлари жараёнида бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат  
тизимини баҳолаш»ни тасдиқлаш хақида**

*Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2007 йил  
12 апрелда 1673-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилди*

*(2007 йил 22 апрелдан кучга киради)*

«Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конунининг 21-моддасига асосан ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил 22 сентябрдаги 365-сонли «Аудиторлик фаолиятини такомиллаштириш ва аудиторлик текширишларининг аҳамиятини ошириш тўғрисида»ги қарори, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1992 йил 23 ноябрдаги 553-сонли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги тўғрисидаги низомга мувофиқ, **буюраман:**

1. Ўзбекистон Республикаси Аудиторлик фаолиятининг миллий стандарти (12-сон АФМС) «Аудиторлик текширувлари жараёнида бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимини баҳолаш» иловага мувофиқ тасдиқлансан.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигига давлат рўйхатига олинган кундан бошлаб ўн кундан сўнг кучга киради.

**Молия вазири**

**Р. АЗИМОВ**

Тошкент ш.,  
2006 йил 29 декабрь,  
108-сон

Молия вазирининг  
2006 йил 29 декабрдаги 108-сон  
бўйруғи билан  
ТАСДИҚЛАНГАН

**Ўзбекистон Республикаси аудиторлик фаолиятининг миллий  
стандарти (12-сон АФМС) «Аудиторлик текширувлари жараёнида  
бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимини баҳолаш»**

Мазкур Аудиторлик фаолиятининг миллий стандарти (12-сон АФМС) (кейинги ўринларда — Стандарт), Ўзбекистон Республикасининг «Аудиторлик фаолияти тўғрисида»ги Конуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2000 й., 5-6-сон, 149-модда), Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «Аудиторлик фаолиятини такомиллаштириш ва аудиторлик текширишларининг аҳамиятини ошириш тўғрисида» 2000 йил 22 сентябрдаги 365-сон қарорига (Ўзбекистон Республикаси КТ, 2000 й., 9-сон, 62-модда) мувофиқ, Ўзбекистон

---

*Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2007 й.*

Республикасида аудиторлик фаолиятини меъёрий тартибга солиш тизимининг элементи ҳисобланади.

### **I. Умумий қоидалар**

1. Мазкур Стандартнинг мақсади аудиторлик ташкилотининг хўжалик юритувчи субъектда аудиторлик текширувлари жараёнида бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимини баҳолаш бўйича амалларини аниқлашдан иборат.

2. Ушбу Стандартнинг вазифалари қўйидагилар ҳисобланади:

а) хўжалик юритувчи субъектда аудиторлик текширувлари жараёнида аудитор (аудиторлар) томонидан бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимини баҳолашга кўйиладиган асосий талабларни ишлаб чиқиш;

б) хўжалик юритувчи субъектда аудиторлик текширувлари жараёнида бухгалтерия ҳисоби тизимини баҳолаш тартибини баён қилиш;

в) хўжалик юритувчи субъектда аудиторлик текширувлари жараёнида ички назорат тизимини баҳолаш тартибини баён қилиш.

3. Мазкур Стандартнинг талаблари расмий аудиторлик хуносасини тайёрлашни назарда тутувчи аудиторлик текширувларини ўтказишида барча аудиторлик ташкилотлари учун мажбурий ҳисобланади.

4. Мазкур стандартда фойдаланадиган тушунчалар:

а) бухгалтерия ҳисоби тизими — хўжалик юритувчи субъектнинг вазифалари ва ёзувларининг йиғиндиси бўлиб, улар орқали молиявий ҳисоботда хўжалик операциялари ва бошқа воқеалар натижаларини идентификациялаш, тўплаш, таҳлил қилиш, ҳисоблаш, таснифлаш, умумлаштириш ва акс эттириш мақсадида бухгалтерия ҳисобини юритиш усули сифатида хўжалик операциялари натижаларини қайта ишлаш;

б) ички назорат тизими — хўжалик юритувчи субъект раҳбарияти томонидан молиявий-хўжалик фаолиятини назорат қилиш ва самарали юритиш, активлар ва ҳисоб хужжатларининг сақланишини тъминлаш, хато ва фирибгарлик ҳолатларини олдини олиш ва аниқлаш, бухгалтерия ёзувларининг аниқ ва тўлиқлиги ва ўз вақтида ишончли молиявий маълумотларни тайёрлаш мақсадида қабул қилинган ташкилий тадбирлар, усуллар ва амаллар (ички назорат воситалари) йиғиндиси.

### **II. Аудиторлик текширувлари жараёнида бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимини баҳолашга кўйиладиган асосий талаблар**

5. Аудиторлик текшируви жараёнида аудитор(лар) текширилаётган хўжалик юритувчи субъектда қўлланилаётган бухгалтерия ҳисоби тизимини текшириш (лар)и шарт ва бунда режалаштирилаётган аудиторлик амалларининг моҳияти, ҳажми ва вақтинчалик харажатларини аниқлашга асос бўладиган назорат воситаларини ўрганиш(лар)и ва баҳолаш(лар)и лозим.

6. Ички назорат тизими хўжалик юритувчи субъект фаолиятининг ҳажми ва хусусиятларига мувофиқ бўлиши лозим. Аудитор аудиторлик текшируви жараёнида бухгалтерия ҳисоби тизими текширилаётган хўжалик юритувчи субъектнинг хўжалик фаолиятини ҳаққоний акс эттириши тўғрисида етарли даражада ишончга эга бўлиши лозим.

7. Агар аудитор тегишли назорат воситасига таяниши мумкинлиги тўғрисида ишонч ҳосил қиласа, бундай ҳолда у аудиторлик амалларини чуқурлашмаган тарзда ўтказиш имкониятига эга бўлади, акс ҳолда у кўпроқ (кенг) танлов асосида

ўтказган бўлар эди, шунингдек кўлланилаётган аудиторлик амаллари моҳиятига ва уларни амалга ошириш учун мўлжалланаётган вакт сарфига ўзгартиришлар киритиши мумкин.

8. Аудиторлик ташкилоти ички назорат тизимининг ишончлилиги ва самара-дорлигини умумий ва алоҳида баҳолашда қўйидаги даражалардан фойдаланади:

- а) юкори;
- б) ўрта;
- в) паст.

9. Аудиторлик ташкилоти ўзининг фаолиятида ишончлилик ва самарадорликни баҳолашда кўп микдордаги даражаларни қўллаш тўғрисида қарор қабул килиши мумкин.

10. Бухгалтерия ҳисоби тизими ва ички назорат тизимини ўрганиш ва баҳолаш аудиторлик ташкилотининг иш хужжатларида албатта (мажбурий тартибда) акс эттирилиши лозим. Бунда қўйидагилардан фойдаланиш тавсия этилади:

- а) маҳсус ишлаб чиқилган тест амалларидан;
- б) раҳбарият ходимлари ва бухгалтерия ишчиларининг фикрларини аниқлаш мақсадида намунавий саволлар рўйхатидан;
- в) текширув варакалари ва маҳсус бланкалардан;
- г) эътирозлар рўйхати, баённома ёки далолатномалардан.

11. Аудиторлик ташкилоти мазкур ва бошқа аудиторлик фаолиятининг миллий стандартлари талаблари асосида бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимини ўрганишнинг ва баҳолашнинг тартибини, ҳамда услубини мустақил ишлаб чиқади, шунингдек баҳолаш ва ўрганиш натижаларидан келиб чиқиб, аудиторлик текшируви амалларини режалаштиради. Хўжалик юритувчи субъектнинг назорат тизимини баҳолаш натижасида алоҳида аудиторлик амалларининг тўлиқлиги ва ҳажмининг камайтирилиши ва бошқа айнан шундай ҳолларда атрофлича асосланган бўлиши лозим.

12. Аудиторнинг бухгалтерия ҳисоби тизимининг ташкил қилиниши ва ички назорат тизимининг самарадорлиги тўғрисидаги фикри аудиторлик амалларини ўтказиши режалаштириш учун асос бўлиб хизмат қиласи. Текширилаётган хўжалик юритувчи субъект бухгалтерия ҳисоби тизимининг хусусиятлари, шунингдек ушбу хўжалик юритувчи субъектнинг ички назорат тизимини ўрганиш ва баҳолаш натижаларининг хужжатлаштирилмаганлиги ёки етарли даражада хужжатлаштирилмаганлиги аудиторлик текширувининг лозим даражада ўтказилмаганлигига далил бўлиб хизмат қилиши мумкин.

13. Аудиторлик текширувлари жараёнида аниқланган бухгалтерия ҳисоби тизими ва ички назорат тизимининг камчиликлари, шунингдек уларни бартараф этиш бўйича тавсиялар аудиторлик ҳисботида акс эттирилиши лозим.

### **III. Бухгалтерия ҳисоби тизимини баҳолаш тартиби**

14. Аудитор аудиторлик текширувини режалаштириш ва уни бевосита ўтказиш жараёнида текширилаётган хўжалик юритувчи субъектнинг бухгалтерия ҳисоби тизимини ўрганиши ва баҳолаши шарт.

15. Бухгалтерия ҳисоби тизимини ўрганиш текширилаётган хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий-хўжалик фаолиятининг қўйидаги томонлари тўғрисидаги маълумотларни таҳлил қилиш ва баҳолашни ўз ичига олади:

- а) бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш ва юритишнинг асосий қоидалари ва ҳисоб сиёсатини;

- б) бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тайёрлаш учун масъул бўлинма мавжуд бўлса, унинг таркибий тузилмасини;
- в) бухгалтерия ҳисобини юритиш ва молиявий ҳисоботни тайёрлашда иштирок этадиган ходимлар ўртасида мажбуриятлар ва ваколатларнинг таксимланишини;
- г) хўжалик операцияларини акс эттирувчи хужжатларнинг тайёрланиши, айланиси ва сақланишининг ташкил этилганлигини;
- д) хўжалик операцияларининг бухгалтерия ҳисоби регистрларида акс эттириш тартибини, ушбу регистрлар маълумотларининг умумлаштириш шакли ва усуllibини;
- е) бухгалтерия ҳисоби маълумотлари асосида даврий молиявий ҳисоботни тайёрлаш тартибини;
- ж) бухгалтерия ҳисобини ташкил қилиш ва юритишка, ҳамда молиявий ҳисоботни тайёрлашда ҳисоблаш техникаси воситаларининг роли ва ўрнини;
- з) молиявий ҳисоботнинг бузилиши ва хатоликларини вужудга келтириш имкони юқори бўлган бухгалтерия ҳисоби объектларини;
- и) ҳисоб тизимининг алоҳида соҳаларида кўзда тутилган назорат воситаларини.

16. Аудитор, аудиторлик текширувлари жараёнида хўжалик юритувчи субъектнинг бухгалтерия ҳисоби тизимининг ташкил қилиниши қонунчилик талабларига мувофиқлигини текшириши ва натижаларини иш хужжатларда акс эттириши лозим. Агар хўжалик операцияларини акс эттирища кўйидаги талаблар бажарилса, у холда хўжалик субъектининг бухгалтерия ҳисоби тизими самарали ҳисобланади:

- а) хўжалик операциялари бухгалтерия ҳисобида уларнинг амалга оширилган вактини тўғри акс эттираса;
- б) хўжалик операциялари бухгалтерия ҳисобида тўғри суммада қайд этилса;
- в) хўжалик операциялари бухгалтерия ҳисобининг счётларида қонунчилик ва ҳисоб сиёсати талаблари асосида тўғри акс эттирилган бўлса;
- г) бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисобот учун мухим аҳамиятга эга бўлган хўжалик операцияларининг тавсилотлари акс эттирилган бўлса.

17. Аудиторлик текширувлари жараёнида текширилаётган хўжалик субъекти бухгалтерия ҳисобининг ташкил қилиниши, йўлга қўйилиши ва юритилишига таллукли ички хужжатлар билан танишиш зарур ва унинг ҳақиқий ҳолати мазкур Стандартнинг 16-банди талабларига қанчалиқ мувофиқлигини аниқлаш лозим. Зарур ҳолларда бундай солиштириш учун ҳисобда алоҳида суммаларнинг бирламчи хужжатлардан уларнинг ҳисобот хужжатларида акс эттиришгача бўлган ҳаракатини кузатиш тавсия этилади.

+

#### **IV. Ички назорат тизимини баҳолаш тартиби**

18. Аудитор аудиторлик текширувлари жараёнида хўжалик юритувчи субъектнинг ички назорат тизими қўйидагиларни ўз ичига олишини инобатга олиши лозим:

- а) бухгалтерия ҳисоби тизимини;
- б) назорат мухитини;
- в) алоҳида назорат воситаларини.

19. Назорат мухити деганда, хўжалик юритувчи субъект раҳбариятининг ички назорат тизимини белгилаш ва ушлаб туришга йўналтирилган амалий ҳаракатлари ва хабардорлиги тушунилиб, кўйидагиларни ўз ичига олади:

- а) мазкур хўжалик юритувчи субъектни бошқаришнинг асосий тамойиллари-ни;
- б) хўжалик юритувчи субъектнинг ташкилий тузилмасини;
- в) ишчиларнинг ваколати ва жавобгарлигининг тақсимланишини;
- г) амалга оширилаётган ходимлар сиёсатини;
- д) ташки фойдаланувчилар учун молиявий хисоботларни тайёрлаш тартибини;
- е) ички мақсадлар учун хисоботларни тайёрлаш ва бошқарув хисобини амалга ошириш тартибини;
- ж) хўжалик юритувчи субъектнинг молиявий-хўжалик фаолиятининг умуман қонунчиликка мослигини.

20. Хўжалик юритувчи субъектнинг раҳбарияти ички назорат тизимининг ишлаб чиқилиши ва қўлланиши учун масъул хисобланади. Ички назорат тизимининг хўжалик юритувчи субъектнинг хусусияти ва қўлами талабига жавоб бериши, доимий ва самарали амал қилиши унга боғлиқ бўлади. Хўжалик юритувчи субъектда қонунчилик ёки таъсис хужжатларига мувофиқ ички назоратни ёки унинг функциясининг бир қисмини амалга оширадиган ички аудит бўлими ёки бошқа хизмат ташкил қилиниши мумкин.

21. Хўжалик юритувчи субъектнинг самарали таркибий тузилиши ишчиларнинг ваколати ва мажбуриятларининг тақсимланишини назарда тутади. У алоҳида шахслар томонидан назорат талабларининг бузилишининг олдини олиши ва ўзаро боғлиқ бўлмаган вазифаларнинг бўлинишини таъминлаши лозим. Ишчининг функциялари, агарда уларнинг битта шахсада мужассамлашганлиги тасодифий ёки қасдан хатоликка йўл қўйилишига олиб келса, ҳамда шундай хато ва камчиликларни аниқлашга қийинчилик туғдирса, у ўзаро боғлиқ бўлмаган хисобланади. Одатда қўйидаги функциялар турли шахслар ўртасида тақсимланиши лозим:

- а) хўжалик юритувчи субъектнинг мулкига (активига) бевосита киришга йўл қўйиш;
- б) хўжалик операцияларини амалга оширишга руҳсат бериш;
- в) хўжалик операцияларини бухгалтерия хисобида акс эттириш.

22. Ички назорат тизимининг самарали амал қилиши, шунингдек, тегишли фаолиятни юритиш юқлатилган ишчиларга ҳам боғлиқ. Ходимларни танлаш, ёллаш, лавозимини кўтариш, ўқитиш ва қайта тайёрлаш тизими тегишли ходимларнинг малакасининг юқорилигини таъминлаши лозим.

23. Аудитор, ички назорат тизими абсолют аниқ даражада эмас, балки маълум даражадаги эҳтимол билан тасдиқлаши мумкинлигини, ҳамда уни ташкил қилишдан кўзланган мақсад ички назорат тизимининг қўйидаги чекловлари натижасида эришганлигини назарда тутиши лозим:

- а) хўжалик юритувчи субъект раҳбариятининг назорат тадбирларини амалга ошириш харажатлари ана шундай тадбирларни қўллаш натижасида олинадиган икти-содий нафдан кам бўлишини талаб қилиши;
- б) хўжалик юритувчи субъект ходимларининг ушбу хўжалик юритувчи субъектнинг бошқа ходимлари ва учинчи шахслар билан ўзаро келишув натижасида назорат тизимини қасдан бузиш;
- в) назоратнинг маълум қисмининг амал қилиши учун масъул бўлган раҳбарият вакиллари томонидан суюистеъмол қилиниши натижасида назорат тизимининг бузилиши;
- г) молиявий-хўжалик фаолиятининг ёки бухгалтерия хисобини юритиш қоидаларининг жиддий ўзгаришлари натижасида қабул қилинган назорат амалларининг самарали бўлмай қолиши мумкинлиги.

24. Аудитор текширилаётган хўжалик юритувчи субъектнинг назорат воситалари қўйидаги мақсадларга эришаётганлигига ишонч ҳосил қилиши лозим:

- а) хўжалик операциялари барча ва алоҳида ҳолларда раҳбариятнинг розилиги билан амалга оширилаётганлигига;
- б) бухгалтерия ҳисобида барча операциялар хўжалик юритувчи субъектда қабул қилинган ҳисоб сиёсатига мувофиқ тўғри суммаларда, бухгалтерия ҳисобининг тегишли счётларида, тўғри вақт даврида акс эттирилаётганлигига ва ишончли молиявий ҳисобот тайёрлаш имкониятини таъминлаётганлигига;
- в) активларга кириш факат тегишли раҳбариятнинг руҳсати билан йўл қўйиляётганлигига;
- г) бухгалтерия ҳисобида кайд қилинган ва ҳақиқатда мавжуд бўлган активлар мувофиқлиги белгиланган даврларда ваколатли шахслар томонидан аниқланадаётганлигига ва фарқлар аниқланган ҳолларда эса раҳбарият томонидан тегишли чоралар кўрилаётганлигига.

25. Аудитор у томонидан текширилаётган хўжалик юритувчи субъектда ички назоратнинг қўйидаги амалларининг қўлланилаётганлигига ишонч ҳосил қилиши лозим:

- а) бухгалтерия ёзувларининг тўғрилигини арифметик текшириш;
- б) ҳисоб-китобларни таққослашни ўтказиш;
- в) ҳужжатлар айланишининг тўғрилигини ва раҳбарият ходимларининг розилик ёзувлари мавжудлигини текшириш;
- г) бухгалтерия ҳисобида маълумотларнинг амалдаги ҳолатига мувофиқлигини аниқлаш мақсадида, товар-моддий қийматликлари, қимматли қофозлар, қаттий ҳисобот бланкалари ва кассадаги накд пулларни белгиланган тартибга мувофиқ даврий режали ва тўсатдан инвентаризация қилиш;
- д) назорат мақсадида хўжалик юритувчи субъектдан ташқарида жойлашган манбалар маълумотларидан фойдаланиш;
- е) бухгалтерия счётлари бўйича ёзувлар ва ҳужжатларни юритиш тизимида, корхонанинг активларига ваколати бўлмаган шахсларни йўл қўймасликка қаратилган чеклов тадбирларини амалга ошириш;
- ж) кўрсаткичлар динамикасини тадқик қилиш, режа ва смета кўрсаткичларини ҳақиқатдаги ҳолат билан таққослаш ва салмоқли фарқларнинг сабабларини аниqlаш.

26. Аудитор хўжалик юритувчи субъектнинг ички назорат тизимини қўйидаги ўйналишлар бўйича баҳолайди:

- а) ички назорат тизими билан умумий танишиш;
- б) ички назорат тизимининг ишончлилигини дастлабки баҳолаш;
- в) ички назорат тизимини баҳолашнинг ишончлилигини тасдиқлаш.

Аудиторлик ташкилотлари ўзларининг фаолиятида ички назорат тизимини баҳолашнинг кўпроқ сонли босқичларини қўллаш тўғрисида қарор қабул қилишлари мумкин.

27. Аудиторлик ташкилотлари ишнинг бошланишида хўжалик юритувчи субъект фаолиятининг хусусияти ва кўлами ва унинг бухгалтерия ҳисоби тизими тўғрисида тасаввурга эга бўлиши лозим. Аудиторлик ташкилоти дастлабки ўрганишлар натижаси бўйича текширилаётган хўжалик юритувчи субъектнинг ички назорат тизимида ўзининг иш фаолияти давомида таяниши мумкинлиги тўғрисида қарор қабул қилиши лозим.

28. Агар аудиторлик ташкилоти ўзининг иш фаолияти давомида хўжалик юритувчи субъектнинг ички назорат тизимида таяна олмаслиги тўғрисида қарор қабул

қилса, у аудиторлик текширувани шундай режалаштириши керакки, унда аудиторнинг фикри ушбу тизимга ишонишига асосланаслиги лозим. Бу ички назорат тизими ишончлилиги «*past*» деб баҳоланса ёки аудитор ушбу тизимга ишонмаслик тўғрисида қарор қабул қилганда амалга оширилиши мумкин.

29. Агар аудиторлик ташкилоти хўжалик юритувчи субъектнинг ички назорат тизимини умумий ўрганиш натижалари бўйича ўзининг иш фаолиятида ички назорат тизимига таяниши мумкинлиги тўғрисида қарор қабул қилса, бу ҳолда у ички назорат тизимининг ишончлилигини дастлабки баҳолашни амалга ошириши лозим.

30. Ички назорат тизимининг ишончлилигини дастлабки баҳолаш амаллари аудиторлик ташкилоти томонидан мазкур Стандарт талабларини ҳисобга олган ҳолда мустақил ишлаб чиқилган усуллар ва ёндашувлар асосида амалга оширилади.

31. Аудитор ички назорат тизимининг ишончлилигини дастлабки баҳолаш жараёнида қўйидагиларни инобатга олиши лозим:

а) хўжалик юритувчи субъектнинг факат танлаб олинган вактдаги даврини эмас, балки барча ҳисбот давридаги бухгалтерия хужжатларини назорат воситаси сифатида ишончлилигини текшириш лозим;

б) текшириш жараёнида фаолият учун хусусиятли ёки бутун бошқа даврлар учун одатий ҳол бўлган фаолият билан таққослаганда фарқ қиласидан фаолият даврларига катта эътибор қаратиш лозим;

в) бутун ички назорат тизимининг ва (ёки) назоратнинг алоҳида воситаларининг ишончлилигининг «*past*» баҳоланиши, бошқа алоҳида назорат воситаларининг ишончлилигини «*ўрта*» ёки «*юқори*» даражада баҳолашни инкор этмайди.

32. Аудиторлик ташкилоти ишончлиликтин дастлабки баҳолаш жараёnlари натижаси бўйича бутун ички назорат тизимини ва (ёки) назоратнинг алоҳида воситаларининг ишончлилигини «*ўрта*» ёки «*юқори*» даражада баҳолаши мумкин. Бундай ҳолда аудиторлик ташкилоти аудиторлик амалларини ушбу хulosадан келиб чиқиб режалаштириши лозим, аммо мазкур тизимга мутлоқ ишонмаслиги лозим.

33. Аудиторлик ташкилоти дастлабки баҳолаш жараёnlари натижаси бўйича бутун ички назорат тизимини ва (ёки) назоратнинг алоҳида воситаларини «*past*» деб баҳолаган тақдирда, у буни қайд килиб ўтиши ва кейинчалик аудиторлик амалларини шунга мос равишда режалаштириши лозим.

34. Дастлабки баҳолаш натижалари бўйича ички назорат тизимига ва (ёки) назоратнинг алоҳида воситаларига ишонч билдириш тўғрисида қарор қабул қилган аудиторлик ташкилоти аудиторлик текширувлари жараёнида ушбу тизимнинг ишончлилигини тасдиқлаш амалларини бажариши лозим.

35. Ички назорат тизимининг ишончлилигини тасдиқлаш амаллари аудиторлик ташкилоти томонидан мазкур ва бошқа аудиторлик фаолиятининг миллий стандартлари талабларини ҳисобга олган ҳолда мустақил ишлаб чиқилган усуллар ва ёндашувлар асосида амалга оширилади.

36. Агар аудиторлик ташкилоти ишончлиликтин тасдиқлаш жараёniда ички назорат тизими умуман ва (ёки) ички назоратнинг алоҳида бир воситаси дастлабки баҳолаш жараёniда олинган баҳодан паст деган хulosага келса, бундай ҳолда у ўтказиладиган аудиторлик текширувлари натижалари бўйича ўз хulosасининг ишончлилигини ошириш мақсадида бошқа аудиторлик амалларини амалга ошириш тартибини шунга мос равишда тузатиши лозим.

37. Ички назорат тизимини баҳолашнинг барча босқичлари бутун тизим ёки алоҳида назорат воситаси ишончлилигининг баҳосини кўрсатган ҳолда тегишли тартибда батафсил хужжатлаштирилиши лозим.

**V. Якуний қоидалар**

38. Мазкур Стандарт Ўзбекистон Республикаси монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш давлат қўмитаси билан келишилган.

*Монополиядан чиқариш, рақобат  
ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш  
давлат қўмитаси раиси в.б.*

*Б. УЛАШОВ*

*Тошкент ш.,  
2007 йил 9 марта*

—

+

**Ўзбекистон Республикаси  
 Адлия вазирлиги маълум қилади:  
 вазирликлар, давлат қўмиталари ва идораларининг  
 умумий мажбурий тусдаги норматив ҳужжатларини давлат  
 рўйхатидан ўтказиш ҳолати тўғрисида  
 2007 йил 7 апрелдан 13 апрелгача бўлган маълумот**

**I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:**

1. «Ўзбекистон Республикаси олиб кириладиган бензин ва дизель моторлари билан жиҳозланган «М2», «М3» ва «N2» тоифаларида янги автотранспорт воситаларини «Евро-2» экологик даражадан кам бўлмаган талабларга мувофиқлиги бўйича экологик сертификатлаштириш тартиби тўғрисидаги Вакътинчалик йўрикномани тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон стандартлаштириши, метрология ва сертификатлаштириши агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Табиатни муҳофаза қилиши давлат қўмитасининг 2007 йил 28 февралдаги 1-н, 80-ТК-сон қарори.

**2007 йил 7 апрелда 1670-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 17 апрелдан кучга киради).**

+                            -  
 2. «Қимматли қоғозлар бозори иштирокчилари томонидан ошкор этилиши шарт бўлган ахборотларни «Биржа» газетасида марказлаштирилган тарзда нашр этиш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ҳузуридаги Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириши ва назорат қилиши маркази Бош директорининг 2007 йил 1 марта даги 2007-02-сон буйруғи.

**2007 йил 7 апрелда 1671-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 17 апрелдан кучга киради).**

3. «Умумий мол-мулкни, ер участкасини ва хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатининг мол-мулкни сақлаш бўйича жой мулкдорларининг мажбурий бадаллари ни шакллантиришда харажатлар таркибини аниқлаш ҳамда уй-жой фондига хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш бўйича пудрат ташкилотларининг хизматлари учун рентабелликнинг чекланган даражасини жорий этиш бўйича низомни тасдиқлаш тўғрисида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Иқтисодиёт вазирлиги, Ўзбекистон «Ўзкоммунхизмат» агентлигининг 2006 йил 25 декабрдаги 104, 17, 01-1371-сон қарори.

**2007 йил 10 апрелда 1672-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 20 апрелдан кучга киради).**

4. «Ўзбекистон Республикаси аудиторлик фаолиятининг миллий стандарти (12-сон АФМС) «Аудиторлик текширувлари жараёнида бухгалтерия ҳисоби ва ички назорат тизимини баҳолаш»ни тасдиқлаш ҳақида» Ўзбекистон Республикаси Молия вазирининг 2006 йил 29 декабрдаги 108-сон буйруғи.

**2007 йил 12 апрелда 1673-сон билан рўйхатдан ўтказилди (2007 йил 22 апрелдан кучга киради).**

**II. Давлат реестридан чиқарилди:**

1. Туар-жойнинг 1 м.кв умумий майдонини сақлаш ва эксплуатация қилиш тарифларини шакллантиришда харажатлар таркибини аниqlаш ҳамда рентабеллик-нинг чекланган даражасини жорий этиш бўйича низом. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Макроиқтисодиёт ва статистика вазирлиги, Ўзбекистон «Ўзкоммуњизмат» агентлиги томонидан тасдиқланган (рўйхат рақами 1068, 19.09.2001 й.).

*Адлия вазирининг 2007 йил 10 апрелдаги 67-мҳ-сон буйруғи билан реестридан чиқарилди.*

**Мазкур ҳужжат амалдаги қонунчиликка ўзгартиришлар киритилиши ва/ёки янги норматив-хуқуқий ҳужжат қабул қилиниши муносабати билан давлат реестридан чиқарилди.**

—

+